



# KAXRAMOH

Сенга, нима учун Ер сайёрасида яшаётганинг ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Шу ерда яшаяпсанми, демак, сенда нимадир ўзига хослик бор. Сен етти миллиард одам қодир бўлмаган бирор нима қилиш учун тугилгансан. Тақдирингта ёзилган ҳаёт бор, сен амалга оширишинг керак бўлган саёҳат бор. Бу китоб сенинг саёҳатингта багишланади. Бизнинг замонамизда яшаётган, муваффақиятта эришган ўн иккита одам ўзларининг ҳайратланарли саёҳатлари ҳақида сўзлаб берадилар. Улар — ҳар биримиз, ўз буюк орзуларимизни амалга оширишимиз учун барча зарур имкониятларга эга бўлиб тугилганлигимиз, уларни амалга ошириб, ўз бурчимизни бажара олишимиз ва оламни ҳеч бир муболагасиз ўзгартиришимизга ишонадилар.

## **Рус тилидан Малика Убайдуллаева таржимаси.**

*Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.*

**"DAVR PRESS"** нашриёт-матбаа уйининг ёзма рухсатисиз ушбу нашрии қисман ёки тўлиқ ҳолда бошда оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик кўринишда кўчириб босиш, магнит ташувчи воситаларда тарқатиш ҳатъий тақиқланади.

ISBN 978-9943-4680-9-2

© "DAVR PRESS" НМУ, 2017

Сенинг ердаги вазифанғ якунига ет-  
ган-етмаганини шундай аниқлаш мум-  
кин. Агарда тирик бўлсанг, у якунига  
етмаган бўлади.

**Ричард Бах**

## МИННАТДОРЛИК

**Ҳар бир қаҳрамонга багишланади.**

Ҳар бир янги лойиҳа — бу саёҳат, гоянинг заррасидан бошланиб, ўзининг ноёб услубида ривожланади ва дунёнинг яратилиши билан якунланади. Мен бу саёҳатнинг кутилмаган воқеалари, бурилишлари, изтироб ва хурсандчиликларини яхши кўраман.

Мен бошқа туйгулардан ташқари, ортимга, босиб ўтган йўлларимга назар ташласам, бу лойиҳанинг дунёга келишида муҳим роль ўйнаган ажойиб одамларни кўрганимда, ўзим тўла итоаткор бўлиб қоламан. "Қаҳрамон"ни яратиш бўйича саёҳат бошдан-охиригача қувончли бўлди.

## КИРИШ

Бу китоб бир воқеа ҳақида. У менинг ҳаётимни ўзгартириб юборди ва бутун инсоният тарихи давомида инсонлар ҳаётини ҳам ўзгартирган. Бу ҳикояни азалдан айтиб юришади. У дунёнинг ҳар бир мамлакати, ҳар бир маданиятида турли шаклда бўлса ҳам, моҳияти бир хил бўлиб қолаверади. Бу ҳикоя Ер сайёраси бўйлаб саёҳат қилишга журъат этган қаҳрамон ҳақида.

Ер сайёрасидаги олам жуда гўзал: у чексиз уммонлар, тоғлар, ўрмонлар, гаройиб қиргоқлар, кенг яйловлар, ажойиб ҳайвон ва бошқа жонзотлари билан ҳайратланарли, бу ҳайратланарли оламда одамлар ҳам яшайдilar. Қаҳрамонимиз, Ер юзида инсон ҳаёти жуда мураккаб кечади деб топди. Болалик давридан ўсмирилик ва етуклиқдан қариллик давомида — хавотирлар, жисмоний оғриқлар, камбағаллик, қайғу доимо таъқиб этиб, ўлим билан тугайди.

Ер юзида хурсандчиликлар ва азоб чекишлар бор, чунки бу гўзал олам икки тарафламалик — қарама-қаршиликлардан иборат. Ҳар бир нарсанинг қарама-қарши томони бор. Ёруғлик-зулмат, тепа-паст, ўнг-чап, иссиқ-совуқ — бу қарама-қаршиликлар ҳаётнинг ҳар бир дараҷасида учрайди. Душманлар ва дўстлар бор, севиб қолиш ва севгини йўқотиш, хавфсизлик ва ноаниқлик, бойлик ва қашшоқлик, роҳат ва умидсизлик, ҳар бир одамда ижобий ва салбий хислатлар бор. Ер сайёрасида ҳамма нарса ўзининг қарама-қарши томонига эга.

Бу оламнинг сен истаган буюк шодликлари, буюк севги, буюк синовлар ва буюк қийинчиликлари учун тенг имкониятлари бор. Айнан сен ҳаётнинг саргузаштларини бошдан кечириш учун бу гўзал, оддий бўлмаган жойга келишни истадинг.

Сен бу дунёда енгишга жасорат топа олмайдиган катта қийинчилик йўқ, деб қарор чиқардинг. Ва сен қаҳрамонлик саёҳатига қарор қилдинг — негаки сен бу ҳикоя воқеаларининг қаҳрамонисан.

Қаҳрамонлик саёҳатида сен аслаҳа-анжомсиз қолмайсан. Сен чексиз қудратли ички қобилияtlар билан туғилгансан, улар орзула-рингни рўёбга чиқаришга, дуч келган ҳар бир синов, тўсиқ ва қийинчиликларни енгишга имкон беради. Аммо туғилиш пайтида, чекланган моддий Ер сайёрасида, ақлинг ва онгинг ҳам чекланиб қолди. Бу сен ўз ҳақиқий табиатингни унутасан ва ичингдаги қудратли иқтидорларингни ёдингда сақламайсан, дегани. Уни ўзинг топишинг лозим.

Фақат қаҳрамонлик саёҳатини бажариб, ўз ичингда юқори инсоний фазилатларни шакллантириб, ниҳоят қаҳрамон бўласан. Шунда янги мақсад қалбингни эгаллади — бу қаҳрамонлик саёҳатини бошламоқчи бўлганларга ўз йўлида кўрганларининг ҳаммасига ёрдам беришdir.

Сен танишмоқчи бўлган одамлар ўзларининг қаҳрамонлик саргузаштларини амалга ошириб бўлишган. Улар сенга қаҳрамонлик саёҳатингни бошлашингта ёрдам бериш учун ўз ҳикоя-

лари ва бошидан кечиргандарини таништиришга оламнинг ҳар чеккасидан келиб бирлашдилар.

### **Лиз Мюррей — АҚШдан**

Лиз Мюррей гиёхвандлар оиласида туғилган ва Нью-Йорк шаҳрида камбағаллиқда катта бўлган. Унинг онаси ВИЧ касаллигидан вафот этган, отаси эса уйсизлар бошпанасига тушиб қолган эди. Лиз ўсмирлик пайтида кўчада қолди. У мактабни ташлаб кетди, зинапоя супачасида тунларни ўтказар, яшаб қолиш учун дўконлардан овқат ўғирлар эди: аммо айнан ўша дамда унда Гарвард университетида ўқиш орзуси туғилди. Тўрт йил ўтгач, Лиз орзусини амалга оширади, ўз биографиясини нашр қилириб, дунёдаги энг талаб қилинаётган мавзулар бўйича нотиқ ва бестселлер китоблар муаллифига айланди.

### **Г.М. Рао — Ҳиндистондан**

Г.М. Рао Ҳиндистоннинг кичик бир қишлоғида туғилган бўлиб, у ернинг аҳолиси ўз озиқ-овқат улушига навбатда туришар, ҳатто электр токи, телефони ҳам бўлмаган бир жой эди. Нима бўлганида ҳам Рао тўлиқ бўлмаган ўрта мактабга имтиҳонларни биринчи гал топшиrolмади. У тадбиркорлик билан шугула-нишни истар эди, чунки ажойиб кунларнинг бирида ўзининг кичик ишини яратиб, шинамгина уй олмоқчи эди. У йўлида учраган бирорта имкониятни ўтказиб юбормади. Рао ишини кичик каноп заводидан бошлаб секин-аста ўз

ишлиб чиқаришини кенгайтира бошлади ва бу-  
гунги кунда унинг улкан империяси ўз ичига  
электростанция, аэропорт, юқори тезлиқдаги  
автострадалар, шаҳар қурилишини олади.

### **Лэрд Гамильтон — АҚШдан**

Лэрд Гамильтон Гавайида камбағал оиласа  
кетта бўлган. Ўзини таҳқирланган ва жами-  
ятдан ажралиб қолган кимса деб ҳисобларди.  
Лекин у ўзини виндерфингда қўрсатмоқчи  
ва илгари ҳеч бир серфер бажаришга қодир  
бўлмаган ишни қилгиси келарди. Унинг сувда-  
ги хавфли саргузаштлари нафақат жиҳдий си-  
ниш ва шикастланишларга сабаб бўлган, ҳатто  
бир неча бор очиқ денгизга бориб қолган —  
имконият чегарасидан чиққан, дунё кўрган,  
буюк серфер бўлиш орзусини амалга ошириш  
учун ўз йўлини давом эттирган.

### **Анастасия Соаре — Руминиядан**

Анастасия Соаре ва унинг оиласи “совук  
уруш” авжга чиққанида фаровон ҳаёт излаб  
Руминиядан қочишиган. У Лос-Анжелесга пул-  
сиз, инглиз тилини билмайдиган ҳолатда кел-  
ган ва кунига ўн тўрт соатлаб гўзаллик са-  
лонида ишлаган. Анастасия иш фаолиятини  
алмаштирмаса, ҳаётида ҳеч нарса ўзгармас-  
лигини англағач, ўз ишини Беверли-Хиллз-  
да очмоқчи бўлди. Анастасия ўзининг қош  
коррекциялашдаги ажойиб услуби билан тезда  
муваффакиятга эришди ва йиллар ўтиб фир-  
масини миллий глобал империяга айлантириди.

## **Пол Орфала — АҚШдан**

Пол Орфала мактабда дислексия (ҳарфларни ўқий олмаслик)нинг оғир ҳолати билан касаллангани учун ўқиши зўрга тутатди. Пол деярли ўқий олмаса ҳам IBMдан йирикроқ компания очишни орзу қиласди. Ёзиш ва ўқищдаги муаммоларни компенсация қилиш учун Пол ўзида кузатувчанликни ривожлантириди ва кунлардан бир кун нусха кўчирадиган салонда навбатда турар экан, одамларнинг ташвишли юзидан фотокопия ва арzon нашрга зор эканликлари ни тушунди. Шу биргина гоядан Kinkos яралди, у вақт ўтиши билан маблаги миллиард долларга teng ксерокопия компаниясига айланди.

## **Питер Бурваш — Канададан**

Питер Бурваш болалигидан хоккей билан шугулланарди, бир кун жуда кучли тўқнашув оқибатида оёқлари шол бўлиб, музда ётиб қолди. У бу балодан қутулиб кетса, хоккейни ташлаб кетишга қасам ичди. Оёқقا турганида ўз сўзида туриб, хоккейдан кетди ва олдига янги мақсадни — профессионал тенинисчи бўлиши қўйди. Питер тенинис рейтингининг юқори ўринларига эришмаган бўлса ҳам, барча замонларда энг ҳурматта сазовор бўладиган мурраббийга айланди ва дунёдаги энг йирик тенинис менежмент компаниясини қурди.

## **Мастин Кипп — АҚШдан**

Мастин Кипп учун бутун олам очиқдек — у Лос-Анжелес мусиқали индустриясининг энг ёш администратори эди. Аммо гиёҳванд мод-

далар ва ичкиликка муккасидан кетиши уни ҳа-  
ётидаги мудхиш изтиробга олиб келди — ишдан  
бўшатиши. Моддий маънода ҳамма нарсадан  
маҳрум бўлгач, ақлини йигиб олди ва ўзини бо-  
шидан яратиш мақсадини қўйди — ўша пайт-  
дан бошлаб машҳур The Daily Love веб-сайти-  
ни яратди ва ёзувчига айланди.

### **Пит Кэрролл — АҚШдан**

Пит Кэрролл ҳаётда фақат бир нарсани —  
машҳур профессионал спортчи бўлишни орзу  
қиласди. Аммо у Миллий футбол лигасида ўзи  
ўйлагандек муваффақиятга эриша олмади. Пит  
орзуси бундай тарзда ҳақиқатга айланмаслиги-  
ни англаб етмагунича ўз ҳаёти ва кўникмала-  
ри билан нима қилишни билмай қолди. У фут-  
бол мураббийи бўлди, унинг бу фаолиятида  
ҳам парвозлар ва қулашлар кўп бўлган бўлса-  
да, эплади ва Америка футболининг энг завқ-  
шавқقا тўла мураббийларидан бирига айланди,  
уни яқинда йил мураббийи мукофоти билан  
тақдирлашди.

### **Майл Эктон Смит — Англиядан**

Университетни тутатгач, иш тополмасдан,  
бизнес билан шугулланишга қарор қилди. Банк  
унинг лойиҳаси учун молия ажратмади, онаси  
унга 1000 фунт ссуда берди. Бир неча муваффақиятсизликлардан кейин у инқироз ёқасига  
келиб қолди, аммо охирги гояси жуда ўзгача-  
роқ эканига ишончи комил эди. Ҳақиқатан ҳам  
Moshi Monsters лойиҳаси Англияни қамраб ол-

ди — у болалар ўйинлари соҳасида глобал феноменга айланди.

### **Лейн Бичли — Австралиядан**

Лейннинг онаси қизча етти ёшлигида фожиали ўлим топди. Бу воқеадан сўнг Лейн ўзини чақалоқлигида боқиб олишган деб мијасига сингдирди. У айрилиқ ва ёлғизлик туғусидан, ўз олдига дунё бўйича серфинг чемпиони бўлиш мақсадини қўйиб, бутун оламга исботламоқчи бўлди. Лейн етти марта кетма-кет чемпион бўлди. Бу эса уни дунёning буюк серфингчи аёлига айлантириди.

### **Жон Пол Дежориа — АҚШдан**

Жон Пол Дежориа ва унинг укаси болаликларининг тўрт ярим йилини ўзларини асрар олган оиласда ўтказди, уларнинг онаси оғир касал бўлиб, болалари ҳақида гамхўрлик қилолмасди ва шу билан бирга ишлай олмасди. Охир-оқибат иккови Лос-Анжелеснинг шарқида, ўсмирларнинг кўча безорилари тўдасига қўшилиб қолишли. Ўрта мактаб ўқитувчи-си Жон Полга одам бўлмайсан, деб башорат қилди. Жон Пол йигирма ёшига етмасидан чақалоқ ўғли билан биргаликда машинада яшар эди. Кун кечириш учун ичимликдан бўшаган шиша идишларни йигиб сотар, гўё башорат амалга ошгандай эди. Аммо Жон Пол ўз ҳаётини ўзгартиришга қарор қилди. Уни кетма-кет уч марта ҳайдаб юборишганларидан кейин Пол Митчелл билан шерикликда бор-йўғи 700 доллар билан соchlар учун косметик восита ишлаб

чиқаришни йўлга қўйиши. John Paul Michell Systems йилига 1 миллиард доллар даромад келтирадиган корхонага айланди.

### **Питер Фойо — АҚШдан**

Питер эмигрант ишчиларнинг ўғли эди. Болалигидан шаҳарлар қуёш нури қувватида ишласа, симсиз алоқа бўлса деб орзу қиласар, юқори технологияли келажак ҳақида ўйларди. Улгайгач, ўзини Лотин Америкасидаги энг яхши бош директор қилиши мумкин бўлган улкан ва муваффақиятли бизнес ҳақида орзу қила бошлади. Бошқалар буни амалга ошмайдиган хом хаёл, дейиши мумкин эди. Аммо Питер ўз орзусини атиги ўттиз уч ёшга тўлганида Nextel Communications Mexico телекоммуникация гиганти президенти бўлиб амалга оширди.

Менга келсак, мен Австралиядаги оддий ишчи оиласида туғилдим. Ўсмирлик пайтимда ҳеч қандай катта қизиқишим ҳам йўқ эди, ҳеч қачон катта орзулар амалга ошади деб ўйламасдим. Аммо 2004 йилда бир сирнинг моҳиятини очганимда ва мени бу сирни дунёга айтиб бериш орзуси чулгаб олганида ҳаётим бутунлай ўзгариб кетди. 2006 йил китобим ва “Сир” фильмим дунёга чиқди ва улар бутун Ер шарини айланиб, миллионлаб одамларга ёрдам берди.

Агар қачонлардир, мен каби ҳеч қандай буюк иш ҳақида орзу қилмаган бўлсанг, сенга бундай орзулар рўёбга чиқмайдиган бўлиб кўринса, билгинки, сен орзуинг кутаётган саё-

ҳатдасан, ўзингга керак бўлган нарсаларни топасан. Ўзингнинг қудратли иқтидорларинг билан қуролланасан, ҳар биримиз тап тортмай интилаётган ўз орзунинг амалга ошириб, ҳақиқий ва абадий баҳтга эришасан. Сен ҳаётнинг қайси босқичида эканинг аҳамиятли эмас, ўз орзунинг кетидан боришга ҳеч қачон кеч бўлмайди.

### **Биринчи қисм**

### **Орзу**

## **САРГУЗАШТЛАРГА ЧАҚИРУВ**

### **ҲАММА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ҚАРШИ ҰЛАРОҚ**

Ҳеч ким идеал шароитларда туғилмайди. Шундай бўлса, ҳеч нарсага интилмасдинг ва ҳаёtingда бирор нарса яратишга истак бўлмасди. Сенда умуман ҳеч қандай орзулар бўлмасди. Қандай шароитда туғилма, оиласнг ва маълумотинг қандай бўлмасин, ўз орзуларинг амалга ошиши учун шу ерга келдинг, ҳозир қаердалигининг аҳамияти йўқ — сен буни бажариш учун тўлиқ ҳамма нарса билан таъминлангансан.

**Анастасия Соаре,**

**Anastasiya Beverly Hills асосчиси**

Мен нолдан бошлаганман. Ҳақиқатан ҳам ҳақиқий нолдан бошлаганман. Пулим йўқ эди, инглизча гаплашишни билмасдим. Мен Гарб мамлакати қандай тузилганини, унинг мента-

**литети, молизгий тизимини тасаввур қилол-  
масдим. Ҳатто чек ёзишни билмасдим, бизнинг  
Руминияда ҳеч қандай чеклар бўлмаган. Ҳам-  
масини алифбони ўрганишдан бошлаганман.**

**Пол Орфала,  
Kinkos асосчиси**

**Кам сонли болалар иккинчи синфда имти-  
хондан йиқилишнинг “уддасидан” чиқишиди,  
аммо мен буни эплай олдим. Алифбони ёд-  
лай олмасдим. Ўқиши билмасдим. Доим кўн-  
гилсизликларга дуч келардим. Ўзимни назорат  
қилолмасдим. Жудаям таъсирчан эдим. Ниҳо-  
ят, ўн олти ёшимда мени мактабдан ҳайдашди.**

**Ҳаётимиз аҳволи қанчалик кескин бўлса,  
шунча кўп тўсиқларга дуч келамиз, бу шароит  
бизга орзуимизни излаш учун катта катализа-  
тор бўлиб кўринар экан.**

**Питер Фойо,  
Nextel Communication Mexico президенти**

**Менинг ота-онам қўшма штатларда эмиг-  
рант бўлишган ва биз нолдан бошлаганмиз.  
Шимимнинг почаси тўпигимгача етмаслиги  
эсимда. Гарчанд отам ўз ватанида генерал бўл-  
ган бўлса-да, қўшма штатларга келганида мўри  
тозаловчи бўлишга мажбур бўлди.**

**Лэрд Гамильтон,  
бигвейв-серфер**

**Мен ирқчилик кучайган шароитда катта  
бўлдим, одамлар шундай туғилганимдан наф-  
ратланар эдилар.**

**Менда муваффақият учун зарур бўлган ҳамма тўсиқлар мавжуд эди.**

**Ларри Эллисон,  
Oracle Corporationни  
ташкил қилғанлардан бири**

**Жон Пол Дежориа,**

**John Paul Mitchell Systemsning ҳаммуассиси**

Ўша пайтда хотиним мени ташлаб кетган эди. Мен йигирма учдаман, ўглим эса икки ярим ёш. Биз уч ой уй ижарасига пул тўламаган эдик, кўчага ҳайдаб солишибди. Бу эса машинада тунашимиз билан якунланди. Кун кешириш учун кўчалар бўйлаб юриб, лимонаддан бўшаган шиша идишларни йигиб топшириб, пул олардик.

Ёш бола билан шундай шароитда яшаган Жон Пол Дежориа кейинчалик соchlар учун John Paul Mitchell Systems косметик воситалар корхонасига асос солди.

Жон Пол ўзи учун, ҳозир сен ҳам эга бўлган сифатлардан фойдаланиб, бошлиған ҳаётига ёнглаштириб бўлмайдиган бошқа бир ҳаётни یرатди.

**Г.М. Рао,**

**инженер-механик, Gmr Group ташкилотчи-  
и**

Мен ҳеч қандай пойдеворсиз иш бошлиғанман. Бизнинг қишлоқ кичкина — бор-йўги 000 та одам яшарди. Унда телефон ҳам, электр

токи ҳам йўқ эди. Бизда фақат бир шиша эриган сув бўларди ва уни барчамиз бирдек бўлиб ичардик. Квотадаги бир ойлик шакар ва сут учун ҳар доим навбатда турардик.

Хиндистон, Австралия, АҚШ, Франция ёки Сингапурдами — қаерда тугилма, қандай ҳаёт кечиришингта бу ҳолат ҳеч ҳам таъсир қилмайди. Ўз орзуларингни амалга ошириш учун ҳаммасига эгасан, қандай ишни бажаришни хоҳласанг, шуни қила оласан, қийин вазиятларга тушиб қолсанг, ундан чиқиш йўлини биласан.

**Пит Кэрролл,**

**Seattle Seahawks — МФЛ мураббийи**

Коллеждаги футбол ўйинлари тугагач, бирорта миллий лига командасида, сўнг дунёдаги машҳур командада ўйнамоқчи эдим. Бироқ муваффақиятсизликка учрадим ва тушкунликка тушдим. Қаерга боришни билмасдим, нега деганда доим интилганим — бу футбол ўйнаш эди. Бирданига “Энди нима қиласман?” деган саволга дуч келдим.

**Питер Бурваш,**

**теннис бўйича мураббий,**

**PETER BURWASH INTERNATIONAL** асосчиси

Бизнинг теннис менежменти компаниямизни шакллантириш вақти етганида шу иш билан яна ўн олтида компания шугулланаётган эди. Менда молиявий мадад, теннис соҳасида кредит бериш учун ишонч ва пул ҳаммадан кам

**Эди. Офисимизда ҳатто креслолар йўқ бўлиб, мажлисларни икки йил давомида полда ўтириб ўтказганмиз.**

Питер хоккейда хавфли бўлган шикаст олгандан кейин профессионал теннисчи маҳорати ва турнирларда қатнашиш тажрибасига ҳали эришмай туриб мусобақаларда қатнашишга жазм этди. Пули йўқлигидан фақат қаттиқ нон ва ерёнгоқ ёғи, гоҳида уларнинг банкаси ёки битга батонни беш кунга етиши учун тақсимлаб чиққан пайтлари ҳам бўлган. Теннисдаги еттийиллик ҳаракатларидан сўнг Питер спортдан кетишга мажбур бўлди ва яна имконияти нолга тенг вазиятга тушиб қолди.

Ўз орзуларингни рўёбга чиқардингми, йўқми, буларга ташқи оламдаги шароитнинг дахли йўқ. Пулинг камми, қанчалик маълумотлисан, танишинг ким, қанчалик тажрибанг борлигига ҳам қарамайди. Буни ҳар бир муваффақиятга эришган одам бажарган — сен ҳам шундай қила оласан.

**Майкл Эктон Смит,  
MIND CANDI асосчиси**

Том исмли дўстим билан университетда танишганмиз ва биз бизнесни бирга ташкил қилишга қарор қилдик. Пулларимиз унчалик кўп эмасди: фақаттина университетдаги қарзларим бор эди. Биз янги дориларни мигренга қарши синаш учун танасини тиббиётта сотмоқчи бўлган кўнгилмиларнинг газетага берган эълонларини кўриб қолдик, ўшанга бордик ва

ұар биrimiz 400 фунтдан олдик. Менинг онам дақшатта түшди. Бу менга ёрдам берганининг бир сабаби зди. У ұар биrimизга 1000 фунтдан берди. Томнинг ота-онаси унга чордогини фойдаланиш учун берди.

Үн йил давомида иш фаолиятим бир мағомда кечди, телениндустрия соҳасида погона-ма-погона күтарилдим, аммо бирдан ҳаётим ўзгариб кетди, бир неча ой ичида ҳамма ишларим орқага кетди. Шундай қийин вазиятда бир гоя сирини очдим, кейинчалик бу гоя асосида фильм суратга олинди ва биринчи китобимни ёздим. Унутманг, ҳаётим кулга айланди деб ўйласангиз ҳам унда янги ҳаёт нишонаси бўлади.

**Мастин Кипп,**

**ёзувчи ва THE DAILY LOVE асосчиси**

Голливудга биринчи келган пайтимда мусиқа менежери бўлмоқчи здим. Бундан жўяли иш чиқмади — Голливуд жуда ҳам самимий ва хайриҳоҳлик билан кутиб оладиган муҳит эмас экан. Оқибат, спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларга ружу қўйдим ва тубанлашиб бордим. Бир ҳафта ичида инвесторларим ишдан бўшади, ишдаги шеригим билан уришдим, квартирадаги қўшним уч суткадан сўнг кўчиб кетишини айтди, оёғимда подагра касали қўзгади, учрашиб юрган қизим мен билан алоқани узди. Ҳаётим тўгри маънода бир ҳафта ичида бурда-бурда бўлиб сочилиб кетди. Шундан кейин узоқ ва оғриқли йўл бошланди

ва уни босиб ўттанимдан миннатдорман. Асло уни қайтаришга рози бўлмасдим. Ўша пайтда мени бўрон ушлаб олган деб ўйлардим ва бирдан ўзимдан: бу илоҳий бўрон бўлса-чи, деб сўрадим.

**Лиз Мюррей,  
Гарвард университетини тутатган, ёзувчи ва  
нотиқ**

Баъзи нарсаларга эга эдим, сўнг бирданига кўзга кўринарли ҳеч нарсам қолмаган даврларни бошимдан кечирдим. Онам вафот этди, отам эса қариялар уйига жойлашиб олди, ҳаётимдаги мен учун энг муҳим инсоним бўлган амаким кутилмаганда ҳалок бўлди. Бошпанасиз қолдим. Аввал бўлган нарсалар бирданига йўқолди. Ўша туйгуни эслайман: магарки, ҳаёт ёмон томонга ўзгара олар экан, балки яхши томонга ўзгаришга ҳам қодирдир, чунки ҳаётим ҳам жуда тез ўзгара олган.

Ҳаётий вазиятлар жуда бешафқат бўлиши мумкин, Лиз Мюррейга нисбатан шундай бўлган: аммо айнан бу ҳолатлар Лизда Нью-Йорк кўчаларидан Гарвард университетига қараб кетишга ўткир истак тугдирган. Ўзингда кимдир бўлиш ёки ниманидир қилишнинг ўткир истаги пайдо бўлса, жуда қудратли куч топасан, у енгиб бўлмас шароит ва тўсиқлардан ўтишга қодир бўлади.

Ўз орзуларини англаб, ўзингда улуғворлик сезасан. Улуғворлик — бу тугилган пайтинг ҳамоно оғзингда кумуш қошиқ бўлади дегани

Эмас. Ўз орзуларининг кетидан бориш ва ўзинг-да қаҳрамонни англаш — мана бу улуғворлик.

## СЕНИНГ ИСТЕДОДИНГ

Ҳар бир одам қачондир тугилган ёки туғилади ва унинг қандайдир ноёб қобилият ёки иқтидори бўлади. Айнан шу хусусиятинг — бу сенинг истеъдодингдир. Бирорта одам истеъдодсиз тугилмаса-да, баъзилар ўзида истеъдодни кашф этмасдан бутун умрини бехуда ўтказади.

Истеъдодинг — бу сени ҳаракатга келтирадиган ҳаётдан ўзга нарса эмас. Бу сени ўзига тортадиган, унга иштиёқ билан муносабатда бўладиган, қалбингни шодликка тўлдирадиган ва уни бажараётганингда юрагингта олов ёқадиган нарсадир.

Балки истеъдодинг бизнесда, спортда, мартаада бирор нарсага эришишдир. Бу ҳатто қизиқишинг бўлиши мумкин. Хобби истеъдодингнинг қалитидир, чунки унга иштиёқ билан муносабатда бўласан ва унинг учун вақтингни аямайсан.

Кўпгина хоббилар катта орзуларга, катта компанияларга айланади.

### Майл Эктон Смит

*Болалигимдан ўйинларга гоятда берилган эдим. Ўйинни яхши кўрардим. Уни инсон борлигининг муҳим қисми деб ўйлайман. Шунинг учун менинг орзуим — ўйинларни ишлаб чиқарадиган ва одамларнинг кўнглини очадиган компанияни бошқариш эди.*

## **Пит Кэрролл**

Ўн уч ёшимдан бошлаб бошқаларни спорт лагерларида шугуллантиришимга қарамай, ҳаётимни у билан боялаганман деб ҳисобламасдим. Юқори синфга қайтганимда Тинч океани университетида мураббий бўлдим ва шунда бир қадам ортга қадам ташлаб ўйладим: “Футбол ўйинига яқин бўлган иш бўлса, у билан шуғуллана олсан бўлар”. Айнан ўшандада чинакамига ўзимнинг мураббийлик ишимга биринчи қадамимни ташладим.

Истеъодинг, ҳақиқатда ширин хаёл қилган, аммо бу сен билан ҳеч қачон юз бермайдигандек ҳисоблардинг: аммо қачондир шу аниқ нарса билан шугуллансан ёки бу ҳаёт билан яшасам деб ўйлашинг, сени баҳтнинг гаройиб туйгуси ва уни намоён қилиш истаги тўлдириб юборади. Бу орзунинг қанчалик амалга ошмаслиги муҳим эмас, унинг кетидан боришинг керак.

## **Лиз Мюррей**

Мен Нью-Йорк уйларининг йўлакларида тунни бир ўзим ўтказардим. Дўконлардан шоколадли батончиклар ва крекерларни ташиб турардим, йўлакларда бошимнинг тагига сумкамни қўйиб ухлардим. Сумкамдаги бор-йўқ нарсам: кундалигим, кийимим ва ҳамма ерда ўзим билан олиб юрадиган онамнинг сурати бўларди. Бу сумкамни тунда бошимнинг тагига қўйиб, яхши ҳаёт ҳақида ўйлардим. Қалбимнинг тубида, қандай бўлса ҳам буларнинг

**ҳаммасини енгиб, яхши ҳаёт кечириш ва ўзгалирнинг ҳаётини яхшилаш фикри пайдо бўлди.**

Бу ҳақда эслайсанми ёки йўқми, аммо ҳаётингда бу мурожаатни бир неча бор эшигансан. Бу овозни болалигингда эшитиб, катта бўлганингда ким бўлишингни билгансан. Аммо кейин жамият ёки ота-онанг, ўқитувчининг нима билан шуғуланишимиз мумкинлигини айтишган ва орзуларимиз, ички овозимизга қулоқ солмаганмиз.

### **Питер Фойо**

*Болалик пайтимдан жуда катта гоялар хаёлимга келиб қоларди. Ҳали симсиз телефонлар пайдо бўлмасидан илгари, қани эди қўлимда телефон бўлса, у ҳеч қандай симга уланмаган бўлса деб ўйлардим. Карточкани бензин қуиши шоҳобчасидаги маҳсус жойга қўйиб, бензин олинса, қандай яхши иш бўлган бўларди. Бутун шаҳар электрни қуёш нуридан олса, ажойиб иш бўларди деб ўйлардим. Лотин Америкасида энг даромадли компания тузиш ва унинг бош директори бўлиш тасаввуримда бор эди.*

Эҳтимол, сен ҳам шундай даъватни оний лаҳзада кўрасан, ўқийсан ёки эшиласан. Бехосдан чаққан чақмоқ ёлқинидай қалбингта бехато тегади ва шу оний лаҳза кейинги ҳаёт йўлингни белгилаб беради.

### **Г.М. Рао**

*Мактабдаги математика ўқитувчим ҳар бир одамнинг ҳаётда мақсад бўлади ва уни англа-*

шимиз керак, чунки бу чинакамига ютуқдир, дерди. Бу сўзлар менда истеъдодимни излашга ва унинг рўёбга чиқиши учун меҳнат қилишмуга ўткир истак уйготди.

### **Лэрд Гамильтон**

Отам онамни мен ҳали ёш бола пайтимда ташлаб кетган ва жуда эрта эркаклар каби ўзимни тутишимга тўгри келди. Бу эса нимани исташимни онгли равища англашимга мажбур қилди.

Ҳаётнинг қийин шароитлари Лэрдинг қалбida ўз ҳаётини бирор нима қилишнинг ўткир истагини пайдо қилди. У мурожаатни эшилди ва ўз орзуини амалга ошириш йўли — буюк бигвейв-серфер бўлиш билан унга жавоб берди ва дунёдаги миллионлаб одамларни илхомлантириди.

### **Лейн Бичли, серфинг бўйича жаённинг етти карра чемпиони**

Тўгрисини айтганда, дунёнинг чемпиони бўлишга курашишимга асраб олинганим туртки бўлган. Серфингни танлашдан олдин энг катта орзуим нима бўйича бўлса ҳам чемпион бўлиш эди. Дунёда энг яхши инсон бўлишимни ичичимдан ҳис қилдим.

Лейн Бичлига, унинг истеъодидаги жуда қийин вазияти орқали келди. Лейн энди етти ёшга тўлганида онаси тўсатдан вафот

этди. Онасининг ўлимидан кейин Лейн асраб олинганини билиб қолди. Унинг биологик онаси уни туққанида атиги ўн етти ёшда эди.

Ер Лейннинг оёғи тагидан кетиб қолгандек эди. Айнан шу қалтис вазият, яъни онасининг ўлими автралиялик Лейн Бичли дунёдаги машҳур спортчи бўлишига туртки бўлди.

### **Пол Орфала**

Менда ҳаётдан нима исташим ҳақида, ҳеч қандай ҳиснинг сояси ҳам бўлмаган. Мен шунчаки, ўзимнинг хусусий бизнесим бўлишини истардим. Бу ҳар қандай бизнес бўлиши мумкин эди. Мен IBM биносига назар ташлаб қўярдим ва: “Менда бундан ҳам катта бизнес бўлишини истардим”, дея ўйлардим.

СДВГдан ва дислексиядан қийналаётган Пол Орфала ёзиш ва ўқишни билмасди, аммо қаранглар-а, у ўз ҳаётини қандай қура олди! Пол Kinkos номли кўп миллиардлик компания тузди, минглаб одамларни иш билан таъминлай олди. Бизнинг икки тарафлама оламимизда ҳар бир тўсиқнинг қарши томони, яъни афзаллиги бор. Пол ўзининг тўсигини афзалликка айлантириди.

### **Анастасия Соаре**

Мен бирор нима қилишим зарур эди. Мен шахс сифатида кимлигим ва қадрли эканимни исботлаш ва аниқлашим зарур эди. Қўрқмаганман дея олмайман, чунки қўрққанман. Аммо мен: “Шунинг учун бу мамлакатга келганман.

**Бу имкониятлар мамлакати. Буни қилишим керак, йўқса, нима учун бу ерга келдим? Руминияда яшагандан кўра ёмонроқ яшаш учунми? Йўқ!” деб ўйлардим.**

Анастасия Соаренинг орзуси Руминиядан қочиш эди. У қизи билан уч йил давомида қочиши режалаштирган ва кутган. Унинг қочиши катта хавф билан боғлиқ эди: АҚШга етиб келганида Анастасия бошқа муҳим қарорни қабул қилишига тўгри келди. У қизини боқиши, етарли пул топиши учун кунига ўн тўрт соатлаб ишларди ва агар иш фаолиятини ўзгартирмаса, балки қисмати шундай бўлиб қоларди.

Руминиядаги ҳаётининг оғир аҳволи Анастасиянинг иродали феъл-авторини ва қатъятини тарбиялаб, барча тўсиқларни енгиши ва орзусини амалга оширишига ёрдам берди. Бу бизнес АҚШда 1000 та савдо нуқтаси, дунё бўйича 600 та дўкони ва салонлари бор империяга айланди.

Ҳаётдаги ҳеч қандай вазият юз фоиз салбий бўлмайди. Ҳар бир салбий ҳолат ўзининг қарама-қаршилигига эга ва шунинг учун ножоя вазиятда ҳам бирорта яхши нарса яширган бўлади. Ҳаёт — сен билан юз бераётган салбий вазиятлар эмас: бу ўз ичингда яширган олтин имкониятларни нимадир қилишингдир!

Орзу ҳеч қачон ўз изидан боришга чорчамайди, уни амалга оширишинг учун юзлаб ўслубларинг бор. Сенда амалга ошмайдиган орзу умуман бўлиши мумкин эмас, аммо орзу

инг ҳаётингга кириб келиши учун ҳали озгина ҳам ҳаракат қилмагансан. Орзуларинг сен эришишинг мумкин бўлган яхши ҳаётта чорлайди, улар ичингдан қаҳрамонни топишга чақиради.

### **Мастин Кипп**

Мен яхши шароитда катта бўлганман. Отонам жуда ҳайратланарли кишилар бўлиб, бу оламнинг кўп оғриқли хавфидан мени асраршган. Ўзимдан ташқари нарсаларга қизиқишини бошлаганимда бирорларнинг оғриқларини сеза бошладим ва бу билан нимадир қила олармиканман деб ўйлардим. Бундан бошқа нарса билан шугулана олмаслигим аниқ бўлди. Шунинг учун иложи борича максимал миқдорда одамлар қалбига кира олишимиз учун поп маданиятини илҳом ва донишмандлик билан бирлаштириш ҳақиқий орзуимга айланди.

Агар сен шу мурожаатни эшитсанг-у, унга эътибор бермасанг, демак, жуда қўрқяпсан ёки ўз истеъдодингни амалга оширомайман деб ўйлайсан, кўпинча шароитнинг ўзи сени орзунинг кетидан боришга мажбур қиласди, менда ҳам шундай бўлган. Телевидениеда продюссер бўлиб ишлаганимда баъзан шахсий телевидениямни очишни орзу қилганман. Буни ҳеч қачон қилолмасдим, чунки оиласми қўллаб-қувватлашим керак, бунинг устига ишимга яхши ҳақ тўланарди. Овқат ва бошпана учун эса пул керак. Мен маош кафолатланган ишимга ёпи-

шиб олгандим, күп одамлар ўз компаниямни очишимга ундашарди.

Кейин мени ишдан бўшатиши. Шок ҳолатига тушдим. Нима еймиз? Қизимнинг таълим олишига қандай ҳақ тўлайман? Уй учун ипотекани қандай тўлайман? Менда бошқа телевизион компаниядан иш топиш варианти бор эди. Аммо шуғулланадиган ишимга қайтиш деган фикрга чидай олмасдим. Мени бўшатишганидан сўнг йўқотадиган нарсам йўқ дея ўйлай бошлагандим ва ўзим телевизион шоулар ҳақидаги гояларни пластик стол ва стулларда, ўйимнинг орқа хонасида ишлаб ўрганарадим. Шоунинг гоясини ишлаб чиқдим, унинг тадқиқотини ўтказдим, аслида у қандай қилинишини билмасдим. Аммо бу гоямга ишонарадим. Мана, юрак ўйноги ва титраётган оёқлар билан бир ахборот компаниясининг маъмуриятига уни тақдим этдим. Гояни тез, ҳатто ўрнидан қўзгалмасдан туриб амалга оширишга қабул қилишди, шоу жуда катта муваффақият қозониб, давомли равишда узоқ давом этди.

Ишдан бўшатишганларидан сўнг менга идеал шароитлар тақдим этилди, ниҳоят ўз истеъдодимга жавоб беришим ва орзуимни рўёбга чиқариш учун имкон пайдо бўлди. Ишдан бўшатганлари учун ҳозирги кунгача миннатдорман ва унингсиз орзуимдаги истеъдодим ортидан бормасдим; ҳаётимдаги энг ҳаяжонли ва ажойиб саёҳатимни бошимдан кечириш имкониятини қўйиб юборардим.

## ИСТЕДОДДАН ВОЗ КЕЧИШ

### Лэрд Гамильтон

Ўз орзуингга интилмасдан хатарга қараб юришинг ўлар даражада ҳалокатлидир. Бу та мом. Бу ҳаётда ўзини намоён қилмаслик муваффақиятсиз ҳаёт, қониқарсиз ҳаёт ва қувончиз ҳаёт дегани. Дўзахнинг ўзи.

Сен ҳаётнинг чақириғи ва агар ўз орзуларингга эргашмасанг, сенда қониқарсиз ва баҳтсиз ҳаёт кечириш эҳтимоли бор. Нима билан шугулланишинг муҳим эмас, йўлингда қандай моддий нарсаларга эришасан, буниси муҳим эмас, агар юрагингни кўйлашга мажбур қилмайдиган иш билан шугуллансанг, ҳаётинг охирига келиб бутун вужудингни қоплаб оладиган қониқмаслик ҳиссиётини сезасан, афсусланасан. Ҳаётинг қиссаси асло бундай бўлмасин. Бу вақтда ёш ёки қарилигинг муҳим эмас, сенинг яшашинг учун ўша қисса яхшироқ. Ўз орзуинг кетидан қувиш сен учун катта хавф бўлиб кўриниши мумкин, ўз ҳаётингни қўйиб юбориш катта хавф эмасми?

### Майкл Эктон Смит

Ўз орзуларингга бирор марта имкон бермаслик — энг катта омадсизлик.

### Г.М. Рао

Ўз орзуинг ёки иштиёқинг ортидан бормасанг, унда сен шугуланаёттанинг ҳатто олтин бўлса ҳам қафасга ўхшаб қолади. Руҳсиз та-

**на! Бу норозилик ва ҳаётингизни бефарқлилекка олиб келади.**

Үз истеъдодига жавоб бермоқ ва орзуси кетидан боришга қарор қилиш — бу моҳиятан осон йўл. Қийин йўл эса — истеъдоддан возкечиш, чунки бахтсиз бўлиш, қувончсиз, иштиёқсиз, мазмунсиз ёки мақсадсиз ҳаётга маҳкум қилингандан бўласан.

Балки бошида сенга ҳозирги иш жойинг ёқар, аммо вақт ўтиши билан бу вазифалар сени зериктириб қўяди. Ҳозирги ишинг эса — буюк истеъдодинг эмас. Сен чуқурроқ ўйлашинг керак ва ўзингдан “Орзуларимни йўлда қаергадир четга ташлаб кетмадимми?” деб сўраб кўр.

### **Лейн Бичли**

Агар сен ҳаётда юрагингни куйлашга мажбур қилмайдиган иш билан шуғулланаёттан бўлсанг, ҳар куни эрталаб ўрнингдан сакраб туришга мажбур қилмаса, унда бу сайёрада одам сифатида ўз ролингни ижро этмаяпсан.

### **Майкл Эктон Смит**

Ҳаёт қисқа: бу театр репетицияси эмас. Уни бўйнидан ущлаб олиш, кўпроқ ҳодисаларни бошдан кечириш ва имкони борича кўпроқ одамлар билан учрашиш керак. Шуниси аниқки, диванда ўтириб олиб, телевизорга тикилиб, бўлган-бўлмаганлар ҳақида мингирамаслик керак.

## Лиз Мюрреъ

Биз онамизни Янги йил байрамининг эртаси куни дафн этганмиз. Мен ўн олти ёшда эдим. Бизнинг росмана дафн маросими учун пули-миз йўқ эди, шунинг учун марҳуманинг жасади қайин дараҳтидан ясалган, қопқоги михланган қутида ётарди. Бу қутига “оёғи” ва “боши” деган сўзлар ёзиб қўйилганди. Буниси жуда даҳшатли эди! Ҳаётимиз йўлга қўйилмаган, аммо муносабатларимиз муҳаббатта тўла эди. Онам каравотим пастига ўтириб олиб, ўз орзулари ҳақида гапириб берарди. Гиёҳвандликни ташлаш, уй сотиб олиш, яхшироқ ҳаёт бошлиши ҳақида сўзларди. Ҳамма суҳбатлар охирида бунга қўл урмоқчи-ю, аммо ҳозир эмаслиги маълум бўларди. У буни кейин, кечроқ қилмоқчи эди. Мен ҳам қандайдир дақиқада ўз ҳаётимда яшаётганим, “буни кечроқ қиласман”, деб ўзимга айтаётганимни англардим.

“Менинг ўз орзуларим ортидан боришга ҳали вақтим бор” деб ўйлашинг мумкин. Бироқ сенинг вақтинг йўқ. Ҳаёт қисқа. Ҳозирги ҳаётнинг ўртача узоқлиги 24869 кунни ташкил қиласди. Баъзилар бундан узунроқ, баъзилар қисқароқ кун кўрадилар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳозирги ҳаёт кечиришинг учун фақат битта қимматли кунлар сони бор ва шунинг учун орзуларингни орқага суришга вақт йўқ. Ҳозир ва ҳеч қачон! Агар уни ҳозир қиласанг, орқага сураверасан ва ҳеч қачон буни қилмайсан. Ҳаракат қилиш пайти — ҳозир!

**Қачондир дейиши — касаллик, бу орзуларингни ўзинг билан бирга гўрга олиб кетасан дегани.**

**Тимоти Феррисс,**

**“Қандай қилиб ҳафтасига**

**4 соатдан ишлаш мумкин?” китоби муаллифи**

Орзуларингни ўзингдан бошқа ҳеч ким амалга оширишига мажбур қилмаслигини англashing керак. Раҳбаринг, оиласиг ва болаларинг сенинг ўрнингга ҳаёт кечиришмайди. Ўзингни баҳтли қила оладиган ва мамнун бўладиган ҳаётингни яратиш учун ўзинг жавобгарсан. Сен учун бошқа ҳеч ким уни қилмайди.

### **Майкл Эктон Смит**

Одамлар қилиши керак бўлган муҳим иш — ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулиятли бўлишdir. Ўзингизнинг тарбиянгизни ёки пул етишмаслигини, у ёки бу йўқлигини баҳона қилиш мумкин. Сен ҳушёр тортиб: “Биласанми нима? Охир-оқибат ўзимдан бошқа ҳеч ким ҳаётим учун жавобгар эмас”, дегин. Бу ҳамма нарсани ўзингга мослаб олишинг кераклигини англаш учун ҳақиқий муҳим қадам бўлади. Ўзингнинг фикрлаш тарзингни ўзгартиришинг керак. Ишингни ҳам ўзгартир. Воқеаларни бошқаришинг учун керакли бўлган ҳамма нарсани алмаштиришинг лозим.

### **Лиз Мюррей**

Биз катталар болалиқда қўйиб юборган омаднинг думидан ушлаймиз. Биз учун ҳамма-

си янги, ҳаяжонли ва дунёда ҳамма нарсанинг имконияти бор. Сўнг бир нарса ўзгаради. Омадсизликка учраймиз, хўрланган, умидсизланган бўламиз. Ўзимизни қийнаймиз ва ҳаддан зиёд жиiddий бўлиб қоламиз. Аммо тасаввур қилинг, ҳар куни тонгда оддийгина шундай десак: “Истаган нарсам билан шугуллансан нима бўлади, ўз орзуларимни амалга оширсан нима бўлади?” Кейин будильникни ўчириб, оёқларингни полга тушир ва олдингта қараб олга! Ҳаётингга шу мўъжизани кирит... Имкониятингни амалга ошириш учун яша.

Балки ҳаётда истаган нарсанг билан шугулланиш қўрқинчлидир, омадсизликка учрашинг мумкин: аммо ёдингда бўлсин, агар сенда бу орзуни амалга ошириш ва уни ҳақиқатта айлантириш учун зарур нарсаларинг бўлмаса, орзулар кетидан боришинг ҳақидаги чақирикни ҳеч қанақасига эшитмайсан.

### Лэрд Гамильтон

Омадсизликка учрашдан қўрқиш одамларни кўп машгулотлардан тўхтатиб туради. Онам кўпинча, ҳар биримиз ўзимизни тутиб турар эканмиз, ўзимизга зулм қиласиз, дерди.

Ўзимизни тўхтатиб туришнинг яна бир кўриниши — дунёда яхши гоя ёки имкониятлар қолмади деб ўйлаймиз ва бу баҳонани ҳаётимизда ҳеч нарса қилмаслик учун рўкач қиласиз. Агар сен ҳам яхши имкониятлар қолмади деб ўйласанг, Пол Орфалага бундай имконият-

ни топиш қандай осон бўлганини бил. Кутубхонадаги фотокопия аппаратига навбатда турар экан, Пол ҳеч ким кўрмаган нарсани кўра олди. У ўзича, “Агар бу ерда навбат кўп бўлса, бошқа ерда ҳам навбат кўпдир” деб ўйлади. Шу оддий кузатувдан Kinkos гояси тутилди.

### **Пол Орфала**

Агар менда қандайдир яхши хусусиятим бўлса, бу ҳозирги пайтда мавжуд бўлишдир. Агар ҳозирги дақиқада бўлмасанг, имкониятни кўра олмайсан.

### **Майкл Эктон Смит**

Кўп одамлар омадли одамларга қараб елкаларини сиқиб: “Уларнинг омади келган!” дейишишади. Аммо ҳаётда ўз омадингни ўзинг яратасан, имкониятлар яқинлашганида уни эгарлаб олишинг керак.

### **Анастасия Соаре**

Имкониятлар ҳар бир одам олдида кунига очилади. Бу вокзалга ўхшаб кетади: ҳамма станцияда туради, поездлар келади, одамлар ёнига келиб тўхтайди-ю, уларнинг эса кўзлари юмуқ. Поездга ўтириш учун кўзларини очиб қарамайдилар, имконият эса ҳамма ерда бор.

### **Г.М. Рао**

Сенга катта ишларни қилиш учун ҳатто катта орзу керак эмас. Шунчаки ҳаёт имкониятлари учун очиқ бўл.

*“Одамлар сенга ҳамма ажойиб имкониятлар құлма-қүл бўлиб кетган деб тушунтиришади. ҳақиқатда эса олам ҳар сонияда ўзгариши, янги имкониятларни ҳар йўналишларга, шу жумладан, сенга ҳам пешвоз қилиб сочиб ташлайди”.*

**Кен Ҳакута — “Доктор Гаройиб”,  
кашфиётчи**

## **СОХТА ҲИМОЯЛАНГАН**

Пуллар ва ҳимоя туйгуси — сенга ҳаёт танлов буюришига йўл қўйма. Ҳаёт тўхтовсиз ўзгариб туради: компаниилар қўлма-қўл бўлади, инқирозга учрайди ёки чет элга дислокация қилинади, одамлар иш жойларини йўқотадилар ёки иқтисодий инқироз туфайли оммавий ишдан бўшатишади. Ишингизни, жамгармангизни, уйингизни йўқотишингиз мумкин. Никоҳингиз бузилиши, саломатликка боғлиқ муаммолар сен ўйлаган ҳимояни ҳеч нимага айлантириб юборадиган вазиятлар келиб чиқиши мумкин. Мен молиявий ҳимояни ўз орзуларим рўёбга чиқиши учун афзал кўрадим ва ишдан ҳайдалганимда бу менга ҳимоя фақат тасаввуримда эканини тушундим. Ҳақиқий ҳимояланганлик ҳеч қандай ҳимоя йўқлигини тушуниш кераклигини англатади, шунда ҳаётингдаги ҳар кунингни тўлиқроқ яшай олиш учун қайгурасан.

### **Мастин Кипп**

Қариндошлар ва дўстлар сени яхши кўрслар ҳам, сенга фақат яхшилик тиласалар ҳам — агарда чидаб бўлмайдиган феълли ойижонинг

ёки дадажонинг бўлмаса, ё сен катта бўлган шароит чираб бўлмас даражада бўлса — одатда молиявий ҳимояланган йўлни танлашингни исташади, унда сен учун аниқлик ва хавфсизлик бўлади.

### **Майкл Эктон Смит**

Ҳимоядан ва яхши ҳақ тўланадиган ишдан воз кечишинг учун сен яна бир неча ўн йиллар яшашинг керак. Ёқтирган ишингни топиш учун ҳатто кам ҳақ тўланса ҳам тўлиқ қийналишинг ва бошида зарар кўришинг мумкин. Лекин ёқтирган ишинг билан шугуллансанг, бошқа кўп соҳаларда ҳам муваффақият қозона оласан.

### **Г.М. Рао**

Сен яхши кўрган ишингни қилишга, пуллар таҳдид солишига йўл қўйма. Ўз ишинг билан бошқа ишлардан устун келсанг, бу сенга керак бўлган равнақ ва ҳимояни олиб келмайди. Балки бошланиши оддий бўлса, аммо одам қилаётган ишида мукаммаликка эришса, бошқа ҳамма нарсалар ўзи келади.

Ҳимояланган қопқонга тушиш ҳар бир одам билан юз бериши мумкин: бир талай пул топадиган кўпгина одамлар учун иши азоб-уқубатли, худди анча кам ҳақ оладиган каби норози ва баҳтсиздирлар.

## **Лэрд Гамильтон**

Пул сен учун нима ҳисобланади? Агар улар бирдан-бир мақсадингиз бўлса, унда сен учун ўлчов бўлади: улар хатти-ҳаракатларингни бу-юради ва сени назорат қиласди.

Моддий буюмлар — булар жуда яхши ва улардан завқланиш Ердаги ҳаётнинг буюк лаззатларидан бири, аммо жамиятнинг таъсири натижасида биз моддий нарсаларни жамгариш — ҳаётимиз мақсади деган хато хуносага келамиз. Агар моддий буюмлар мақсадимиз бўлганида улар бизга ҳақиқий баҳт, мамнунлик ва ўзини намоён қилишни берган бўларди ва яна бирон нарса сотиб олиш талаб этилмасди. Нарса олганимизда биз ҳис қилаётган баҳт бир зумлик эмас, абадий давом этган бўларди.

Агар моддий буюмларни тўплаш ҳаётимиз мақсади бўлганида эди, уларни бу дунёдан кетаётганимизда олиб кетардик. Газета олганингда унда қария Жон уйини ўзи билан олиб кетгани учун йўқолиб қолганини ўқирдинг. Биз моддий буюмларни ўзимиз билан олиб кетолмаймиз, чунки у биз эмасмиз, улар бизга қувонч келтирса-да, ҳаётимиз мақсади эмас.

## **Лейн Бичли**

Бу қийин эди, осон эмасди ва кўп нарсани қурбон қилганман, аммо бу қурбонликларни ўз орзуимга — мен учун дунё чемпиони бўлиш пул топишдан муҳимроқ бўлгани учун келтирганман.

Бизнинг ҳаммамизга овқат, уй ва кийим керак: аммо моддий буюмларга иштиёқ бизни ҳақиқий түлиқ эркин ҳаёт кечиришимиздан маҳрум қиласы. Ўз орзуларингиз ортидан бориши ўрнига “ит думини ликиллатишига” йўл қўйманг, моддий буюмларга эга бўлишга интилишни ўз ҳаётингиз мақсади этиб ҳимояланманг. Қизифи шундаки, орзуларингиз амалга ошишидан ҳимояланишни афзал кўрганингизда, ҳаммасини биратўла моддий бойлик, мазмунан тўлақонли ҳаётни оласиз.

Қўшимчасига пулга сотиб олиб бўлмайдиган нимадир: мамнунлик, ўзини намоён этиш ва бадавлатлик туйғусини олиш мумкин. Албатта, ҳар доим кўпроқ нарса истайсиз ва орзуларингизни ўстирасиз, аммо қаҳрамонлик саёҳатини қилиб, ўзингизни намоён қила оласиз ва айнан шунинг учун тугилганингизга бир сония ҳам шубҳа қилмайсиз. Ўз мақсадингизга эришганингиз туфайли ичингизда голиб бўласиз ва бу ҳолдан кетаётганда ҳамма нарсани ўзингиз билан бирга олиб кетасиз.

Ҳаётинг ниҳоясига етганида қилолмаган ишарингиздан афсусланиб қолманг. Ҳаётингиз симматли. Агар ўзингизни сотиб юборсангиз, тап тортмасдан интилаётган баҳтни тополмайсиз, чунки ҳақиқий баҳт орзулар амалга ошанидан кейин келади. Ҳаёт поёнига армонсиз этишни кўз олдингизга келтиринг. Қилган ишарингиз ҳақида ўйлашингиз сизда мамнунлик йиготишини тасаввур қилинг.

## Лиз Мюррей

"Ичингдаги мусиқа билан ўлманг!" деган иборани биласизми? Одамлар кечаси бошини ёстиққа қўйганида бирор нарса ҳақида орзу қиласди. Агарда бу овозга эътибор бермасанг, у ёпиқлигича қолади. Бу ичингда яшаёттан гайрат. Бу гайратни инкор қилишинг мумкин. Руҳ кучининг қисми сени одам қиласди. Шундай экан, кечаси бошингни ёстиққа қўяр экансан, бу оламда бирор ишни қилишга чорлашса-ю, бунга бепарво бўлсанг, унда бу орзу ичингда ёпиқлигича қолади. Бу мен учун бўлиши мумкин бўлган нарсанинг энг ёмонидир — ичингдаги ўз мусиқанг билан ўлиш.

Бир дугонам кўп йиллар давомида телевидениенинг маъмурий соҳасида ишлар эди. У ишлаётган компаниядаги ўрин алмашишлар туфайли уни кўчага улоқтиришди. Дугонам кинорежиссёр бўлишни дунёдаги ҳаммадан кўра кўпроқ исташини биларди ва янги ҳаёт учун режалар тузга бошлиди, унинг орзуси амалга оширишга қўл уриб, кинорежиссёр сифатида иш бошлаганида унга яхши ҳақ тўланадиган иш — яна телевидение маъмурий штатидан лавозим таклиф қилишди. У эса бунга рози бўлди. Янги ҳаёт имконияти эса изсиз йўқолди.

## Майл Эктон Смит

Ҳаётим охира ишларни ортимга қараб, ҳаммасини бошқача қилишим мумкин эди дея ўйлаб, қариялар уйига йўл олмоқчи эмасман.

## **Анастасия Соаре**

Бақытжан Мамбетов

**Нимани йўқотасан? Синааб кўришинг керак.**  
Йўқса, ўз ҳаётинг нимага қодир эканини билмай ўтиб кетасан.

## **Пол Орфала**

**Мен доим талабаларга коллеждан кейин ўзишини очиш кераклигини айтаман. Сен билан қандай ёмон нарса юз бериши мумкин? Отонангнинг уйига кўчиб борарсан. Тажрибанинг аҳамияти йўқ, шунчаки сурбетлик қил ва ўз бизнесингни бошла.**

## **Мастин Кипп**

**Кўпчилик одамлар сакрашга журъат этолмайдилар, чунки етарли даражада оғриқни ҳис қилмайдилар. Одатда одам ҳаммаси шундай жонига тегиб, нафратлана бошлагандан сўнг “Мен бошқа чидай олмайман” деб ҳаракат қилишга қарор қиласди.**

## **Пол Орфала**

**Сен ёқтирмайдиган иш жойингда ёки касбда қолиб кетган бўлсанг-да, бари бир сенда ўзингни мамнун қиласдиган иш билан шугуллашибга одамзот тарихида бўлмаган имкониятлар бор.**

**Бошқа чидашга кучинг қолмагунча ёки ўша ҳақиқага етмагунча ниманидир ўзгартирмоқчи бўлсанг, кутиб ўтирма. Ҳаётингни ҳозир згартир! Ҳаммасини нима бўлишидан қатъи ғазар, фақат ҳақиқий баҳт ва мамнунликдан**

бошқаси етарли даражада яхши бўлмаса, ундан камига рози бўлма. Ҳатто ҳимоя пайпаслагичлари сенга чирмашганида ҳам, вазиятингга кўра қимиirlай олмасанг ҳам орзуларинг ортидан эргашишинг учун ҳеч қачон жуда кеч бўлмайди, бу ўйлаганингдан анча осон.

## ЎЗ ОРЗУИНГНИ ҚАНДАЙ ТОПИШИНГ КЕРАК?

**Питер Фойо**

Одамзотнинг мутлақ умидсизликка учраши: ўз ҳаётим билан нима қиляпман, деган саволга жавоб тополмаслигиdir.

**Лейн Бичли**

*Нима истайсан? Қўлингни юрагингта қўй ва ўзингдан сўра: нима истайман? Биринчи ўйлаганинг ҳар доим тўгри жавоб бўлади.*

Ўзинг ҳақингдаги ишонч ва хулосалардан озод бўлишга ҳаракат қил, чунки булар орзунгни кўришингга имкон бермайдиган тўсиқлардир. Ўзингни бошқалар билан солиштирма, чунки сенда бу оламдаги бошқа ҳеч кимда йўқ бўлган ички ноёб имконият бор. Ўзинг имкони бўлади деб ўйлаган ҳамма чекловчи фикрларни қўйиб юбор ва ақлингни барча имкониятлар учун оч. Агар сен умринг давомида йиққан бор юкингдан халос бўлган бўлсанг ва эрталаб худди тоза варакдек бутунлай янгиланиб уйғонсанг, ҳамма ақл бовар қилмайдиган имкониятлар ҳаётингга бемалол қуйилиб келади!

## **Лейн Бичли**

Одамлар теварак атрофни кўздан кечиришади, аммо сен ўз ичингта назар ташласанг, ҳаммасини тушунасан.

## **Жон Пол Декориа**

Биз доим ҳам нима исташимизни билмаймиз, ҳар ҳолда нимани истамаслигимизни билламиз. Ўзинг истамаган нарса ҳақида ўйламава бажарма, олдинга қараб юришда давом эт. Гўё поезддаги воқеага ўхшаш: агар унда юриш сенга ёқмаса, ундан тушиб қол. Агар поезддан тушмасанг, бошқа ҳеч нарсани билиб олмайсан. Тушиб қолганингда бошқа янги нимагадир очиқ бўласан.

## **Мастин Кипп**

Роҳатланадиган, вақтинг шунчаки учib кетаётган, қачонки сен чиндан ҳам порлаб турган ва ҳақиқий илҳом ҳис қилаётган дақиқаларингга назар ташла. “Қачон мен ҳаммадан кўра кучлироқ илҳомланган бўламан? Мен қаерда чинакамига баҳтиёр бўлганман”, деб ўзингдан сўра. Ҳатто агарда ўз ҳаётингнинг бир неча онлари бўлса-да, улар сенинг орзуинг нималигини кўрсатаётган эшиклардир.

## **Г.М. Рао**

Баъзи одамлар ўз орзуларига келажаклари ҳақида ўйлаб турганида дуч келадилар.

Нима истасанг, шуни қилиш мумкин бўлганида нима қилган бўлардинг? Сен умуман,

пулни ҳисобга олмаганда нима билан шугулланардинг? Муваффақият кафолатланган бўлса, нима қилардинг? Ўз мақсадинг ҳақида ёки бошқа бир нарса ҳақида савол берганингда Коинот албатта, сенга жавоб қайтаради. Бу жавоб сенинг онгли ақлингдан келмайди: унда сен уни билган бўлардинг. Бу жавоб Коинот ақлидан келади.

### **Лейн Бичли**

*Баъзи одамлар бутун умри давомида ўзининг мақсад ва орзуси нималигини билишмайди, чунки ўзимизга савол бериб вақтимизни кетказмаймиз. Сен вақтингни аямасдан чиндан нимани яхши кўришингни билишинг муҳим. Агар шу ишни қилмасанг, рулсиз кемага ўхшаб қоласан.*

Ҳар қандай савол беришдан аввал бўшашиб ақлингни хотиржам ҳолатга келтир. Сўнг “Менинг ҳаётдаги мақсадим нима? Менга нима қилиш ёзилган? Бу ерда бўлганимнинг сабаби нима?” деган саволлар бер. Ўз ақлинг билан бу саволга жавоб беришга интилма, уни ҳавода муаллақ қолдир. Бир дақиқа жим туриб, сени олиб келадиган нарсага эътибор бер, айниқса кун давомида сен ўзингни илҳомланган деб ҳисблаған машгулотга диққат билан қара.

Жавоби миянгда худди чақмоқдек пайдо бўлади, ҳар эҳтимолга кўра сен бошқа бирор нарсага жамлан. Жавобни олганингда унга танқидий қарама, аммо унга қараб босадиган кичик қадаминг ҳақида ўйла.

## **Лэрд Гамильтон**

Моҳияти шундаки, ўзингизга қулоқ солиб, ичингизга мурожаат қилинг ва хотиржамликни сақланг. Ўрмон ёки денгизга боринг: ўзингиз тинглай оладиган жойда бўлинг. Сиз билан онг остингиз суҳбатлашади. Бу сизда доим бўлган, сиз уни қалбингиз тубига яширгансиз.

## **Жон Пол Дежориа**

Вақт ўтиши билан Коинот билан учрашганингизда очилсангиз, бу сизга келади.

Сара Блэйкли исмли аёл кўп миллионли даромадга эга бизнеси бўлишини билар эди — билгани шу эди, холос. Шунинг учун Сара кўп миллион долларли гоя ҳақида сўради. Кунлардан бир кун Сара крем рангли тор шими ни киймоқчи бўлди. Сара унга мос келадиган корректрлайдиган ички кийимим бўлсайди деб ўйлади ва бу гоя юзага чиқди, Spanx ҳозирги пайтда миллиард долларли даромадга эга.

## **Питер Бурваш**

Бошқа услуг — ҳақиқий тадбиркор каби иш кўриб, ўзингиздан сўранг: Оламга нима керак ва олам бу конкрет вақтда нима истайди?

## **Мастин Кипп**

“Мен ҳозир одамларда бор муаммони қандай қилиб ҳал қилишим мумкин?” Бундай савол бериш ва ўзингиз жуда истаган нарсангиз билан уйгунашувни аниқлаш. Мана омад ка-

*лити нимада. Маънавий, ҳиссий ва яна молиявий мазмунда — у ҳаммадан самарали нуқта.*

### **Пол Орфала**

*Kinkos саволдан бошланди. Агар савол бериши тўхтатган бўлсангиз, уларни яна сўрашни бошлади.*

Пол Орфал сингари Kinkos асосчиси ва Сара Блэйкли Srapx асосчиси ҳамда ҳамма тадбиркорлар савол беришади. Айнан шундай, идеал гояни идеал дақиқада олиш — бу оламга аниқ шу керак. Улар шунчаки савол берив, гоянишади ва бу гоядан ажойиб компанияларни яратиш учун давом этади.

Кутилмаган дамда сизга гоялар ҳақида, қарор ёки қарорни қабул қилиш услуби ҳақида савол беришади. Жавоби сизга Коинотдан берилади ва миянгизда чақмоқдек пайдо бўлади. Ишда бу ажойиб манбани йигиб олиш қобилиятидан фойдаланинг.

### **Питер Бурваш**

*Йўналишни излаб топишнинг услубларидан бири: икки варақ қогоз олинг, бир варагига нимани қойиллатолсангиз ёзинг, бошқасида эса ҳаётингиз билан нима қила олишингиз ҳақида ёзинг. Бу икки варақни бир-бири билан қўшиб олиб бора олишингизни текшириб кўринг.*

### **Мастин Кипп**

*Бу саёҳатда бўлган одамларни топинг ёки сиз йўл олмоқчи бўлган йўлдан қайтаётганлар-*

дан: “Буни қандай қилгансиз?” деб сўранг. Қилмоқчи бўлган ишингиз билан шугулланаёттан одамларнинг муҳитига киринг. Улкан миқдорда хоҳ китоб, хоҳ DVD ёки CD бўлсин, илҳом берувчи ахборотларни сингдиринг — чунки буларни бажаар экансиз, буюк одамларнинг фикрларидек фикрлайсиз.

### **Лейн Бичли**

Сизда аниқлик бўлиши керак. Бу сизга куч беради. Нима исташингизни билиш учун вақтингизни аяманг ва сиз бу гояга боришни бошлайсиз. Аммо нима исташингизни билмасангиз, ҳаётингизда сизга шартлар қўйишиди. Менга ҳаёт шарт қўйишига йўл қўймаганман.

### **Жон Пол Дежориа**

Агар нима ҳақдадир орзу қилсангиз-у, аммо ҳеч нарса юз бермаса, нимага эришмоқчи бўлганингизни қогозга ёзинг ва эрталаб уйгонганингизда, у кўз ўнгингизда туриши учун осиб қўйинг. Ундейми ёки бошқачами, агар бирор нарсада тўхталсангиз, ақлингиз сизни шу йўналишда олиб боради. Одам тасаввур қилган ва ишонган ҳамма нарсасига эриша олади. Ақлида қанчалик асосланган фикр пайдо бўлса, унинг амалга ошиш эҳтимоли кўпроқ бўлади.

### **Пит Кэрролл**

Бунинг ҳеч қандай мушкул томони йўқ. Нимага эришмоқчилигинги ёки ким бўлмоқчилигинги ҳақида онгли қарор қабул қилиш кепак. Сизнинг бу ҳақдаги аниқ тасаввурингиз

*Коинотнинг биз истаган нарсаларни яратишига ёрдам берадиган ҳар қандай кучини ҳаракатга келтиради.*

Ҳатто ҳозирча орзунгиз қандайлигини билмасангиз ҳам, уни амалга оширишни тезлаштириш учун бирор нимани ҳозирнинг ўзида қилишингиз мумкин: бутун вужудингиз билан ҳозир қилаётган ишингизга берилинг. Ҳатто бор ишингиздан бошқа иш қилишни истасангиз ҳам ҳозирги ишингизга тўлиқ диққатингизни жамланг ва бутунлигича унга киришинг. Шундай йўл тутиб, моҳияттан ҳозирги ишингизни ўстирасиз ва эшиклар очилиб, орзунгиздаги йўлни кўрасиз!

### **Лэрд Гамильтон**

Онам менга бир қадриятни сингдирган: бирон-бир ишни қилганингда, нималигининг аҳамияти йўқ, бу ишни ўз қобилиятинг чеграсида қил. Агар кўча супурсанг — қанча яхши бажаролсанг, шунча яхши супур.

### **Жон Пол Дежориа**

Мен учун муваффақият — бу кишининг ўзида бор пулларгина эмас; бу қилаётган ишингизни қанчалик яхши бажаришингизда. Қоровул бўласанми ёки тадбиркорми, самолёт учувчисими — бу сенинг ишинг ва уни қанчалик яхши бажаришинг қанчалик муваффақиятили эканлигингни белгилайди.

## **КАТТА ВА КИЧИК ОРЗУЛАР**

**Анастасия Соаре**

*Кичик орзуларнинг ёмон томони йўқ. Катта орзулар — ҳаётида бор нарсаларни онгли ра-вища таваккал қиласидиган одамлар учун. Яна кичик ва катта орзулар бор, шунингдек, ақлдан ташқари орзулар ҳам. Гоят бемаъни орзулар учун шахснинг алоҳида хусусияти бўлиши керак.*

**Майкл Эктон Смит**

*Кўп одамларнинг ҳаётида катта орзулари йўқ. Уларнинг бунга ишончи йўқ. Улар ҳамма гўзалликлардан бошқа одамлар баҳраманд бўладилар деб ўйлашади. Аммо катта орзуларнинг бўлиши муҳим. Бу ҳаётни ростакамига гўзал қиласи. Агар катта орзунгиз бўлмаса, у реалликка айланолмайди.*

**Анастасия Соаре**

*Одамлар олиш учун қанчалик кўп беришлирини тушунишлари керак. Ҳаётда ҳамма нарса банк ҳисоботига ўхшайди. Нимани қўйсанг, шуни оласан. Кам қўйганингда кўп олишни кутишнинг ҳожати йўқ. Бу юз бермайди.*

Бир одам ҳаммасини катта орзудан бошлаши мумкин, шу пайтнинг ўзида бошқа бир одам кичик орзудан бошлайди. Унинг орзуси секинаста ўсиб, фараз қиласидан анча катталашиб боради. Ҳаёт бизни қила олишга қодир бўлган доирадаги орзуга олиб келади.

Кичик орзулар кичик тирқишига ўхшайды, катта орзу етилади. Аввалига ҳатто орзу қилиш ҳам қийин. Аммо Махатма Ганди қандайдир катта орзудан бошламаган. У шунчаки содир бўлган воқеаларни кўрмоқчи бўлган чепраларни кенгайтирмоқчи бўлди ва энг буюги ўз берди.

Ўз орзунингизни топиб, уни реалликка айланышга мажбур қилинг, ҳаётингизда қолган кичик орзуларингиз ҳам рўёбга чиқади. Мен йигирма ёшдан сал ошганимда ўз орзуим на-тижасида бошқа мамлакатда яшашимга тўгри келган. Нотаниш мамлакатда саргузаштлар ва қийинчиликларни истадим, ўзимга таниш бўлганидан фарқли бўлган маданиятдан ҳайратга тушмоқчи бўлдим. “Сир” фильмни ҳақидаги орзуим амалга ошганида ишим Австралиядан қўшма штатларга кўчишимни талаб қилди — кейинга қолдирган орзуим катта орзуим билан бирга амалга ошди. Орзулар бир-бирига бояланган ва биттаси амалга ошса, бошқалари ҳам унинг кетидан амалга ошади.

Ўз орзунингизни топдингизми ёки орзунингиз нима эканини билмасангиз, уни ҳали тасаввур қилмасангиз, яна бир жуда оддий маслаҳат — сиз унга амал қилсангиз, албатта орзунингизга олиб келади.

### БАХТИНГИЗ ОРТИДАН БОРИНГ

Жозеф Кэмпбелл дунёнинг анча обрўли афсонашуноси бўлган ва ўзининг заковатли таъ-

лими орқали бизга оддий, аммо ҳаётимиз учун доно оқ фотиҳа берган:

“Бахтингиз ортидан боринг”.

Бу уч сўз ҳаётингиз учун компас: улар ҳар дақиқада қайси йўналишда бурилишингиз кераклигини айтиб туради. Бахт — бу ҳиссиётингиз, яхши кўрган ишингиз билан бандсиз ва бу ип сизнинг орзулирингиз билан уланган. Ўз бахтингиз ортидан борган пайтингизда бир йўла бахтингизни ҳам топасиз ва шу ерда бўлганингиз сабабини оқлайсиз.

Ник Вудман тадбиркор бўлишни истаётганини билган, аммо бизнеснинг қайси соҳасида эканини билмаган. Ўша пайтда у ўз бахти кетидан дўстлари билан Австралия ва Индонезия сафарларида серфинг билан шугулланиб, Ник доимо у билан дўстлари ҳаракатларини оладиган шундай камера бўлса деб ўйларди. Бу кичик фикр гоя заррасига айланди ва GoPro камерасида мужассамланди, Ник Вудманни дунёдаги энг ёш тадбиркор миллиардерга айлантириди.

## **РОҲАТ-ФАРОГАТ БАХТИЁРЛИККА ОЛИБ БОРАДИ**

Сизда бошқаларни довдиратиб қўядиган ва қудратли хусусиятингиз борки, уни роҳатла-наётган пайтингизда ифодалайсиз, яхши кўрган нарсангизни қиласиз ва бу қудратли хислат сизга яна ҳам кўпроқ роҳат олиб келади. Балки ҳатто ҳозир ҳам орзунгиз нимада эканини билмасангиз, роҳатланганингизда унга бошлиб борадиган ўша йўлда турасиз.

## **Лейн Бичли**

Шундай нарсани танлаб шугулланингки, у ҳар куни кайфиятингизни кўтарсин. Бошқалар ҳам шундай қилишармикан? Одамларнинг кўпчилиги ҳар куни ўзларини яхши ҳис қилиш учун нима қилишлари кераклигини белгилаб, сўнг бу вақтни ўзлари учун сарфлашадими?

Шу ишни қилишга қарор қилганингизда, баҳтингиз ортидан эргашасиз, у ҳар куни ўзингизни чинақамига яхши ҳис қилишга мажбур қиласди. Балки шунчаки парк ёки боғда оёқларингизни йигиштириб, бўшашиб скамейкада ўтирасиз. Балки севимли бир финжон қаҳвани олиб, шошмасдан, бамайлихотир нафас олиб ўтириб, атрофингизда олам учеб ўтаётганини томоша қиласиз. Бу ҳаракатларнинг арзимаслиги ёки кўримсизлиги муҳим эмас, ҳар кун ўзингизга роҳат берувчи бирон ҳаракатни бажариш учун қайгуринг. Зум ўтмай, сиз шугулана оладиган бошқа ёқимли машғулотлар ҳам сизга илҳом бера бошлайди. Битта оддий ҳаракатдан бошласангиз, тез орада ўзингизни бошқарув ипини ушлаб оласиз ва у сизни орзуларингиз томон, демакки, яхши ҳаётга бошлаб боради.

## **Питер Фойо**

Бу қолипдаги ибора бўлса ҳам, ўз ҳаётингизни бор кучингиз билан яшанг, деган бўлар эдим.

## **Майкл Эктон Смит**

Қариндошлар билан ўзаро муносабатларимиз бажараётган ишимиз, ҳаётимизнинг муҳим таркибий қисмидир. Ишда кўп вақтимизни бедорликда ўтказамиз, шунинг учун у бизга ёқимли бўлиши керак. Унга бепарво бўлмаган, яхши кўрадиган бирон нарса бўлиши лозим.

## **Жон Пол Дежориа**

Мен ўз ишимни яхши кўраман, яхши кўрмасам бу иш билан шугулланмасдим.

## **Г.М. Рао**

Ҳар бир одам учун пул ва ҳимоя жуда керак. Бажараётган аниқ ишга иштиёқ, шахсий мамнунлик эса янада зарур. Мана нима учун орзу қилиш муҳим.

Агар вақтингизни тўлиқ банд қиласидиган ишингиз бўлса, сиз эҳтимол бир йил мобайнида ишда 250 кунни ўтказасиз — бу йилнинг учдан бири. Шундай экан, юрагингизга ўт ёқадиган, сизни иштиёққа тўлдирадиган ва завқ багишлайдиган иш бўлмаса, ўз ҳаётингизнинг кўплаб қимматли вақтини бекорга ўтказяпсиз.

Иш ҳаётингизнинг катта қисмини тўлдиради ва чиндан ҳам мамнун бўлишнинг ягона услуби — сиз ажойиб деб ҳисоблайдиган иш билан шугулланишдир. Ягона йўли эса кўнглингизга ёқсан иш билан шугулланиш ва қилаёттан ишингизни яхши кўришдир. Агар

**бундай ишни топмаган бўлсангиз, из-  
лашда давом этинг ва эришган жойин-  
гизда тўхтаб қолманг.**

**Стив Жобс,  
Apple Inc  
даммуассиси**

Агарда уйда ўтириб, бола тарбияси билан шугулланаётган бўлсангиз, бу ҳаётингиздаги қимматли вақтингизни, яхши кўрган ишингизни ҳам ўз ичига олсин. Бу ишни имкон қадар кўпроқ бажаринг. Уйда ўтириб, болаларни тарбиялаётганимда ижодий иш қилгим келди ва пазандаликни танладим. Пазандачилик курсларига бориб, китоблар сотиб олиб, токи барча таом рецептларини яхши ўзлаштиргуним-ча тайёрлайверганман. Бу иш жону дилимга айланган. Ўзимнинг телевидениедаги ишимга қайтганимда, биринчи ўйлаб топган кўрсатувим пазандалик шоуси бўлган, ўрганган нарсаларим туфайли бу кўрсатув муваффақият қозонди. Унинг муваффақияти сабаб телевидениедаги мартабам ҳам ўсади.

### **Жон Пол Дежориа**

**Ўз ишингта иштиёқ билан ёндашсанг ва у ўзинг яхши кўрган машгулот бўлса, уни яхшироқ бажарасан, чунки меҳр билан амалга оширасан.**

Кўп одамлар ўз баҳтини ишга боғлиқ эмас деб ўйлайди. Аммо ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Тўғри, сенинг орзуинг ишингга боғ-

лиқ әмасдир, балки ишингдан роҳат олмассан. Орзунгдаги ишни аниқлашинг муҳим әмас, чунки сенинг баҳтинг у билан боғланган, шунинг учун бор-йўғи қиласиган ишинг — бу ўз баҳтинг ортидан бориш. У сени орзунгга олиб боради.

### Г.М. Рао

Мен мажбур бўлганим учун ишламайман, ўз ишимдан завқ олганим учун ишлайман. Мен учун ишим ибодатга ўжшайди, унда мақсад туйгуси бор, у нафақат мени, атрофдагиларни ҳам таъминлайди, баҳтли қиласи.

### Лиз Мюррей

“Бориб ишлаб келай”, деганимни ҳеч эслай олмайман.

Сен “Бориб ишлаб келай!” дея қандай ишга айта олмаслигинги тасавур қил. Ишга иштиёқинг ёки иқтидорингни сарфлашинг, сенга ҳақ тўлашадими-йўқми, бари бир у иш билан шугулланаверсанг, ана ўшанда яхши кўрган ишингга эга бўлган бўласан.

### Лиз Мюррей

Қилаёттан ишимдан завқланишим керак. Агар қандайдир завқ олмасам, вужудим яйрамайди ва ишим менга сеҳрли куч бермайди, ўзимни бирон ишни қилишга мажбур қилолмайман. Мен худди янги йил тонгида кичкина қизча каравотдан сакраб туришни кутаёттан ҳиссиётни берадиган иш билан шугулланишим

керак. Агар ўз ишимдан қүрқадиган бўлсам ёки у тезроқ тугашини истасам, бу бирор нарсани ўзгартериш кераклиги ҳақидаги белгиdir.

### **Майкл Эктон Смит**

Биз *Mind Candy*да ўзларини жуда жиiddий тутмайдиган, иш жараёнида хурсандчиллик қила оладиган одамлар билан ишлашни ёқтирамиз. Бажараёттан ҳеч бир нарса ҳаёт ва ўлим масаласи ҳисобланмайди, ҳатто баъзиларга шундай ўйлаш ёқса ҳам. Ўйлайманки, ишдан завқ олган пайтингда ҳаётдан лаззатланасан ва руҳан енгиллигинг билан фарқ қиласан.

Ўзимга бой бўлишни мақсад қилиб қўймаганман. Ҳаётнинг роҳати ва синови — нимани исташимдир. Аммо мен ишимдан роҳатлансам, пуллар ўзи келишини аниқладим.

**Сэр Ричард Брэнсон,  
тадбиркор, бизнес-магнат**

### **ЎЗИНГГА САДОҚАТЛИ БЎЛИШ**

Агар ишингиздан роҳат олсангиз, бахтли бўласиз. Мажбурий ишни яхши кўрган ишингнинг ўрнига бажариш қалбаки ҳаёт кечириш демақдир.

Кўплаб ажойиб одамлар ота-оналари, ўқитувчилари ёки жамият, дўсти ёки шериги томонидан боғлаб қўйилган иш билан шугулланишади ва улар бахтсиздирлар.

Шунинг учун дунёда депрессия ва бошқа руҳий касалликлар билан оғриган одамлар сони кўпайиб кетяпти. Бошқалар нима ўйлашлари ҳақида ўйламасдан, ўзро ҳам ортидан боришига жасорат топинг, шунда чексиз баҳтиёр бўласиз.

### **Жон Пол Дежориа**

Одам кўп нарсалар билан шугуланишини истайди, аммо ишингни ҳамма қўллаб-қувватласава усени баҳтли қилса, бу ишга кириш! Бу иш унга арзиди.

### **Майл Эктон Смит**

Университетни битириб, банқда яхши ишга жойлашдим. Аммо ишим ўзимга ёқмаслигини англадим, тўғрироги, кўнглимга ўтирмади. Бироқ бошқа ишга жойлашиш имкониятим йўқлигини ҳам билардим.

### **Г.М. Рао**

Ўз орзуимиз ортидан боришимиз бизнитурли йўналишларга тортади — акционерлар, қариндошлар, дўстлар ва жамият. Менда шундай вазиятлар кўп бўлган. Масалан, ўз оиласиий бизнесимда акаларим билан ишлардим, бироқ бошқа интилиш бўлгани боис орзуларимни амалга ошириш учун шериклиқдан чиққанман.

Г.М. Рао жасорат кўрсатиб орзулари кетидан борди, қарангки, ўз ҳаёти билан нима қилди. У аэропорт, шоссе ва шифохоналар қурди, Ҳиндистондаги шаҳарларни ривожлантириди.

Мамлакатидаги юзлаб одамлар ҳаётини яхшилади, чунки ўз бахти кетидан бориш қарорини қабул қилганди.

Кўпинча, қилгинг келган ишингни бажаришга ва кўпчиликка қарши боришга жасорат керак бўлади. Кимнингдир кўнглини олишга қаршилик кўрсат, ўзингга содиқ бўл. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бошқа одамларнинг кўнглини олиш сенинг ишинг эмас, бу уларнинг иши, улар ўзининг кўнглини овлаш ва бахтини излашни ўzlари бажаришсин. Бу сенинг ҳаётинг, ўз қалбингга қулоқ тутишинг керак. Сенда алоҳида абсолют бир қобилият ёки малака бор, ўз ҳаётинг олдида уни очиш учун масъулиятлисан.

*Сенга ёқадиган ишни танла. Мен агар одам ўзига ёқмайдиган машгулотни резюмеда яхши кўринади деб танласа, унинг ақли жойида эмас деб ўйлайман.*

**Уоррен Баффет,  
бизнес-магнат ва инвестор**

### **Анастасия Соаре**

Ўз ҳаётингга назар ташла. Агарда бахтли бўлсанг, омадинг чопибди. Агарда бахтсиз бўлсанг, сен “Майли, мени нима бахтли қила олади?” деб таҳлил қил. “Ўз ишимга эгаман, аммо жуда бахтсизман”, дейдиган бўлсанг, унда ишингни ўзгартиришга қарор қилган бўлсанг, аммо буни қандай қилишни билмасанг, сен қилишинг мумкин бўлган би-

ринчи ва энг катта қадам — бу ўз баҳтинг ортидан боришидир.

### Анастасия Соаре

Масалан, бухгалтер бўлиб ишлайсан ва бундан ўзингни жуда баҳтсиз сезасан. Балки овқат тайёрлашни ёқтирасан? У ҳолда ошпазлик қил. Ҳозирги ишингни дарров ташлама, чунки харажатларингни қоплашинг, режа тузишинг керак. “Вақтимнинг маълум қисмида мен бу ишни қиласман” деб режалаштиришинг керак. Мен ишлаб топган ҳар бир чақа ўз орзуим йўлида сарфланишига ишонч ҳосил қилишим керак.

Анастасия оилани боқиши керак эди, шуннинг учун икки йил олдин ўз бизнесини режалаштириб юрди. Энди унинг глобал компанияси бор ва ўз орзусидаги ҳаёт билан яшаяпти. Агар Анастасия режасини ишлаб чиқмаганида, ўз баҳти ортидан бормаганида, аввалгидек кунига ўн тўрт соатлаб бирорнинг салонида ишлаб юрган бўларди.

Баҳтнинг ортидан бориш учун ҳозирнинг ўзида бошлиса бўладиган кўп ишлар бор. Мутахассислик бўйича ўзинг ўзлаштиromoқчи бўлган текин курсларга боринг. Китоблар ва журналлар сотиб ол, сен шугулланмоқчи бўлган соҳада ишлайдиган одамлар ҳақида ўқи. Бу соҳага борсанг, қандай ишга киришинг ҳақида қизиқиб кўр. Интернетдан, ижтимоий тармоқлардан фойдалан, ишни ўрган. Бутун дунё сенинг бармоқларинг учида, сенда шундай кўп

имкониятлар борки, алоқага киришиб ўрганишинг мумкин. Қилмоқчи бўлган ишингизга кўпроқ вақт сарфланг.

### **Лэрд Гамильтон**

*Ҳозир қилаётган ишингиздан ўзингиз истаётган ишга қандай ўтиш мумкин? Қилиб турган ишни ташлаб бўлмайди, у эҳтиёжларингни таъминлайди, тежаб қолган пулларингни бўш вақт топиб, ёқтирган ишингта сарфла. Қандайдир дақиқада сен яхши кўрган ишингдан тажриба орттирганингни, ҳатто у орқали кун кўришингни билиб оласан. Шунда сен ўйлаганингдан кўра бошқа ишга ўтиш осонроқ кечади.*

### **Мастин Кипп**

*Агар сенда бошқа вазифаларинг бўлса, параллел равишда бизнесингни олиб бор. Вақти келганида бошқа ишга ўтишинг мумкин.*

*Ўз бахтинг ортидан бор, Коинот сен учун ҳозиргина деворлари бор жойдан эшикларни очади.*

### **Жозеф Кэмбелл, афсоначи**

*Ҳозирнинг ўзидаёқ бахтнинг ортидан эргашишни бошлишингиз мумкин, нега деганда ҳаётингизда ҳар доим қилгингиз келган иш бўлган, аммо ҳали уни қилиб кўрмагансиз. Агар сизда бал рақсларини ёки рэп, серфинг, байдаркада сузишни ўрганиш истаги борми? Ак-*

тёрлик маҳорати, расм чизиш ёки боғбонлик қилиш, кийимларни моделлаштириш ва интерьер дизайнни билан шугулланмоқчимисиз? Ёки мусиқа асбобида чалишни орзу қилганмисиз?

Сизга қандайдир мамлакат ёқадими, ўша мамлакат тилида гапиришаётгандаридан дилингизда ҳаяжон сезасизми? Болалик пайтингизда севимли машгулотингиз бўлганми ва катта бўлгач, пул топиш учун машгулотингизни ташлашга тўғри келганми? Доимо қайси ишни қилгингиз келади?

Кўпчилик одамлар ўз қизиқишиларини бутунлай ташлаб қўядилар ёки уларга жиддий қарамайдилар. Чунки бу ишлар одамлар эришган катта ютуқларга олиб келмайди. Аммо нимадир аниқ ишни қилиш туйгуси — бу Коинотнинг баҳтинг ортидан боришингга чақираётгани ва бу аниқ иш сенинг орзунинг йўли билан боғлиқ. Бу боғлиқликни ер нуқтаи назаридан кўра олмайсан, Коинот эса бу сенинг орзуларингта олиб борадиган йўл эканини аниқ билади.

## СЕНИ У ҲАРАКАТГА КЕЛТИРАДИ

Сени нима қизиқтиради? Нима ҳаракатга келтиради? Бу истакка қараб бор, ўз баҳтинг ортидан бор, чунки қизиқишиларингнинг истиқболи йўқ деб ҳисоблаётган иш ҳақиқатда орзу қилаётган ҳаётингга олиб келадиган ип. Шундай воқеа қизим билан юз берди.

Катта қизим саводи чиқиши билан катта бўлганимда ёзувчи бўламан дерди. Бу орзусидан ташқари у ҳаммадан ҳам табиатда бўлиш ва отда юришни яхши кўрарди. Учала машгу-

лотта бўлган муҳаббатини балоғат ёшига ҳам ўтказди, аммо АҚШга кўчаётганимизда отларни ташлаб келишга тўғри келди.

Кўчиб келгач, ёзувчиликка бўлган қизиқиши ҳам четга сурилди, ўша пайтда бошқа орзу қилди: йигит топиб, оила қуришни истади. У турмуш ўртогида кўрмоқчи бўлган ҳамма фазилатларнинг рўйхатини ёзиб чиқди, ой кетидан ой келди, аммо бундай одам учрамади.

Шунда у фақат баҳт кетидан боришга қарор қилди. Отда юриш машғулотларига қатнай бошлади, ёзувчилик фаолиятини ҳам давом эттирди ва ёввойи табиат қўйнидан кичик уйча сотиб олди. Уй капитал таъмирни талаб қилса-да, у ўша ерда яшашдан гоят баҳтиёр эди, чунки уй табиат билан ўралган эди.

Қизим баҳт ортидан кетганида мана шулар юз берди. Отда юриш машғулотларида унга янги от беришди ва у отга мингандай пайтида у от билан бирлашиб кетди. Ўз орзусидаги отни учратди, уни сотиб олиш учун эгаларини кўндириди, пулинни бўлиб-бўлиб берадиган бўлди. Ўша пайтда унга болалар учун китоб ёзиш гояси келди ва ўзининг биринчи китобини ёзди. У баҳтли эди, орзусидаги оти бор, табиат қўйнида яшайди ва ниҳоят китобини ёзиб тутатди. Ўша ерда ва ўша вақтда қизим орзусидаги эркакни учратди. Икки ой ўтгач, унинг ёзувчи бўлиш орзуси ҳам амалга ошди. Йирик нашриёт унинг китобини нашр қилишга киришди. Уйни капитал таъмирлаш масаласи ҳал бўлди, унинг севимли кишиси қурувчининг ўғли экан.

Ха, унга ҳаммаси бирйўла берилди. Ҳаётдан олмоқчи бўлганларинг қизиқишиларингга боғлиқми-йўқми, муҳим эмас, шунчаки ўз баҳтинг ортидан бутун қалбинг билан бор. Ўз йўлингни кўра олмасанг ҳам баҳтиёrlигинг сени орзула-ринг сари олиб келади.

## Иккинчи қисм

### ҚАҲРАМОН ИШОНЧ

**Лейн Бичли**

Ҳаётда истаган нарсангга эришиш учун мөхиятан буни қила олишингга ишонишинг керак. Мана шу ишонч менга бир неча нуфузли совринларни олиб берди.

**Лэрд Гамильтон**

Ҳамма нарсанинг иложи борлигига, буни қила олишингта ишониш зарур.

Ўзига ишонч — эҳтимол, қаҳрамоннинг қудратли қобилияти сенинг ҳам қўлингдан кела-ди. Ишончинг сени энг мураккаб вазиятлар ва исталган қийин ҳолатлардан олиб ўтади, охир-оқибат сенинг орзуинг амалга ошишига имкон беради.

Биринчи мавсумида Пит Кэрролл Жанубий Калифорниядаги университетда катта мураббий вазифасида қобилиятли ёш квортебек-ни машқ қилдирган, унинг улкан имконияти очилмасдан қолиб кетиши мумкин эди. Муам-

мо шундаки, ўйинчи салбий кайфиятда бўлгани яхши ўйнашига таъсир қилган. Пит, квортербек хато қилишидан олдиндан қўрққани учун ўйинчининг салбий кайфиятини йўқотиш мақсадида бирга шугуллана бошлади.

Ўз вақтидаги аралашув туфайли квотербек ўзини шундай ишонтирдики, икки мавсум ўтиб, университетнинг энг яхши футболчиси сифатида Хайсман мукофотини олди. Шундан кейин у Миллий футбол лигасининг юлдузига айланди ва “Энг яхши ўйинчи” номини олди. Унинг исми — Карлсон Палмер.

### **Пит Кэрролл**

Бутун мураббийлик касбимда одамларга фикрлар ва ишонч кучига ишонтиришга ёрдам бердим. Одамнинг ички диалоги — ўзига ишончининг энг аниқ индикаторидир. Мен доим ижобий ички диалогнинг аҳамияти ва қимматини орзулар амалга ошишининг асосий элементи эканлигини тарғиб қиласман.

### **Анастасия Соаре**

Одамларга мана бундай мурожаат қилмоқчиман: бу ерга келганимда инглиз тилида гапиришни билмасдим, чўнтағимда бир чақа ҳам йўқ эди, аммо мен барчасининг уддасидан чиқа олдим. Демак, буни ким бўлса ҳам қила олади. Шунчаки ўзингизга ишонсангиз, бас.

Ўзингизга ишонмасликнинг ягона сабаби, бир марталик омадсизлик туфайли ҳеч нарсага қодир эмасман деган хуносага келгансиз. Ўзин-

гизга ёмон баҳо бергансиз ва бу фикрни ҳақиқатдай қабул қилгансиз. Сиз ўзингизга ишонч билан туғилгансиз, агар бугун ўзингизга ишонмасангиз, демак. бошқа одамларнинг фикрларига ишонгансиз ва тўғри деб қабул қилгансиз. Ўзингизга ишончсизлик, тўхтосиз ўзингиз ҳақингизда ёмон фикрда бўлиш ички салбий диалогингиз орқали сақланиб туради.

## Мастин Кипп

Муваффақият йўлидаги битта хато — бу одамларнинг ўzlари улар учун муваффақият имконияти борлигига ишонмаслигиdir. Агар бунинг иложи йўқ деб ишонсанг, унда ҳақ бўлиб чиқасан. Бутун Коинот сенга қарши бўлади, бу эса Коинотни айблашингга асос бўла олмайди, чунки сен у билан ўзаро шундай муносабатдасан ва излаган нарсаларингнинг ҳаммаси ўзингга энг паст баҳо беришингдадир, бундай бўлиши мумкин эмаслиги бунинг исботидир.

Ўзингиз ҳақингизда доимо ўйлаганингизнинг тескарисини ўйлаб кўринг: уни бажара оламан дeng, бу чиндан ҳам қила олишингиздир. Ўзингизга гаройиб улкан қобилиятга эга эканингизни ва вақти келганида улардан фойдаланишингизни эслатиб туринг. Ўзингизга бор-йўги олдингта қараб қадамма-қадам юришингиз кераклигини эслатинг.

## СЕНИНГ ОНГ ОСТИНГ

Сен ўз орзуингга эриша олишинг ҳақида ўйлаб, онг ости дастурингни ўзгартириб юборасан. У компьютерга ўхшайди, унда турли хил дастурлар бор, ўз фикрларингиз ёрдамида ёки бошқа одамларнинг ўзингиз ҳақингиздаги фикрларини эшишиб ва қабул қилиб юклаб оласиз. Сиз бу иш билан ўзингизнинг бутун умрингиз давомида шугулланасиз.

### Майкл Эктоン Смит

*Агар ўзингизга, бирор нарсага эришишингизга ишонмасангиз, унда сизга ҳеч ким ишонмайди.*

Онг остингиздаги ҳамма дастурларга фикр юкландиган бўлади ва айнан фикр, фақат битта фикр янги дастур яратади, эскисини янгидан бошлайди.

Биринчи марта бирор нарса қила олишингиз ҳақида ўйлаганингизда четдан онг остингизнинг қаршилигини сезасиз, у сизга бу фикрлар нотўғри дейди. Аммо қила оламан деган фикрни давом эттириб, илдиз оттириш орқали фикр ишончга айланади ва дастурни ўзгартирасиз. Ажабланарлиси, кўп йиллар давомида ўзингизга ишонмасдан, қисқа вақт ичида эътиборингизни тўплашга тиришсангиз, ўзингга ишона бошлайсиз.

Онг остини қайта дастурлаш учун энг яхши пайт — тунги уйқуга кетишингиздан олдинги вақт. Сиз уйқусираган вақтингизда, ярим уйгоқ, ярим мудроқ ҳолатда ўзингизни нима

бўлса ҳам орзунгизни амалга оширишга қодир эканингизни хаёлингизда илдиз оттиинг. Ақлингизда жамлаган ҳар бир ишни амалга ошира оласиз. Мақсадингиз “Мен ўзимга ишонаман” деган ишончни ухлаб қолищдан олдин хаёлингизга келтириш бўлсин, чунки уйқудан олдинги охирги хаёлингиз онг остингизга келиб қуялади. Онг ости уни тўғри деб топади.

Онг остингиз янги ишончни олиши билан қабул қиласи ва тўғридан-тўғри бажаришга тушади. Тўсатдан ҳаётингизда сизга ишонадиган янги одамларни кўрасан ёки ўз ҳаётингизда бор одамлар ёрдам беради, қадам қўйиш ва ҳаракат қилингизга илҳом беришади, улар қобилиятли эканлигинизни исботлайдилар ва ўзингизга ишончни кучайтиришади.

Онг остингизда нимани бўлса ҳам ушлаб турсангиз, айнан шу ҳодиса ҳаётингизда юз беради. Шундай бўлишига сабаб, онгингиздаги истаган янги дастур тезда Коинотга етиб боради. Коинот кўрсатма олиши биланоқ сиз билан бирга ишлай бошлайди, ниятингизга етишингиз ҳақида қайгуради. “Инсон онги нимага эриша олишини билиб олиш ва тасаввур қилишга қодир” дейилишининг сабабини энди тушунгандирсиз.

### Г.М. Рао

Мен жамият учун қадриятлар яратиш ҳақидаги тасаввурларимга қаттиқ ишонар эдим. Иккита жиддий ва ҳаётимни бузиб юбориши мумкин бўлган муваффақиятсизликка қарамасдан, қатъий турдим, чунки менинг қадри-

ятларим ва букилмас қатъийлигим Коинотнинг иродаси билан мос келди, у мени сўзсиз қўллаб турди. Тафаккуримда шундай бўлишига ҳеч қандай шубҳа бўлмаган.

### Лэрд Гамильтон

Мен орзуимга етишимга чиндан ишонардим. Агар бунга чинакамига ишонмаганимда ҳеч бир нарсага қодир бўлмасдим. Ўз ўрнида менда ҳеч қачон шубҳа бўлмаган дегани эмаслигини айтиб қўяй, чунки шубҳа доимо бўлади, у бошингиз узра айланиб юради ва сизни эгаллашга ҳаракат қиласди. Аммо мен шубҳаларни қабул қилмаганман.

Ўзингизга ишонч — бу бир дақиқа ҳам орзуга эришишга бўлган қобилиятингизга шубҳаланмайсиз дегани эмас. Бу дақиқаларда ақлингизни шубҳалардан тозалаб, ташлаётган қадамингизга жамланг, чунки бошингиз айланниб кетадиган саёҳатдан кўра кейинги кичик қадамни боса олишингиз осонлигига ишонасиз. Агар шундай ўйласангиз, бу қаҳрамонлик саёҳатида омадли ҳар бир кишига насиб қилганидек, бир қадам кетидан яна бир қадам боса оласиз. Ўзингизни бахтиёр ҳис қилганингизда ишончингиз кучли бўлади. Чарчаган ва умидсиз бўлиб кўринасиз. Ҳолсизлансангиз ёки қувват етишмаёттанини сезсангиз, ичингизга ишончизлик кириб олади. Ҳар бир одамнинг шундай дақиқалари бўлади. Ҳозирги ҳолатингиз вақтингча эканини ўзингизга эслатиб туринг, у албатта, ўтиб кетади. Мана шунинг учун ҳам ўз

бахтингиз ортидан ҳар куни боришиңгиз мұхимдир, чунки бахтингиз ишончингизни мустақамлайды.

### **Г.М. Рао**

Үз орзунгизга ишонишиңгиз керак: бу айнан сиз истаган дүнёдаги энг яхши нарса. Ишончсиз бўлсангиз, қўлларингизни тушириб, тиришқоқликни йўқотиб, қатъиятсиз бўлиб қоласиз. Кўпинча бундай ишончсизлик оқибатида омадсизликка бўлган қўрқув ётади.

### **Мастин Кипп**

Онам қандайдир мақсадни кўзласам, албатта унга эриша олишимни айтар эди. Шундай экан, уларга ҳеч бир муболагасиз ишонардим. Бирон мақсадни кўзласам, қандайдир мұхим воқеа бўлишини бошидан билардим.

### **Лэрд Гамильтон**

Онам мени сувда юриш қобилиятига эга деб ўйларди. Унинг ишончи кичик даражада аниқ мақсадли бўлиб, кўпроқ яхши одам бўлишимга қаратилган эди. Аммо бу ўзимга ишонишимга куч берарди. Ҳар ким ҳаётида кимгадир ишонадиган бўлса, бу одамни қаттиқ ушлаб олиши керак. У яқин кишимиз бўлиши зарур.

### **Анастасия Соаре**

Қандайдир майда нарса бутун ҳаётингизни ўзгартириб юборишга қодир. У пайтда ҳали кичкина эдим. Аммо бир нарса аниқ эсимда, атиги олти ёшга тўлганимда ота-онам билан

бирга ательеға бордим, онам менга: “Сен билан бирга ҳар куни борадиган дүкөннимиз эсингдами?” – деди. Ҳозир сенга сотиб олиш керак бўлган нарсалар рўйхатини ёзиб, пул бераман. Автобусга ўтирасан ва олти бекатдан кейин тушасан. Ҳайдовчидан сенга керакли бекат эканини билиш учун бу ўша бекатми, деб сўра”.

Мен эътиroz билдиридим: “Ойи, мен атиги олти ёшдаман-ку. Буларни билмайман...” “Йўқ, йўқ, сен ахир ақлли қизсан-ку. Буни қила оласан”. Озгина қўрқдим, аммо биласизми, хаёлимда нима эди? У менинг ақлли қиз эканини ва буни бажара олишимни айтди. Онам шундай дедими, демак ақлли эканман. Мен қайттанимда онамнинг юзига табассум югурди, буни ҳеч қачон унутмайман. “Мен сенга ақлли қиз эканингни айтувдим-ку. Мана, топширигимни бажара олдинг. Сен билан фахрланаман!” деди онам.

### **Майл Эктон Смит**

Ўзингга бўлган ишонч сени қўллаб-қувватлайдиган ота-онанг билан яшаётганингда осон шакланади, аммо уларсиз ҳам бунинг удасидан чиқишинг мумкин.

Агар ота-онанг бўлмаса ҳам сенда ўзига ишончни сингдириш учун кимдир бўлган. Бу бувинг, буванг, қўшнинг, ўқитувчинг, аканг ёки синглинг бўлиши ҳам мумкин. Ё исталган бошқа одамдир. Бу одам ҳозирда тирик ёки ўтиб кетганидан қатъи назар, у туфайли қал-

бингта, ҳамишалик мавжуд бўладиган ўзига ишонч сингган.

Орзуинг кетидан эргашишга қарор қилсанг, Коинот сени қўллаб турди ва ҳамма шароитлар, ҳамма одамлар орзуинг рўёбга чиқиши учун барча зарур нарсалар билан таъминлайди. Онг остингда ишонч пайдо бўлса, ҳатто Коинотни жойидан қўзғата оласан.

### **Лэрд Гамильтон**

Вазиятлар ўзи устида ўзи қайгуради, шунчаки фикрингизни вазифангиз ёки мақсадингизда жамласангиз, сарфлаган кучингиз туфайли улар ҳам сиз ҳақингизда қайгуришади.

### **Мастин Кипп**

Сизни илҳомлантирувчилар рўйхатини тузинг, сўнг бу одамнинг қайси хислати сизни илҳомлантиришини айтинг. Унинг қайсарлигими? Тақдим эта олишими? Банк ҳисобими? Ёки брендими? Дунё учун қилган ишими? Аниқ бир шахснинг сизни илҳомлантирадиган фазилати ҳақиқатда сизнинг бир қисмингиз ҳисобланади.

### **Лиз Мюррей**

Биз бўлиш йўли билан ўрганамиз ва шунинг учун агар ўзингизни турли вазиятларга қўя олсангиз, тажриба туфайли янгидан ўзингизга баҳо бера оласиз ва ишончингиз тизимини ўзгартира оласиз. Илгарилари иложи йўқдек туйилган ишларни қила оласиз, нега деганда, ҳаётингизда улар учун ибрат бўлмаган. Бу худ-

*ди сичқон хотирасига ўхшаш нарса. Шундай экан, янгича хавотирлар бизни янгича ишончга олиб келиши мумкин.*

Ишонч билан босган қадаминг натижасида қаҳрамонлик саёҳатидан олган ҳар бир тажрибанг мустаҳкамланиб боради, кучаяди ва ўзинг учун нимага қодир эканлигингни очасан.

Орзунинг ва ўзингга ишон, сен — қаҳрамон, ўз ботинингиз қаҳрамонисан. Орзунингга етишиш мумкинлиги эса буни қила олишга қодирлигингдадир.

## **ҲИССИЁТ**

### **Мастин Кипп**

*Инжилда бу ҳақда жуда яхши ёзилган: ҳиссиётсиз халқ ҳалок бўлади.*

### **Лэрд Гамильтон**

*Менда пайдо бўлган исталган гояни ва қачонлардир қилган ишларимни олдинлари хаёлан кўрганман. Одамлар визуализацияга қуида-гича изоҳ беришади: бу шунчаки хаёлан бирон нарсани кўра оласан деганидир. Агар уни кўра олмасангиз, демак сизда орзунинг ўзи йўқ. Агар хаёлингизда олдиндан кўришга қодир бўлмасангиз, қандай қилиб уни баён қила оласиз?*

Моҳир спортчилар ўз орзулатини кўришнинг кучини билишади. Олимпия ўйинлари даврида спортчилар ўз хаёлларида тўрут йил давомида олтин медаль олиш онларини ўтказиб

юборганларини гапиришади. Улар машгулот пайтида визуализация техникасидан доимий фойдаланишади, чунки улар хаёлан эришмоқчи бўлган нарсаларини кўришади ва аниқ малакаларни синаб кўриб мукаммаллаштиришади.

### **Лейн Бичли**

*Мен жуда кўп вақтимни спорт визуализациясига багишлайман. Спортчи касбида қойил қоладиган жойи бу техникадан исталган натижани кўришда қўлланилади.*

### **Пит Кэролл**

*Биз келишимиз мумкин бўлган мақсадни кўз олдимизга келтириб, доимо визуализация билан ишлаймиз. Бутун куч ким бўлмоқчилигингизни кўз ўнгингизга келтиришдан чиқади. Агар уни ўзингизга тасвирлаб бера олмасангиз, қандай қилиб мақсадга ета олган бўлардингиз? Ҳатто унга етганингизда буни тушуна олмасдингиз.*

*“Ухлаб қолай деб турган пайтларимда визуализация билан шугуллана бошлайман, нима хоҳлашимни тушунмагунимча у билан шугулланавераман. Шўнгийман, сирпанаман, сузаман, тўнтариламан, деворга яқинлашаман, вақтни сониясигача ҳисоблайман, сўнг яна орқага — сузишни тутатмагунча, ўзимга неча марта керак бўлса, шунча қайтараман”.*

**Майкл Феллс,  
сузиш бўйича Олимпия чемпиони**

Спорт олами биз истаган нарсани амалга оширишнинг энг құдратли амалиётидан бирини ўзлаштириб олган. Ҳамма муваффақиятларга шу техника туфайли эришган бўлсада, одамлар бу омилни англай олишмаяпти, бу техникадан ўз ҳаётларида муваффақият яратиш учун фойдалансалар бўлади-ку, ахир.

### **Лейн Бичли**

*Мен фақат битта натижани визуаллаштиришим мумкин эди: шоҳсупада бошим узра кубок кўтариб турибман ва мени олқишилашмоқда. Бу мен учун аҳамиятли бўлган нарса эди.*

Кўришнинг энг муҳим томони, охирги ёки истаган натижангизнинг хаёлий манзарасини олиш. Миянгиздан унга қай тарзда эришиш ҳақидаги барча деталларни чиқариб ташлаб, шунчаки ўз орзунгиздаги охирги натижани кўринг. Лейн Бичли ўзининг шоҳсупада турганини, муҳлислар унга қарсак чалишганини ва дунё чемпиони бўлганини кўз олдига аниқ тарзда келтирган.

### **Майл Эктон Смит**

*Мен расм чизишни, қингир чизиқлар ва хомаки чизмаларни яхши кўраман. Кўплаб соатларни ёндафтарларни тўлдириш билан ўтказаман. Ўзим истаган натижа ва эришмоқчи бўлганларимни чизаман.*

Ўз орзуларингиз унсурларини хомаки чизаётганингизда ақлингиз хомаки расмлар орқали

күриниши шакллантиради. Орзуларингиз ҳақида қайдлар ёзганингизда идрокингиз кўраётганларингизни қайдларингиз орқали англайди. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам визуализация билан шугулланяпсиз. Мен ҳаётимда ҳар сафар илгари ҳеч қачон шугулланмаган нарса билан машгул бўлганимда, аввалдан ўзим истаган натижани кўз олдимга келтирмасдан иш бошламаганман. Шу тарзда хаёлларим билан худди улар содир бўлган каби яшайман, ҳаяжонга бой туйгуларни ҳис этаман. Уни қандай бажаришим ҳақида ўйламайман, ўзим истаган натижани кўз олдимга келтираман. Бу техника — энг қудратли ва кам танилган, инсонлар ўз ҳаётида истаган нарсасини яратиши учун берилган қобилиятдир. Онг остингиз манзараларни яхши кўриб туради, унга ушалган орзу расми ни узаттанингизда уни амалга оширишга сизни мажбуrlаш учун ҳар ишга қодир.

### Г.М. Rao

Менинг орзуим доим хаёлимда, ақлини қаҷон таниган бўлсан, доим шу орзу билан яшаганман. Ҳатто уларни хаёлан одамларда синаб кўрганман. Худди орзуим рўёбга чиққан каби ҳаракат қилганим учун ҳам исталган натижага эришганман.

Муваффақиятта икки марта эришилади. Биринчисида хаёлда, иккинчиси эса реал оламда.

Азим Премжи,  
ҳиндистонлик бизнес-магнат

## **Питер Фойо**

Хаётимда қилган ҳар бир иш ўрганишим ёки тиришиб ишлаганим учун юз бермаган. Бу визуализация ва мен ўша ердалигимни билишим натижасидир.

“Сир” фильмни устида ишләёттанимда кунига кўп марталаб натижани ўзим истаганимдек визуализация қилганман. Бу натижани хаёлан шундай аниқ кўрганманки, менга у юз бергандек туюларди. “Сир” фильмининг улкан муваффақиятга эришишида визуализация қудратли восита бўлиб хизмат қилганига менда зигирча ҳам гумон йўқ.

## **Питер Фойо**

Одамлар визуализацияни ўзини алдаш деб ҳисоблашади, чунки улар “Бу юз бермайди. У бу ерда йўқ” деб фикрлашади. Ундай эмас, у шу ерда! У чиндан ҳам бор. У ҳақда ўйлар экансиз, у юз беради.

Етарли даражада визуализация техникасини ўзлаштириб олсангиз ва ўз хаёлингизда орзуингизни худди рўёбга чиққан каби кўрсангиз, ўша техникани исталган кичик қадам ёки мақсадларда қўлласангиз бўлади.

Истаган нарсанинг охирги натижасини визуализация қилсангиз ҳам, кўз олдингизга келтирганингиз шу натижага эришишингизни у ёки бу даражада кафолатлайди.

## Лиз Мюррей

Мақсадим буткул аълочи бўлиш бўлгани учун мактаб ўқитувчилар хонасига бориб: "Менга якуний табелларимни чиқариб беринглар", деб сўрадим. Улар: "Йил энди бошландику, сенинг ҳеч қандай баҳоинг йўқ", дейищди. Шунда "Йўқ, менга бўш бланк керак", дедим. Улар менга бланкни исм-шарифимни ёзиб, чиқариб беришди. Келажакда бор нарса фатъат унга етиб олишим керакдек туйилди, зинга ўтириб олиб бланкка ўз баҳоларимни ёзиб чиқдим. Уй вазифаларимни бажараётганимда ҳаммаси бешга ёпилган табелни олардим ва ёнимга қўйиб, ишлаётган вақтимда унга қараб қўярдим. Ҳақиқатан ҳам ҳаммаси амалга ошган деб ҳис қиласадим.

Ҳар қандай вазиятда ўзинг учун воқеанинг исталган натижасини кўз олдингга келтиришинг мумкин. Сен имтиҳон, суҳбат, учрашув, ўйин, чиқишлар, умр йўлдошининг қариндошлари билан танишув, саёҳатларни ёки раҳбаринг сенга компаниянинг тарихида мисли йўқ мартаба таклиф қилаётганини кўз ўнгинга келтира оласан.

Ушбу йилнинг охирида қаерда бўлишни исташингизни албатта, кўз ўнгингизга келтиринг ва ҳар йилги кўринишларни Янги йилда янгиланг. Қўшимчасига умумий кўриниш 5 йилдан кейин қаерда бўлишингизни исташингизни кўз олдингизга келтиринг. Шунчаки, кейин ҳаётингиз билан нима юз беришини кузатиб туринг.

*Борадиган манзилингизни күз ўнгин-  
гизга келтириңг жаңа аниқ тасав-  
вурға эга бўлинг. Икки йилдан кейин  
бўладиган жойингизни “расмга олинг”.*

**Сара Блэйкли,  
Spanx асосчиси**

### **Жон Пол Дежория**

Эрталаблари уйгонаман — мен шунчаки борман. Телевизор қўймайман, ўзим учун финжонга қаҳва қўймайман. Ҳеч нарса қилмайман. Шунчаки каравотда ўтираман — шунчаки борман. Ҳеч қандай қарорлар чиқаришим керак эмас, ҳеч қаерга қўнгироқ қилишим ҳам керак эмас. Фақат беш дақиқа ичида ўз ақлимни тозалаб олишга ҳаракат қиласман ва “ҳозир шу ердаман”, дейман. Онгим шу тарзда келаётган кунга ҳеч нарсани ўзига юкламай кириб боради. Агар эришмоқчи бўлган орзунгиз бўлса, охирги икки дақиқа давомида у ҳақда — уни қандай хоҳлашинг, нимага уни хоҳлашинг ва унга яқинлашиш учун нима қила олишинг ҳақида ўйла.

Эрталаб ҳали кунги тартибсизликлар бошлиномасидан илгари идрокингиз ва орзунгиз онг остингизга ўтиб кетаётган бўлади. Бу компьютерга янги дастур ўрнатиш ёки учирошга ўхшайди. Агар компьютерингизда кўплаб дастурлар ишлаётган бўлса, уни янгилаб бўлмайди, худди шундай онг остингиз бошқа нарсалар билан банд бўлса, орзунгиз кўринишини қабул қиласмиади. Ўз идрокингизни ре-

лаксация орқали ўчирсангиз, кўришингиз муваффақиятли ўрнатилади.

Визуализациядан муваффақият билан фойдаланишни ўргансангиз, атрофингиздаги одамлар ҳайратлана бошлашади, ўз-ўзидан худди ўта қудратли одамсиз-у, ҳамма нарса сизга ишлаётгандек кўринади. Биласизми, сиз билан бирга тугилган энг оддий қудратли қобилиятингиздан фойдаланяпсиз. Бу қобилият саёрамизда яшаётган ҳар бир одамда бор.

## **ҚАҲРАМОННИНГ ФИКР ЮРИТИШИ**

### **Питер Бурваш**

Эрталаб турганингда сенинг ҳақиқатан ҳам биттагина асосий вазифанг бор: у киймоқчи бўлган кийиминг ё соchlарингни қандай турмаклашингта боллиқ эмас. Муҳими, қандай фикрлайсан: ижобийми ёки салбий? Чунки ижобий фикрлаш жуда ҳам муҳим.

### **Майл Эктоン Смит**

Табиатан некбин одам бўлиб тугилганим учун омадим чолган, ўйлайманки, бу менга жуда катта ёрдам берган.

Ҳар бир одам курашадиган энг катта қийинчиликлардан бири — бу унинг кайфиятидир. Ҳаётга нисбатан яхши кайфиятда бўлишни ўзлаштириб олмасангиз ва умид кўзлари билан қарашни бошламас экансиз, ўз муваффақиятингизни барбод қилганингизни англаганингизда баҳтсиз ва касал бўлиб қоласиз. Кайфиятингиз — бу ички ижодингиздир. У улкан

ҳалокат ёки сүрт құдратлы қуролингиз бўлиши мумкин. Қай бирини танлаган бўлардингиз?

### **Лейн Бичли**

Агар ҳаётингда бирон нарса яхшиланишини истасанг, ҳозир яшаёттан қолиллардан кетмоқчи бўлсанг, унда ўз хаёлларинг учун масъулиятли бўлишни ўрган.

Хаёлингиз кайфиятингизни белгилайди, шунинг учун кайфиятингизни ўзгартиришдаги биринчи қадамингиз — шахсий фикрларингиз учун масъулиятни қабул қилишdir. Ўйлаётган хаёлларингиз ўзингизни баҳтсиз ҳис қилишга мажбур қилса, хаёл сураётган фикрлар турини ҳам ўзгартирасиз.

Агар сизга кимдир ҳар куни қўлингиздан келганича яхши нарсаларни топиш эвазига орзу қилган ҳаётингизни таклиф қилса, бир зумда топиб ташлардингиз. Бу ўз орзуингиздаги ҳаётнинг ўзгинаси!

### **Пит Кэрролл**

Ҳаётим давомида шуни англадимки, ижобий фикрлаш ва келажакка умид билан қараш — бу муваффақиятли бўлиш ва истаган нарсангизни яратишнинг энг яхши усули.

Агар ташқи шароит кайфиятингизга таъсир қилишига йўл қўйсангиз, муаммолардан қочиб қутуолмайсиз. У ҳолда кайфиятингиз яхши бўлиши учун атрофингизда доимо идеал ва-

зиятлар бўлиши талаб этиларди, сиз эса барча вазиятларни назорат қилолмайсиз.

Шунингдек, бутун сайёрадаги одамлар — 7 миллиард киши ўзини идеал тарзда тутиши керак бўлади, аммо ўзингиздан бошқа ҳеч кимни назорат қила олмайсиз. Демак, ташки шароитга қарамаслик ва бошқалар сизга нохуш кайфият беришига йўл қўймаслик керак. Агар шундай қила олмасангиз, вазият ёки одамлар кайфиятингизни бузиш учун баҳона топа олишади. Кайфиятингиз энг қудратли воситангиз бўлиб қолиши учун у ичингиздан буйруқ бериши керак.

### **Мастин Кипп**

*Мен энг ёмон вазиятларда ҳам некбин бўлганман.*

### **Питер Бурваш**

Ҳамма нарсанинг ижобий ва салбий томони бўлади. Дунёдаги ҳар бир ҳолатда ҳам бу хусусиятларни топиш мумкин. Илгор бўлишни истаган одам биринчи галда ҳамма нарсага ижобий тарзда қарайдиган бўлишни ўрганиши керак.

Некбинлик ёки умидсизликни ўзингиз танлайсиз. Ёмон кайфиятни худди эски кийимдек ташлаб юборган каби йўқотиб, ҳар тонгда янги кийим кийган каби яхши кайфиятда кунни бошлаш мумкин. Барчаси жуда оддий.

## **МАНА-МАНА, НИМАДИР ЯХШИЛИК БҮЛӘДИ**

**Пит Кэрролл**

Онам доимо мана-мана, нимадир яхшилик бүләди, дер эдилар. Буни мен илгари идрок эт-маган бўлсам ҳам, аммо бутун умр ҳозирги да-қиқалар қанчалик огир ва қайгули бўлмасин, мана-мана, ҳаммаси яхши бўләди ва юқорига кўтарилади, деб яшашга ўргандим. Онам мен-га шу туҳфани қолдирғанлар. Бу ижобий му-носабатимни ушлаб туради ва атрофимга нек-бинлик билан қарашимга ёрдам беради. Шу хаёл билан яшаганим учун омадим келган.

Ер юзида икки томонламалик мавжуд бўл-гани учун доим ижобий ва салбий кечинмалар бўләди. Аммо ташқи шароитларга қарамасдан, яхши нарсаларни излаб, аъло кайфиятни уш-лаб турсангиз, галабани қўлга киритасиз. Пит Кэрролл онасининг: “Мана-мана, яхши нарса юз беради!” деган гапини кайфиятини яхши ушлаб туриши учун эслаб юрган. Агар сиз ҳам мана-мана, ҳозир яхши нарса юз беради, деб ўйлайдиган бўлсангиз, некбинлигингиз ҳеч қа-чон иккиланишга юз тутмайди.

**Г.М. Рао**

Истиқболим зулматли бўлиб кўринганида ҳам маънавиятим фикрлашимга ёрдам берар-ди.

Бахтили ва омадли одамлар юз бериши мум-кин бўлган яхши вазиятлар ҳақида ўйлашади,

бахти тўқислигини, пули кўп бўлишини, бадавлат ва тўлақонли ҳаёт кечиришни ўйлашади, тескарисини эмас.

### Г.М. Рао

Мен жуда кўп зиёли ва бадавлат оиласардан чиққан одамларни билардим. Улар юқори ижтимоий табақага эга бўлиб, ўзларининг салбий муносабатлари туфайли олдинги сафда борувчилардан бўломмаганлар. Салбийлик одамни пастга қараб тортади.

Доимий тушкун кайфият бахтсиз ҳаётта олиб келади. Баъзида дунёдаги барча нарса-га салбий муносабатда бўладиган одамлар дуч келишади ва уларнинг ёнида эканлигингизда қувват ва шодлигингизни тортиб олишади. Натижада сизни ҳам салбий кайфият эталлайди.

### Анастасия Соаре

Агар пессимист бўлиб, доимий депрессияни бошдан кечираёттан бўлсангиз, бу омил ҳар қандай орзуни ўлдиради.

Ёки тескариси бўлиши ҳам мумкин. Сиз ҳойнаҳой доим кўтаринки кайфиятда юрадиган, хушчақчақ ва ҳаётга енгил қарайдиган кимни-дир биласиз ва унинг ёнида эканингизда ўзингизни юқори даражада енгил ҳис қилиб, ҳаётбахш қудратга тўла бўласиз.

Менга ҳеч бўлмаса битта пессимист ҳаёти-нинг ҳамма соҳасида бахтли бўлганини кўрсатинг. Бундай бўлиши мумкин эмас, чунки ҳам-

ма нарсаси бўлган тақдирда ҳам у стаканинг ярми бўш бўлишини хоҳлайди!

### **Питер Бурваш**

Икки одам қўшничилиқда яшар эди. Улардан биттаси эрталаб уйғонганида деразаларни очар экан: “Хайрли тонг, Парвардигор!” дейди. Пессимист қўшниси уйғонганида эса: “Вой Худойим-эй! Яна эрталабми...” дейди.

Шунчаки ўзингдан: нима деб ўйлайсан, шикоят ва айбловлар одамни муваффақият ва баҳтта олиб келиши мумкинми, деб сўра. Танқид ва нолиш одамнинг орзуларини рўёбга чиқариб, унга абадий баҳт берса оладими?

### **Пит Кэрролл**

Бизнинг дастуримизда доимо қўлланиладиган қоидалардан бири — ҳеч қандай нолиш, шикоят ва баҳоналар қабул қилинмайди. Қолипга тушиб қолган хаёлларимиз бизга мадад бермайди. Улар бизни истаган жойимизга олиб бормайди.

Нолиёттан суперменни қачондир кўрганмисиз? Индиан Жонснинг шикоят қилганини эшитганмисиз? Жеймс Бонд ўзининг аччиқ тақдиди учун бирорни айлаганини кўрганмисиз? Суперқаҳрамонларнинг бу хусусиятни намоён қилганини кўрмайсиз, чунки режиссерлар бундай қаҳрамоннинг обруси бирпасда тушиб кетишини ва қаҳрамон бўлмай қолишини билишади. Томошабинлар инстинктив ра-

вишда нимадир бошқачалигини дарров пайқаб қолган бўлишарди: бундай персонаж қандай қилиб қаҳрамон бўлиб қолди экан? Жавоб: ҳеч қанақасига.

Шикоятлар, газабланиш, нола ва айбловлар — биз истаб келган ҳаёт эмас, балки унда яшамаётганимиз учун фойдаланаётган ҳийламиздир.

### Лиз Мюррей

Ҳаётимизнинг энг қоронги дамларида биз ҳуқуқларимизни талашамиз, газабланамиз, бир-биrimизни айблаймиз. Ўйлайманки, шахсий ҳуқуқ туйғуси, газаб ва айблов бир-бира-га қариндош. Улар нимага ҳаққингиз борлиги, сизга нима етмаслиги ва уни сизга ким бериши кераклиги ҳақида гапиради. Мен кимдандир нимадир қарздор бўлиб қолишни ўйламасдан катта бўлганман. Эга бўлган ҳамма нарсангиз — бу туҳфа, уларнинг ҳаммаси қандай енгиллик билан келган бўлса, шундай осон йўқолиб қолиши мумкин. Бундай тасаввурга эга бўлиш анча яхши.

Одамлар бизни айблашаёттанини кўрганимизда газабланамиз, нолиймиз ва шикоят қиламиз, бундай тарздаги кундалик ҳаёт зарар келтирмайди деб хато ўйлаймиз. Аммо салбий ҳиссиётлар сизни пастга ва яна пастга торта-веради. Кучдан қолдириб, токи умидсизликка дучор бўлмагунингизча тинчимайди.

Бу салбий туйгулардан ҳеч бири ҳеч қандай ҳолатда ўзингиз истаган ва сиз лойиқ бўлган баҳтни бермайди. Бу ҳиссиётлардан бирорта-

си ҳам сизни орзунгиз томон олиб бормайди.  
Уларнинг бирортаси ҳам сизга ўхшаган қаҳрамонга тўғри келадиган хислат эмас.

### **Лэрд Гамильтон**

Доимо худди ҳаммаси жойидаек, хуш чақчақ, баҳтли ва қулиб юриш мумкин эмас. Ҳаётингизда ҳасад, рашқ каби салбий иллатлар баъзида пайдо бўлиб туради. Бу одамзот ҳаётининг бир бўлаги. Аммо унинг унишига қўйиб берасизми ёки ташқарига улоқтириб ташлаб, ўрнини ижобий ҳиссиятлар билан тўлдирасизми, буниси ўзингизга боғлиқ. Қандай хаёл, ишлар ва гапларга кўп вақт сарфлайсиз? Айнан ўшалар сизга ҳосилини олиб келадилар.

Яхши кайфият вақти-вақти билан умидсиз кунларингиз бўлмайди, дегани эмас. Сизда албатта, ўшандай кунлар ҳам бўлади. Аммо гап тасодифий умидсиз кунларда эмас, гап 24869 кунлик ҳаётимиздаги қимматбаҳо кунларимизда бўлиб, ўзингизнинг яхши кайфиятингиздан роҳатланишингиз билан боғлиқ.

### **Пит Кэрролл**

Ҳар куни ҳаракат қилиб, хотиржам яшанг. Доим орқа ва олдинга назар ташлаб, ҳурматга сазоворманми ё йўқми, дея фол очманг. “Билмадим, буни эплай олармиканман”, “Бу мен учун жудаям қийин”, “Илгарилари буни қилишни билмасдим”, “Илгари менга у ёки бу нарса етишмасди” каби салбий хаёллар диқкатингизни чалгитади, қобилиятингиз қизгин

бўлган пайтда ўзингизни намоён қилишга йўл қўймайди. Агарда бу хаёлларни ўзимиз билан олиб юрсак, у даражада яхши бўлолмаймиз.

### Лейн Бичли

Шундай вақтлар бўлади, ўзингизни бутунилай пессимистдек ҳис қиласиз, гўё сувга чўкиб кетаётгандек, ё маглуб бўлгандек кайфият қамраб олади. Асосийси, бундай вақтда масъулиятни ўзингизга олиб, бу ҳиссиётлар фикрлаш тарзингиздан келаёттани ва қарор чиқаришда бирон нималарни ўзгартирса, вазият ўзгаришини англаң.

Агар ўзингизни маъюс сезсангиз, ростакамига ўзингизга яхши муносабатда бўлишингиз ва руҳингизни қўтариш учун бирон нима қилинг. Ҳозир қилишингиз мумкин бўлган энг яхши нарса ҳақида ўйланг, бу кайфиятингизни максимал даражада яхшиласин. Албатта, шундай қилинг.

### Лейн Бичли

Ўзингизни баҳтли ва ижобий ҳис қилиш учун илгари яхши кўрган бирон нарсани бажаришингиз ва ичингизда мамнунлик туйгусини ҳис қилишингиз керак бўлади. Шунинг учун мен ҳар куни серфинг билан шугулланаман, чунки у менга улкан баҳт ва мамнунлик туйгусини беради.

Қаҳрамоннинг фикрлаши — ҳар доим ижобий бўлади. Қаҳрамоннинг келажакка муно-

сабати мантиқий равища некбинлик бўлади. Ижобий фикрлаш ва некбин кайфият биргалиқда орзуларингиз амалга ошиши учун қудратли воситадир, чунки фикрларингиз ва ҳиссиётларингиз ҳаётингизга айланади!

## ҚАҲРАМОННИНГ ЮРАГИ

### ЖАСУРЛИК

**Лэрд Гамильтон**

Қўрқув — бу доимо бизда бўладиган ҳиссиёт. У ривожланишимизга мажбур қиладиган кучнинг бир қисмиdir.

**Лиз Мюррей**

Қўрқувдан қутулишнинг иложи йўқ, негаки қўрқув — бу физиологик реакция. У доимо сен билан бирга бўлади.

Ҳаммамиз индивидуал бўлсак-да, ҳар бири мизнинг одамийлик ҳиссиётларимиз спектрлари — қўрқув, ишончсизлик, гумон, қувонч, иштиёқ, умид ва ишончdir. Қаҳрамонлик саёҳатининг турли дақиқаларида сиз бу ҳиссиётларни бошингиздан ўтказасиз. Одам омадли бўлса, бу қўрқув, ишончсизлик ва гумонни ҳис қилмайди дегани эмас. Унинг қўрқуви сизники билан бир хил. Унинг гумони ҳам сизники билан бир хил. Омадли одам сиздаги ҳиссиётларни сезишига қарамасдан, шунчаки ўз орзуси кетидан боришга аҳд қилган кишидир. У қўрқуви ё гумони ўзини фалажлашига, орзу-сининг амалга оширишига тўсиқ бўлишига йўл қўймайди.

## **Мастин Кипп**

Орзуингиз катта ёки жуда кичик бўлса ҳам, барни бир у қулайлик ҳудудидан ташқарида бўлади, қулайлик шароитидан чиқиш қўрқувни уйғотади. Аммо қўрқув инсоннамаддунидаги энг тушуниб бўлмайдиган кўрсаткич ҳисобланади. Биология нуқтаси назаридан қўрқув бизни бус-бутун сақланишимиз учун берилган, қўрқув бу ўзини ҳимоялашдир.

Одамлар икки хил қўрқувни бошдан ўтказишади. Аммо бизнинг яшашимизни таъминлайдиган физиологик инстинктимиз психологик қўрқув билан бир нарса эмас.

Психологик қўрқув — бу бизга ҳеч нарса таҳдид қилмаганида ўз ақлимиз билан яратадиган бирор нарса. Балки ундан келажагингиз боғлиқ бўлган, ҳайдовчилик гувоҳномаси учун якунловчи имтиҳон топшираётганингиздаги каби қўрқувни ҳис қилишга тўгри келгандир. Сиз психологик қўрқувни мактаб спорт мусобақаларида иштирок этаётганингизда ёки кўплаб одамлар олдида нутқ сўзлагандан ҳис қилгандирсиз. Шунга ўхшаш вазиятларда ҳаётингизга хавф туғилмаган, у онгингиз туфайли пайдо бўлган психологик қўрқув эди. Кўпчилигимиз қаҳрамонлик саёҳатимиз давомида психологик қўрқувга дуч келамиз, аммо баъзи одамлар, масалан, экстремал спортчилар иккала қўрқув кўринишини биргалиқда ҳис қилишади.

## **Лэрд Гамильтон**

Одамлар: "Сен құрқмайсанми?" дейишади. Ҳақиқатда бундай эмас. Үйлайманки, ҳамма-дан күра менга құрқинчлироқ. Мен бу улкан тұлқинлардан құрқаман. Аммо тасаввур одатда реалликдан каттароқ бўлади. Ўзингни құрқа-диган омил таъсирига дучор қилиш — эҳтимол, бунга ўрганишнинг самарали услубидир. Унга мослашсанг, у сен учун илгари эга бўлган кучга тўсатдан эга бўлмай қолади.

Фантастик фильмларда қаҳрамонлар аждарҳо ёки маҳлуқлар билан тўқнаш келади ва ўз вазифасини адо этиш учун уларни ўлдириши керак. Фильмларда қаҳрамон бизнинг ҳаётни рамзлайди ва орзуга эришиш учун биз ўтадиган йўлларни кўрсатади. Маҳлуқ — бу гумон ва идрокимизнинг қўрқуви, фильмларда кўрганимизга ўхшаб уларни енгишимиз ва орзуларимизни рўёбга чиқаришимиз учун тўсиқ бўлишига йўл қўймаслигимиз керак.

Қилмишни бажаришнинг ўзи, яъни қулайликдан ташқарига чиқиш, бир зумда маҳлуқлар, аждарҳо ва гумонларни ўлдиради.

## **Мастин Кипп**

Агар қўрқувсиз ҳаёт кечирмоқчи бўлсанг, ҳеч қачон қулайлик зонасини тарқ этма. Асло бунга йўл қўйма. Агар равнақ топиб, баҳтли бўлмоқчи бўлсанг, қулайлик зонасидан чиқишингга тўгри келади. Демак, агар қўрқсак — бу яхшилик эканини тушунишимиз керак.

Қулайлик ҳудудидан чиқадиган бўлсангиз, қўрқувга қарамасдан, у бўйнингизга маҳкам ёпишган жойи бўшашибди, жасурлигинги эса ошади.

Дадиллик сўзи “кураж” — мардлик дегани бўлиб, французча “сœur” сўзидан олинган, бу эса “юрак” маъносини билдиради. Сиз ҳис қилаётган қўрқувга қарамасдан, бирор нарса қилганингизда юрагингизнинг ичидаги кураж кўтарилади. Жасорат қўрсатишнинг йўли шу. Тескарисига эмас, оддин жасорат йигиб, сўнг ҳаракат қилмайсиз. Жасоратни ўстирингиз, илгари қўрқинчли деб ҳисоблаган нарсалар энди қўрқинчли ҳисобланмайди.

### Лейн Бичли

Агарда сенда мақсад қўйишида жасорат етишса, сўнг унга интилиб, етишишга қатъий ишонч бўлса, ўз қулайлик зонасидан ҳар куни чиқишингта тўғри келади.

### Мастин Кипп

“Қўрқ... аммо ҳаракат қил” деган ажойиб китоб бор. Унинг сарлавҳасини ўқидим ва мен ўқиган бор-йўқ нарса шу эди. Менга китобнинг қолган қисмини ўқиши шарт эмас. Ўқимасдан ҳам тушундим. Бу ҳақиқатан ҳам зўр маслаҳат.

### Майкл Эктон Смит

Мени илгаридек кўп нарса қўрқитади. Юзлаб одамлар олдида чиқиши қўрқинчли. Ҳурмат қиласидиган одамингиз билан биринчи марта учрашиш хавотирга солади. Фақат шундай

қўрқитадиган вазиятларга дуч келгандағина чинакам равнақ топиб, ривожланиб, ўзингизнинг кўнглингиздаги орзуингизга етасиз. Бекорга Элеонора Рузвелт: “Ҳар кун битта ўзингни қўрқитадиган қилиқ қил?” демаган. Мен шу фалсафани ёқтираман!

Тайёргарлик қўрқувни камайтиради. Сиз тест, имтиҳон ёки нутқингизга олдиндан қанча кўп тайёргарлик кўрсангиз, шунчалик камроқ қўрқишиングизга осонлик билан ишонишиңгиз мумкин. Ўз ақлингизни бирон қилмоқчи бўлган нарсангизга тайёрласангиз, ишиңгизнинг натижасини кўз олдингизга келтира олсангиз, ҳис қиласидиган қўрқувингиз камаяди. Бу қўрқитадиган ишни бошлаганингиз ҳамоно ўша қўрқув йўқолганини кўрасиз.

Ўз ҳаётимда кўп марта бирон нарсани бажаришдан қўрқиш ўша ишни қилишдан кўра қўрқинчлироқлигига амин бўлганман. Агарда шу пайтда кўз олдингизга келтириш билан шугуллансангиз, оқибати ўзингиз тасаввур қилганингиздек бўлади.

### ТАВАККАЛ ҚИЛИБ

Биз “Сир” фильмини тайёrlаётган пайтимизда ўз компаниям, мартабам, оилам, обрўимни ва бор нарсаларимни, ниятимни рўёбга чиқариш учун гаровга қўйдим. Чунки орзуим ушалишини билардим.

### **Г.М. Рао**

Чиндан ҳам ўз орзуимга етишиш учун таваккал қилдим. Йигирма беш ёшимдаги маблаг, ҳозирда бор маблагимдан юқори эди. Фаровонлик учун хаёлий ишончимга асосланиб ишлардим.

### **Майкл Эктон Смит**

Таваккал жуда муҳим. Бемаъни ва ақлсиз таваккални назарда тутмаяпман, уларнинг натижаси қандай бўлишини билмайсан, аммо кўпинча иш барбод бўлади. Мен бизнесдаги фалсафамга озгина пул тикаман. Ўхшаса, биз кўпроқ пул тикамиз, агар йўқ бўлса, аввалги ҳолатга қайтамиз.

### **Анастасия Соаре**

Албатта, бу қўрқинчли. Аммо мен таваккалчиман. Агар ҳаётда таваккал қилмасангиз, у ҳолда қанчалик кучли эканингизни билмайсиз. Иккинчидан, ҳеч қачон ўスマйсиз.

Қаҳрамонлик саёҳатингизда шундай дақиқалар бўладики, таваккал қилишга мажбур бўласиз. Агар қўрқиб кетган бўлсангиз-у, аммо бу тўғри қадам эканини билсангиз, олга! Таваккал қилинг. Аммо қўрқсангиз ва бу қадамнинг тўғрилигига шубҳа қилсангиз, қайси йўналишда ҳаракат қилишни билмагунингизча уни бажарманг. Шубҳа қилаёттанингизда ҳаракат қилманг.

## **Пит Кэрролл**

Мен Жанубий Калифорния университети командаси сафида здим, тўққиз йил давомида ҳаётдан тўлақонли роҳатланиб яшаганман. Биз ҳамиша голиб эдик, анчагина рекордлар ўрнатгандик. Сўнг менга МФЛга ўтиш имконияти берилиб, ҳаётимнинг энг яхши лаҳзалирини қолдиришга тўгри келди. Бу қачонлардир борган жуда улкан таваккалым эди ва муваффақиятга эрищдим. Аммо бу мусобақалашиш учун яхши имконият бўлиб, катта қийинчиликлар ундан ҳам кўп эди.

## **МИННАТДОР ҚАЛБ**

### **Г.М. Рао**

Миннатдорлик — бу орзуингизга эришишнинг қалитидир: бор нарсангга ва энди кела-диганига шукур қил. Бу ижобий фикрлаш учун биринчи қадам, “Бу оламда ҳаммаси яхши” деган таскин бизга Коинотнинг фаровонлигини қабул қилишга ёрдам беради.

Миннатдорлик қаҳрамонлик саёҳатида жуда муҳим. Бу осойишта, камсуқум сифат, аммо бир пайтнинг ўзида жуда ҳам қудратли. Миннатдорлик — бу меъёрлаштириш, шу билан бирга сенинг қаҳрамонлик саёҳатингни тезлаштирувчиidir. У туфайли ажойиб вазиятларни бошингиздан кечиришингизга тўгри келади.

### **Лейн Бичли**

Мен миннатдорликка астойдил ишонаман, чунки у ҳамма нарсанни жой-жойига қўяди ва ҳозирги вақтда мавжуд бўлишни таъминлайди. Сен шукронга келтирганингда, Коинот сени яна ҳам катта баҳт ва шукроналик келтириш учун янги сабаблар билан таъминлаши ҳайратла-нарлидир.

### **Анастасия Соаре**

Эрталаб уйгон ва бор нарсангга шукроналик келтир: сен согломсан, юра оласан, кўра ола-сан ва нафас оласан.

Ҳар қандай тўсиқ, муаммо ва қийинчиликларни камайтириш ва ҳатто йўқ қилиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси миннатдорлик ёрдамида бажарилади. Агар муаммога дуч келиб, боши берк кўчага кириб қолсангиз-у, чиқиш йўлини тополмасангиз, чуқур миннатдорликни туйинг, у йўлингизни тозалаб беради. Бу худди миннатдор бўлганингиз учун Коинот сизга “Эркин рухсатнома” ёзиб берган каби бўлади ва барча тўсиқлардан ўтишингизга имкон яралади. Сиз тўқнаш келган тўсиқ бирданига кичрайгани, йўқ бўлганини кўрасиз, йўлингиз тозаланади ёки ҳар бир муаммога ечим топиб, унинг ёрдамида тўсиқларни енгасиз.

### **Питер Фойо**

Нима билан шугулланишингиздан қатъи назар, биринчи навбатда миннатдор бўлишингиз керак. Энг аввало борингизга шукур қилишин-

гиз зарур. Ҳаёттингизда агар қандайдир бойлик-лар бўлса, миннатдор бўлинг ва улар кўпаяди. Қанча кўп миннатдор бўлсангиз, улар шундай фаол равища кўпаяди ва сизга ёқмайдиган одамлар, вазият ва ҳодисалар йўқолади ёки йўқликка равона бўлади. Жуда ажойиб: миннатдорлигингиз қанчалик кучли бўлса, сизнинг фойдангизга бўлмаган нарсалар бугланиб кетади. Мен кўп марта ҳамма даражаларда буни кузатганман.

Агарда ўзингизнинг юрагингизда миннатдорликни тарбияласангиз ва бу ҳиссиётни бутун йўлингиз давомида ушлаб турсангиз, саёҳатингизни анча енгил қиласиз, ҳар қандай қийинчиликлар кўринарли даражада камаяди. Миннатдор бўлмасангиз, Коинотнинг орзуингизни сеҳрли тарзда ёрдам бериш учун ташкил этишаётган ва керакли одамлар билан учраштиришни режалаштираётган имкониятини қўлдан бой берасиз. Унинг ўрнига тошлоқ йўллардан юришингиз ва қўшимчасига қалдан келадиган миннатдорликнинг роҳатини ҳам қўйиб юборасиз.

### Мастин Кипп

Миннатдорликнинг жуда соз жойи сени ўзингдан ташқарига олиб чиқади. Сен ўзингда борига, фарогатингта ҳамда бошқа одамларда фикрингни жамлайсан, бу эса охир-оқибатда ҳар қандай мамнунликнинг манбай бўлиб хизмат қиласиди. Сен миннатдор бўлганингда ўзинг-

**да жамланмайсан. Бу “мен” деб қайғуришни, яъни ўзингни ўйлашни бас қиласди.**

### **Майл Эктон Смит**

**Тўгри ва тескари. Агар сен ёмонликлар ва муаммоларга, қийинчиликларга эътиборингни жалб этсанг, спираль бўйича пастга ва пастга қараб юмалайверасан. Янада зўриқиб, хафа ва баҳтсиз бўласиз.**

### **Мастин Кипп**

**Миннатдорлик ўзини намоён қилиш учун муҳим. Омадли бўлган, аммо ношукур одамларни биламан, уларнинг ўрнида бўлишини истамасдим.**

### **Питер Фойо**

**Мен миннатдорлик — бу фикрлаш ҳолатини доимо ушлаб туриш керак деб ўйлайман. Буни биламан. Худди шундай қилиш кераклигини биламан. Мен миннатдорлик даражамни сақлаб туролмаган дақиқада улардаги фарқни кўраман.**

### **Майл Эктон Смит**

**Руҳим чўкиб кетганида ёки нохуш кунда диванда ўтириб, ўзим миннатдор бўлган нарсалар: соғлиғим, дўстларим ва оиласига шукроналар келтираман. Ўйлашимча, омадли инсонлар мени тушунишса керак.**

**Биз “Сир” фильмни устида ишлаётган пайти-мизда эрталаблари бир марта ҳам ўрнимдан**

ўн-ўн беш дақиқа миннатдорлик билдирилмасдан туриб кетмасдим.

### **Питер Фойо**

Ҳатто компьютеримга ўрнатилган паролим ҳам бор нарсаларим учун баҳтли ва миннатдор эканимни эслатиб турувчи сўзdir.

### **Питер Бурваш**

Онам менга ўргатган муҳим нарсалардан бири, беш ёшимдан бошлаб, ёзиши ўрганиб олганимдан кейин Янги йил куни, токи ҳар бири менга совға берган одамларга миннатдорлик хатини ёзиб тутатмагунимча хонадан чиқиб ўйнашимга ижозат беришмасди. Ҳозирги кунгача кимгadir миннатдорлик билан хат ёзиши қатъий равища канда қилмайман.

### **Лейн Бичли**

Тахминан бир ой олдин мен серфинг билан Нусда шугулманаёттандим ва тўлқинлар жуда чиройли, океан эса илиқ ва ишакдек эди. Ўзими ни шундай хотиржам сезардим ва роҳатланардим. Шунда ажойиб миннатдорлик ҳисси бутун юрагимдан чиқаётганини сездим, ўрнимдан қўзгалмасдан туриб олдимдаги уммонга тикилиб қараб: “Бу шундай ажойибки!” дедим. Бирданига катта тўлқин қаердандир пайдо бўлди, атрофда мусобақалашадиган ҳеч ким йўқ эди. Тезда уни эгарлаб олдим, ахир у ҳаётим давомидаги энг узун ва энг яхши тўлқин эди. Охирида уммонга қараб: “Раҳмат сенга”, дедим.

Миннатдорлик бутун ҳаётингни ўзгартириб юборишга қодир эканини токи миннатдор юракка эга бўлмагунча англай олмайсан. Миннатдор бўлганлар уни мақтаб, эшлишиларига умид қилиб куйладилар.

### Лиз Мюррей

Онамни дағн этиб, дўстимнинг уйига бордим ва унинг меҳмонхонасида ўтиргандим. Дўстим Бобби менга онаси кечки овқатни куидириб пиширганидан шикоят қилди. Бошқа дугонам ўз ишхонасидаги бошлиқдан, бошқаси мактабдан ҳайдашгани учун. Уларга қараб туриб, онамни тобутда кўргандай бўлдим ва қанчалар баҳтли эканимизни англай бошладим. Бизнинг омадимиз чиндан чопган. Биз соғломмиз. Биз тирик эдик. Миннатдорлик — бу бор нарсангга шукроналик келтиришдир, буларнинг ҳаммаси бўлмаслиги мумкин эди. Ўзимнинг бойлигимни кўрдим, нафақат тирик ва ёш эдим: менинг жуда яхши дўстларим бор эди. Биз мукаммал бўлмасак ҳам бир-бirimizни яхши кўрамиз. Бир хил кунлари мен уларницида диван ёки ерда ётиб қолган кунларим бўлган. Ахир, подъездлар ёки паркларда тунаган кунларим кўп бўлган, аммо ўлим ҳавф солмаган. Бутун сайёрадаги одамлар ҳақида ўйлаганда, уларнинг бошидан кечирганларини тасаввур қиласман, қашшоқлик ҳақидаги тасаввурим уларнинг олдида ҳеч нарса эмас. Менинг яшайдиган жойим йўқ эди, ейдиган нарсам ҳам, аммо ўзимнинг афзал томонларимни англардим.

## ИНТУИЦИЯ

**Питер Бурваш**

Мен бутун дунёдаги етакчиларни ўрганиш учун олти йил вақт сарфладим ва уларнинг 99,9 фоизи мантиқдан кўра интуиция муҳимроқ дейишарди. Мантиқ — бу ўрганишинг мумкин бўлган нарса. Интуиция — бу сенинг ўзинг. Бу амалиётчи бўлишинг шарт эмас ёки мантиқ ва тўгри фикрлаш керак эмас дегани эмаску-я, аммо эммоционал ҳис қилиш жуда муҳим.

“Ўз қалбинг ва ички сезгинг ортидан бориш учун жасоратли бўл. Улар қандайдир тарзда сен чиндан қандай бўлмоқчи бўлганингни билишади”.

**Стив Жобс,  
Apple Йис ташкилотчиларидан бири**

**Мастин Кипп**

Интуиция (ички сезги) — ўз орзуингни борлиқча айлантириш учун сенга керак бўлган асосий восита. Ўз интуициянгта ишонмай, сен яна ва яна омадсизликка учрайверасан.

Интуиция — бу билим учқуни бўлиб, уни қабул қилаёттанимизда жуда кучли ва жозибали ҳиссиёт ҳамроҳ бўлади. Бу ҳиссиёт ҳаётимизда юз бераёттан нимадир билан аниқ тарзда иш тутишимизни, бальзида эса қароримизни бекор қилишимизни таъкидлайди. Бу ҳиссиёт бир онлик ва кучли бўлса ҳам одамлар кейинчалик ажойиб хабар келгани ҳақида гапири-

шади ва ўзларининг онгли ақлига унга қулоқ солмасликни кўндиришга рухсат беришади.

### **Майкл Эктон Смит**

*Мен олтинчи ҳиссиётта қаттиқ ишонаман. Баъзи одамлар интуицияни ҳеч қандай маълумотлар тасдиқламайдиган бемаъни сафсата деб ҳисоблашади. Аммо мен бирор нарсаси бордир деб ўйлайман. Чунки бизнинг онг остимиз онгимизнинг ўзидан кўра кўпроқ илиб олади ва биз у билан бутунлай бошқа тарзда — инстинктларимиз орқали гаплашамиз. Сизда қандайдир одам ёки вазият ҳақида ҳиссиёт пайдо бўлса, унга қулоқ солиш жуда муҳим. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, у ўзини оқлаган ҳолатлар кўплаб учрайди.*

*Фан ҳалигача интуиция нима экани ва қаердан келишини аниқламаган бўлса ҳам қадими билимларда интуиция анча юқоридан, бутун Коинот онгидан келадиган билим экани айтилади. Бу билимлар тебраниш ёрдамида бизнинг онг остимизга узатилади. Сўнг бу тебранишлар мияга узатилади ва алоҳида танадаги эндокрин безлари уни қайта, биз тушунадиган қилиб ишлаб чиқади. Бу баъзида интуитив импульс сезаётганимизда қорин ва юрак атрофида ҳис қилаётган таассуротнинг келишини тушунтиради.*

Оддий қилиб айтганда, интуиция — бу Коинотнинг хабариdir. Коинот ўз ақли нуқтаи назаридан оддинда нима кутаётганини аниқ тафсилотлари билан кўради ва сизни алоҳида

йўлдан юришга илҳомлантиради. Сиз бу хабарни олганингизда қайта ўйлаб ўтирунган. Сизда унга қарши далиллар борлигининг аҳамияти йўқ. Ўз интуициянгизга ишонинг, Коинот сиз борадиган йўлни билади.

### **Жон Пол Дежорна**

*Мен одамларни ишга қабул қилишда уларга нисбатан ҳис қилган интуициямга таянаман. Агарда иш вазиятида бўлсам ва бизнес билан шугулланишим арзигулигини тушунмоқчи бўлсам, интуициямга қулоқ тутаман, уни қалбан ҳис қиласман.*

### **Лейн Бичли**

*Биз интуициямиз муҳимлигини яхши баҳолай олмаймиз. Чунки ўз инстинктларимизга ишонишни билмаймиз. Ўз интуициямга қулоқ тутмаганим учун энг катта хатоларни қилганман. Баъзида қулоқ солганман-у, шубҳалангандан. Унга ишонишни ўрганиш муҳим.*

Сиз бошқалар каби интуициянгизни тушумаган ҳолда ўчириб қўйишингиз мумкин, аммо бошқатдан интуитив қобилияtlарингизни уйғотса бўлади. Ўз интуициянгга қулоқ тушибингнинг ўзиёқ уни мустаҳкамлайди. Айнан шу туфайли муваффақиятта эришган одамлар кўпроқ ички ҳисларига катта аҳамият беришлирини биламиз. Улар интуициясига ишонганлар, йиллар давомида унинг кетидан эргашиб, унга монанд ҳаракат қилишган. Шу сабабли уларнинг интуитив қобилияtlари янада кенгайганди.

Күпчилик омадли одамлар ҳар бир қарорни ич-  
ки сезгиларини тинглаган ҳолда чиқарадилар.

### Ләрд Гамильтон

Ҳар сафар менда инстинктив ҳиссиёт пайдо  
бўлганида унга монанд иш тутаман. Интуиция-  
га кўра иш қилаёттанингни тушунганингда, бу  
ундан ҳам яхшироқ чиқиши қизиқ. Ҳақиқат-  
да эса бу ҳаётий кўникма, уни ривожлантириш  
мумкин.

Интуицияга оддийгина ишониш ва унга риоя  
қилишдан бошқа ўз интуитив қобилиятингни  
кучайтиришнинг яна бир йўли бор. Савол бе-  
ринг! Савол бера туриб, ўз интуициянгиз ор-  
қали жавоб оласиз. Тез жавоб олишни билга-  
нингиз учун оддий саволлардан бошлишингиз  
керак. Масалан, у одам соат нечаларда келар  
экан? Ёки у одам бугун қанақа рангли кийим  
кийиб келаркан? Телефон қўнғирогини эшиг-  
ганингизда ўзингиздан: “Ким менга қўнғироқ  
қиласпти экан?” деб сўранг. Кўпинча ақлингиз  
жавоб беради, аммо аниқ амалиётда уни ўчи-  
ришни, ўрнига интуитив тўгри жавоб олишни  
ўрганасиз.

Саволларни қўйиши ёки қарорни қабул  
қилишни сўраш худди ўша жараённи қўзгайди.  
Сизга жавоб келганида, у тескари йўналишда  
бўлади: Жавобингиз Коинот ақлига жўнатила-  
ди. Балки энди бу қандай юз беришини тушу-  
нарсиз — тадбиркорлар дунёга керак бўлган  
идеал гоя ҳақида сўрашганида, уларнинг фикр-

лари равшанлашади ва оламга ҳозир керак бўлган нарсани беришади.

Ўз интуициянгизни мукаммаллаштириб, кўп ва янада кўпроқ интуицион импульс ва алоҳида ҳаракатлар учун стимуллар ола бошлийсиз, улар тўгри бўлиб чиқса, кўпчилик муваффақиятли одамлар сингари ўз интуициянгизга ишонасиз ва бу сизнинг энг қудратли қобилиятингиз эканини билиб оласиз.

## ҚАҲРАМОННИНГ ЙУЛИ ОЛТИН ҚОИДАСИ

### Лэрд Гамильтон

Менинг онамга: “Фалон журналнинг мувқовасида чиқибман” ёки “Шундай рекорд ўрнатдим”, десам, у “Ажойиб! Сен одамларга қандай муомала қиласан?” деб жавоб берарди.

### Питер Фойо

Бошқалар билан худди ўзингта қандай муомала қилишиларини истасанг, шундай муомала қил. Сен билан қандай муносабатда бўлишиларини истасанг, сен ҳам шундай муносабатда бўйл.

Агар биз ўз қилмишларимизнинг оқибати нима бўлишини билмаганимизда, хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, ҳеч қачон ҳеч нимага ўргана олмасдик ва ривожланмасдик. Қизиб турган темирга тегиб кетсангиз, иш кунини ухлаб ўтказиб юборсангиз ёки телефон тўловини тўламассангиз оқибати нима бўлишини биласиз. Аммо кўп одамлар биз сезган энг жиддий оқи-

батлар бошқа одамлар билан муносабатимиз тарзи туфайли юз беришини билишмайды.

### **Пит Кэрролл**

Бошқалар билан қандай муносабатда эканимиз жуда мұхим. Бизнинг дастуримиз принципларидан бири ҳаммага нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишимиздир. Сени ўраб турғанларнинг ҳар бири билан қандай муносабатда эканингни доимо кузатишинг керак. Бу сени бормоқчи бўлган жойингта олиб бориб қўяди.

### **Жон Пол Дежориа**

Атрофингиздаги одамлар билан ёмон муносабатда бўлиш сизнинг фойдангизга эмас. Кўпинча яхши йўл тутаяпман деб ўйлаймиз, аммо ундай эмас. Одамлар билан ёмон муомала қилманг. Бу сизни тўхтатиб туради. Олтин қоидани эсда тутинг: “Бошқалар сиз билан қандай муносабатда бўлишини истасангиз, сиз ҳам бошқаларга шундай муносабатда бўлинг”.

*Мұхим одам бўлиш яхши, аммо яхши одам бўлиш анча мұхимроқ.*

**Рожер Federer,  
теннис бўйича чемпион**

Агар одамларга ёмон муомала қилсангиз, ҳеч қачон чин баҳтга эришмайсиз. Ҳаммамиз ўзаро боғлиқмиз: битта оила аъзоларимиз ва Конинот барчамизга тегишли.

Агар бошқа одамга зарар келтирадиган бўлсак, бунинг оқибатида Коинотга зарар келтирамиз. Бу эса катта хато, жуда катта хато!

### **Майкл Эктон Смит**

Ўзинг тўгри деб ўйлаганингдек йўл тут, бу ҳаёт бўйлаб боришининг энг тўгри йўли. “Марҳамат”, “раҳмат” дейиш ва бошқаларни ҳурмат қилиш, муҳтож бўлганларга ёрдам бериш жуда муҳим.

### **Жон Пол Дежория**

Кейинги қоида — мишишлар тарқатма. Сен ҳақиқатни билмайсан. Бу атрофга ёйиш мумкин бўлган яхши тўлқин частотаси эмас. Яхшилик ярат. Агар салбийликни яратсанг, улар сени ва атрофдагиларни секинлаштириб қўйишиади.

Агар бирон кишига совға берган бўлсангиз-у, у эса сизга қўпол муомала қилиб, бунинг устига “раҳмат” демаган бўлса, совғангиздан миннатдор бўлмаса, кейинги сафар унга ҳеч нарса совға қилмайсиз. Шу тарзда бошқа одамларга қўполлик қилсак, миннатдорлик билдириласак, ёмон муомала қилсак, биз ҳам ҳаётдан омад каби совғалар, баҳтли тасодифлар ва аъло имкониятларни олмаймиз. Агарда вазиятта қарамасдан, кишиларга меҳрибон бўлсангиз, Коинот сизга меҳр билан ҳақ тўлайди. Шунчаки ҳар биримизга ҳаёт шундай ташкил қилинган.

## **Лэрд Гамильтон**

Ажойиб нарса: сен бошқаларга қанча кўп берсанг, қанчалик сахий бўлсанг, улар ҳам сенга шунча беришади, сенга ҳам сахийлик қилишади.

## **Лейн Бичли**

Шу ҳақиқатни англаки, сен томондан қилинган ҳар бир танлов, ҳар бир айтилган сўз бажарилган ҳар бир иш ўз оқибатларига ва бошқалар учун таъсирга эга.

## **Пол Орфала**

Мен кармага ишонаман. Оламга берганинг ўзингта қайтиб келади. Бошқача сўз билан айтганда — яхши ишлар қил. Ҳар доим ўз тўловларинг бўйича тўла.

Ньютоннинг учинчи қонуни (ҳаракатта қарши ҳаракат) ёки карма — буни ҳар биримиз қандай аташни афзал кўрсак, шундай атаймиз. Бу мен анча йиллардан бери биладиган нарсам. Уни сабаб ва оқибат қонуни дейман: биз оламга бераётган қувватимиз ўзимизга қайтиб келади. Бошқача айтганда, мева урганинг ичига жойлашган. Олма экиб, авокадо ўсиб чиқишини кутиш керак эмас. Ҳаётинг оқибатлари қилаётган ишинг ва ўзингни қандай тутишингта қараб ҳосил беради.

**Том Шедъяк,  
кинорежиссёр**

## **Питер Бурваш**

*Күплаб кишилар “Мен кармага ишонмайман”, дейди. Аммо гап ишонасизми ёки йүқлигида кетмаяпти. Бу бари бир бўлади.*

Қаҳрамонлик саёҳатингиз бўйича қанчалик олдинга борсангиз, шунчалик равнақ топасиз ва онгингиз ўсади. У шу даражада ривожланадики, илгари қабул қилолмаган нарсаларингизни ҳар кунлик ҳаётингиздан четга чиқсан ҳолда қабул қила бошлайсиз. Кимга нисбатан яхшилик қилсангиз, унда сиз билан ҳам қандайдир ижобий ҳодиса юз беришига гувоҳ бўласиз. Бошқа бировга ёмонлик қилсангиз, сиз билан ҳам ёмонлик содир бўлишини кўрасиз. Ҳаётнинг қандай тузилганини ўзингиз ва атрофингиздаги одамларнинг ҳаракатлари натижаси эканини кузатасиз. Қолипларни кўрасиз, ички механикани, ҳаёт ритмини ва зулматда кўрмаганларингизни энди аниқ кўра бошлайсиз.

## **Лэрд Гамильтон**

*Менда бир тұхфа бор. Уни бир онлик кармадеб атайман. Агар бирон кимсага ифлос гапни гапирсам, шу заҳоти бармогим ёки оёгим, ё бўлмаса бошимни уриб оламан. Ёмон қилмishim туфайли бир зумда жазо оламан. Шу бир зумлик жазо менга ижобий феъл-авторли киши бўлишни ва гап-сўзимизни назорат қилишини ўргатади. Кимгадир ёмон гап айтиб дилини оғритиб ёки ножўя қилиқ қилиб океанга чиқсам, тўлқинлар мени парчалаб ташлай дейиша-*

*ди. Бошқа сафар кенг феълли ва меҳрибон бўлиб океанга чиқсан, совға сифатида ажойиб серфинг оламан.*

### **Г.М. Рао**

*Тадбиркорликдаги мақсадим молиявий даромадда чекланмаган. Ўйлайманки, мен ўз кармам сифатида жамиятта давомли таъсир ўтказишни олий мақсад қилганман. Бизнес — бу жамиятта хизмат қилиш ва жамиятта сарф қилган қадриятларга пропорционал бориши.*

Бошқа одам ҳақида ёмон гапирганингизда қувончни ҳам, бахтни ҳам сезмаслигингиизни биласиз. Бу даҳшатли ҳиссиёт сизга ҳаракатингиз ичингиздаги Қаҳрамонга мос тушмаслигини кўрсатади. Бу ҳаракатингизнинг оқибати сизнинг руҳий ва жисмоний саломатлигингииз ва бахtingизда намоён бўлади.

### **Анастасия Соаре**

Бошқа одамларга нисбатан ёмон ҳаракатлар қилмайман, ўз манфаатимга кўра иш қилмайман. Агар шунга йўл қўйсан, жуда хафа бўламан ва бу ҳиссиёт ич-ичимдан кемира бошлиди. Бу ҳаракат менга нолойиқ деган туйғу вужудимни қамраб олади. Мен бошқа бирорга нисбатан нотўгри йўл тутсам, ўзимга катта зарар етказган бўламан. Агар бирорта яхши иш қилсан, қувонч ҳиссини туяман ва менга бошқа ҳеч нарса керак эмас.

Яхши иш қилганингизда, ижобий қувват тарқаттанингизда ўзингизни баҳтли ҳис қиласиз. Одам деган мавжудот шундай яратилган. Шунинг учун карманинг мақсади (агар унда мақсад бор бўлса) бизнинг ижобий қувватимизни сарфлаш эвазига бошқа ижобий қувватни олишдан иборат эмас. Мақсад ижобий қувватни сарфлаш ва ҳаётга тўгри ёндашишдир. Ҳақиқий иш мана шундай кўринишда бўлади. Шунинг учун ҳақиқий инқилоб бу шахсий инқилобдан иборатдир.

**Том Шедъяк,  
кинорежиссёр**

## **ИТОАТКОРЛИК**

### **Лейн Бичли**

Агарда қаҳрамонлик саёҳатини бажараётган бўлсангиз, ҳақиқий итоаткорлик туйгусини сақлашингиз муҳим.

### **Питер Бурваш**

Буткул итоаткор бўлинг. Агар шундай итоаткор бўлсангиз, тинглайсиз, тинглаётган бўлсангиз, ўрганасиз, агар ўргансангиз, ўргата оласиз.

### **Мастин Кипп**

Ўқитувчим менга: қанчалик юқори кўтарилсанг, шунчалик камтар бўлишинг керак, дерди. У, итоаткорлик — доимо камсуқум бўлиб қолишишдир, дерди. Бугун бестселлер асар ярат-

*ганингнинг ўзи омадинг чопганини, бу муваффақиятингни кафолатлаганини билдиради.*

### **Пол Орфала**

*Отам доим менга: маглубиятнинг асосий сабаби аввалги муваффақиятлар бошига ургандир, дерди.*

Биз қаҳрамоннинг йўлидан боришимиз — бу бизнинг ҳаракатимиз билан ва бошқалар билан қандай муомала қилаётганимизда белгиланади. Қаҳрамон меҳрибон ва камтар бўлиши керак, шунинг учун қаҳрамоннинг йўли — раҳмдиллик ва итоаткорлик йўли. Ҳаракатларимиз биз учун ё бизнинг саёҳатимизда ўз орзуларимиз сари олдинга қараб тезлаштирадиган ёки орқага қараб улоқтирадиган трамплин бўлади. Танлов ўзингизда.

### **ҚАТЪИЯТ**

#### **Анастасия Соаре**

*Ниятим ва қарорим шунаقا эдики, агар эшик ёпиқ бўлса, уни бузиб кираман ёки деразадан сакраб тушаман. Буни содир бўлишига мажбур қилолмаслигим ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди.*

Агар жуда истасангиз, бирор нарсага тезлик билан қарор чиқарасиз. Бу ҳақида ўйлаб ўтирмайсиз, бошингиз билан унга шўнгийсиз. Сиз кўрмоқчи бўлган кинофильмни кинотеатрга бориб кўриб келиш учун алоҳида ҳара-

кат қиласиз. Севиб қолсангиз, у одам билан учрашмасдан туролмайсиз.

### Лэрд Гамильтон

Биз шугулланадиган спорт турларининг характерли томони — улар катта қатъийликни талаб қиласди. Худди тўлқинни эгарлаб олганга ўхшайсиз ёки йўқ. Ҳар бир тўлқин ва ҳар бир сирпаниш — бу ишонч ва қатъият. Шунда сакрашга қарор қиласиз.

Лэрд Гамильтон қатъиятнинг нафини билади. Агар сизга қарорингизни қучайтириш учун илҳом керак бўлса, Лэрд Тихупу ва Таити денизининг энг хавфли тўлқинида серфинг учганини кўринг.

Дунёдаги энг катта тўлқинлар пайдо қилувчи машҳур жой Тихупу бўлиб, 21 фут баланддикдаги (6,4 метр) тўлқинларни тўхтовсиз ҳосил қиласди — улар қаттиқ, худди тош уйга ўхшашиб, четлари майда ва устара каби ўткир рифлардан иборат. Тихупу тўлқинини ягона усул билан: гидроцикл ҳайдовчиси серферни шатакка олади, керакли нуқтада сўнг серфер трассни тушириши керак, шунда ўз-ўзидан тезлик ошади.

Лэрд трассни туширганида орқасида кўтарилаётган икки қаватли даҳшатли тўлқинни кўрди. У тўлқин кучидан тўғри фойдаланиши тўғрисида қарор чиқариш учун бир неча сония вақти бор эди, холос. Агар Лэрд қарор чиқаришда кечикса, сувнинг тоғдек тўлқини тагида қолиб ҳалок бўларди.

Аммо Лэрд Гамильтон имкониятдан түгри фойдаланди ва серфинг тарихига кирди.

### **Лиз Мюррей**

Қарор чиқаришда бир нарса зарур: ҳозирги пайтда ниманг бўлишидан қатъи назар сен ўйлаган ишингни бажар. Агар сенга нимадир етишмаётган бўлса, “Мен буни бажаришим учун у-бу нарса керак” дейсан ва қулай вақт кутасан. Қулай вақт бўлмайди.

Қулай вақт келажакда ҳеч қачон бўлмайди. У ҳозир бор. Сенинг тўлиқ қароринг — ўз орзунинг эшигига очқичдир. Бу ҳеч қачон бошқача бўлмайди. Қарор чиқармагунингча деворларни кўрасан.

### **Майл Эктон Смит**

Сиз бутун қарор чиқаришингиз керак. Яримта қарор қабул қилиш мумкин эмас. Ростакамига қарор қилсангиз, танангиздаги ҳар томирингиз, онг остингиз ва ақлингиз уйгоқмисиз ёки ухляяпсизми, эришмоқчи бўлган ишингиз учун ишляяпти.

### **Лэрд Гамильтон**

Қарор қилганингизда вазиятлар сиз томонда бўлади. Сиз: “Мен шундай ақллиман, шу ҳақида ўйлагандим”, дейсан. Аммо ҳеч ким шунчалик ақлли бўлмайди. Бу тарзда бўлиши бундай бўлиши мумкинлигига ишонганингиздандир.

### **Лейн Бичли**

Бирданига қаердандир йўлбошчилар пайдо бўлиб, Коинот сени таъминлай бошлиайди. Худди машҳур мақолда айтилгандек, ўқувчи тайёр бўлганида ўқитувчи келади.

### **Мастин Кипп**

Агар ўз орзунингга содик бўлсанг, эшиклар очилади. Мен ҳақиқатан ҳам эшиклар доим бўлади, аммо уларни тўлиқ қарор чиқарганингизда кўрасиз деб ўйлайман.

### **Г.М. Рао**

Қатъиятим ишончга айланганида эшиклар очилди. Мен бу онни аниқ айтишим мумкин: Деҳлида аэропорт қуриш учун талабнома берганимизда бу амалга ошган. Биз дунёдаги энг яхши аэропорт қуришга қарор қилдик. Бу бизнинг орзуимиз эди. Лойиҳа дунёдаги энг яхши аэропорт қурувчиларини қизиқтириб қўйди ва пудрат бўйича келишувлар жараёни жуда мурракаб ва мashaққатли бўлди. Биз тайёргарлик кўрдик ва энг чуқур билимга эга шерикларни, билимдон эксперталарни жалб қилдик ва конкурс учун далиллар келтириб, асослаб берадиган жамоани таклиф қилдик. Дунё бўйлаб замонавий аэропортларни бориб кўрдик ва уларнинг тажрибасини ўргандик. Ўз йўлимиздаги ҳамма тўсиқларни енгиб ўтдик ва етарли даражадаги техниковий малакали пудратчилар ичида ягонасига айландик. Аммо бу билан бизнинг йўлимиз тутамади. Келишувлар жараёнида ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш ке-

рак бўлди ва иш мамлакатнинг олий судига-ча борди. Бу билан боғлиқ масалалар шундоқ ҳам сиқилган муҳлатни янада шиғдатли қилди. Аэропорт дунё бўйича катталиги жиҳатдан бешинчи ўринда туриши керак эди. Унинг атро-фидаги шароит жуда мураккаблашди, 58 та вазирликлар билан ўзаро мослашиш керак эди. Биз лойиҳани бошлишимиз билан ҳаммаси ўз ўрнига тушди ва молиялаштириш 2,5 миллиард долларга тушди, 40000 ишчи, муҳандислар йигирма етти мамлакатдан биргалиқда лойиҳани, дунё учун рекорд бўлган муҳлатда — ўттиз етти ойда тутатиши зарур эди. Коинот бизнинг қатъиятимизга ва дунёдаги энг яхши аэропортни қуриш орзусига ижозат берди — ўз мақсадимизга етиш йўлини чарогон қилди. Бугунги кунда бизнинг аэропорт 199 та аэропорт ичida тўртинчи ўринда туради.

Биз ўз орзусига қараб интилаётган одамни кўрганимизда, унда буни қилиш учун алоҳида имтиёзлари бордир деб ўйлаймиз. Бироқ бу хато. Ҳақиқатда эса ҳаммаси тескариси бўлиб чиқади: айнан сен орзулар сари сакрамоқчи бўлганингда ва қаҳрамонлик саёҳатига отланганингда имтиёзлар пайдо бўлади.

Ўз орзунингга содиқ бўлсанг, орзунингга эришиш йўлида сенга ёрдам бермоқчи бўлган ҳар бир одам, аниқ керакли вақтда, керакли жойда, сен учун зарур бўлган вақтда энг зарур нарсалар билан таъминлаш учун Коинотдан юбориlgандек туйилади.

## ҚАТЪИЯТЛИК ВА КОИНОТ

Қизимнинг дўсти ишончли ва хавфсиз ишда ишларди. 15 йил узлуксиз астойдил яхши ишласа, амал зинапоясидан кўтарилишини биларди. Аммо бу орзу қилган иши эмасди. Жуда астойдил меҳнат қиласади, аммо дунёда энг яхши кўрган иши серфинг билан шугулланишга имконияти бўлиши керак эди. Шунда йигитча жиддий қарор қабул қилди. Ўз орзуси кетидан боришни танлади.

Бир неча ой давомида ўз корпоратив оламидан кетиб, орзусини амалга оширишни — серфинг учун тахталар тайёрлашни орқага сурaverdi. Ўзи аниқ режалаштирган куни ишдан бўшаши ҳақидаги аризани топширди. Унинг орзусидан бўлак ҳеч нимаси йўқ эди, унга Коинот мана шундай яхши қунларни тайёрлаб қўйган экан.

Бир омадли маҳаллий уста унга серфинг учун тахталарни қандай тайёрлаш кераклигини кузатишга рухсат берибди. Бошқа уста текинга унга шейпинг машгулотларини ўтишни ҳамда янам пулни тежаш учун ускуналарни қандай тайёрлашни ҳам ўргатибди. Графика дизайнери унинг янги бизнеси учун логотип тайёрлашга ёрдам берди, ундан ҳақ олмади. Серферлар сотадиган дўкон унинг учун зарур бўлган товарларни кўтара нархда сотишга рози бўлибди.

Отаси унга керакли ускуналарни, ёритиш анжомлари, стеллажларни берибди. Шунингдек, унга яна Калифорния қирғоғидан, океан кўриниб турадиган жойдан устахона учун

ижарага бино беришибди. Бундан яхшиси бўлмайди. Қаерга бормасин, ундан серфинг учун тахта тайёрлаб беришни илтимос қилишади.

Буларнинг ҳаммаси икки ҳафта ичида содир бўлди. Коинотнинг сафарбар қилувчи кучлари шундай, орзингизга қатъий интилсангиз, бахтингиз кетидан эргашаётган пайтингизда сизга имтиёзлар ёғилиб келади.

### **Мастин Кипп**

Агарда орзинг бўлса, ўзингга *Б* режасини тайёрлама, акс ҳолда ҳаммаси *Б* режаси билан тугайди. Сен бор кучингни *A* режасига сарфлашинг зарур. Бутун муҳаббатингни, ишончингни, қувватингни, интилишишингни шунга бағишила.

### **Лэрд Гамильтон**

Сенда захира режа бор: нима содир бўлмасин, танда жонинг бор экан, режангдан умид узмасанг ҳам бўлади. Аммо сен бу захирадаги режага жамлансанг, айнан у сенинг режангта айланади.

Ўзингизни хотиржам қилувчи хаёлий "эҳтиёт тўсиги"ни яратиб қўйишингиз мумкин, шунда нима бўлса ҳам сиз керакли жойда бўлишингизни биласиз. Агарда жиддий равища *Б* режасини тузсангиз, айнан шу режа онг остингизда ўрнашади. Ўзингизнинг барча дикъатингизни *A* режасига тўпланг, шунда у амалга ошади.

## **ИНТИЛИШ**

**Лэрд Гамильтон**

*Орзунгизга интилишда қүркмас ва букил-  
мас бўлишингиз керак.*

**Г.М. Рао**

*Мен ўзимга мажбурият олганимда уни ил-  
горлик билан бажаришга интилиш пайдо бўл-  
ди.*

**Пит Кэрролл**

*Ҳамма одамлар ҳам бир хил даражада ин-  
тилмайдилар. Тўсиқлар пайдо бўлганида шуб-  
ҳалар судралиб келади, ҳар ким ҳам чекин-  
маслик учун бир хил қатъият кўрсатмайди.  
Аммо имкониятлар айнан унда бўлади.*

Болалиқда юришни ўрганаётганингизда юз  
марталаб йиқилгансиз. Биринчи марта мус-  
тақил овқатланмоқчи бўлганингизда қошиқ-  
ни кўзингизга, юзингизга, қаерга бўлса ҳам  
олиб келавергансиз. Гапиришни узоқ вақт  
ўзлаштиргансиз, кўп хатоларга йўл қўйган бўл-  
сангиз ҳам бирон марта чекиниш ҳақида ўйла-  
магансиз. Интилиш — бу табиатингизнинг бир  
бўлаги. У ичингизда мавжуд ва уни яна топи-  
шингиз мумкин.

**Майкл Эктон Смит**

*Ичингиздаги ўткир истак — бор кучим би-  
лан енг шимарид бизнесимизни бошлаш учун  
пул жамладик. Бу жуда қийин. Банклар кредит  
ажратгиси келмайди. Аввал бундай иш билан*

шугулланмаган бўлсанг, ҳеч ким пул тиккиси келмайди. Белни маҳкам бойлаб, йўлини то-пиш қудратли куч, у ҳар қандай чекиниш истагидан устун туради, қатъият интилиш билан таъминлайди ва йўлингда пайдо бўлган ҳар қандай қийинчиликни енгади.

Орзунгизни амалга ошириш ўртаёттан бўлса, уни амалга ошириш учун интилиш сизни чулғаб олади. Баъзи бир кунлари қаттиқ чарчайсиз, баъзи кунлар ўзингиздан шубҳаланиб, қилолмайман деб ўйлайсиз — ўткир истак сизни бу кунлардан олиб чиқиб кетади. Биз “Сир” фильмини олаётган пайтимизда истагим ва ишончим шунчалик катта эдики, интилишни қаердан олсан экан деб ўйлаб ҳам кўрмаганман, чунки истагим кучи унга тўлиб-тошганимни кўрсатарди.

### **Анастасия Соаре**

Менга кредит картаси зарур бўлиб қолди. Банкка бордим, улар менда ҳам, онамда ҳам кредит тарихи бўлмагани учун карта очишни исташмади. Мен банк менежерига: “Агар менга ёрдам бермасангиз, қандай қилиб кредит карточкисини очаман? – деб сўрадим. – Менга 500 доллар беринг, сиздан 500000 доллар сўраётганим йўқ-ку. Банкка 1000 доллар қўяман, менга 500 доллар берасиз”. У яна карта беришни истамади. Шунда мен: “Мени эшитинг, ҳозир банкнинг эшиги олдида ўзимни ёқиб юбораман”, дедим. Шундагина у менга 500 долларга

*кредит картасини берди. Шу кунгача ўша банкнинг мижозиман.*

Интилиш ҳам ўзингга бўлган ишончдан пайдо бўлади. Ўзингга ишонганингда сенда табиий равишда интилиш пайдо бўлади. Мураббий ва устозларимиз бизга ижобий таъсир кўрсатишади, чунки улар доимо яхшироқ бўлишимизни ва буни бажара олишимизни айтиб, бизни ҳар қадамда олдинга қараб итарадилар. Уларнинг бизга бўлган ишончи бизни ҳам орзуимизга ишонишга мажбур қиласди. Биз ишонганимизда нимани бўлса ҳам эгаллашга интилиш пайдо бўлади. Балки шахсий мураббийингиз бордир. Ўзингизни ички ижобий монологингиз билан қўллаб туришингиз мумкин, ўзингизга ҳам шуни қила оламан дeng, бундан қийин дамларда ҳам голиб бўлгансиз, сизда бунга керак бўладиган нарсалар бор. Мажбуриятни ўзингизга олинг! Тақдирингиз ўз қўлингизда, сиз албатта галаба қозонасиз! Онг остингиз ҳар бир айтилган сўзингизни эшитади ва буни албатта амалга оширасиз!

### **Мастин Кипп**

Орзулар уругларга ўхшайди, уларнинг унишига ваqt керак. Бу бир лаҳзада юз бермайди. Биз эришишимиз кераклигини унугиб қўйганимиз. Бир онлик қониқишига ўрганиб қолганмиз: менга буни ҳозир беринг, бунинг учун сизга ҳеч нарса қарз бўлмайман, шунчаки буни менга беринг. Орзуларни ишлаб топиш керак. Улар ишлаб топилади. Агар бу бўлмаса, ҳаракат қилишни давом эттиринг.

## **ХЕЧ ҚАЧОН, ХЕЧ ҚАЧОН, ХЕЧ ҚАЧОН ЧЕКИНМА**

### **Лэрд Гамильтон**

Чекиниш — бу жуда осон. Қайтиш — бу де-зиртирлик. “Мен қариман, унақаман, бунақаман”, десангиз, бу шунчаки алоҳида ҳаракат қилмаслик учун баҳона.

### **Пит Кэрролл**

Агарда шаштингиз тушиб кетса, демак, умидсизликка тушибсиз. Доимо умид бўлиши керак. Менга ҳар доим йўлда нимадир яхши нарса учрайдигандай туйилади.

### **Лиз Мюррей**

Ҳатто қизгин интилиш пайтингизда ҳам таслим бўлишни истаган кунларингиз бўлади. Эсимда, бир кун мени миллионинчи марта рад этишганида навбатдаги мактабни рўйхатдан ўчирдим. Жуда хафа ва оч эдим, чўнтағимда ке-йинги мактабгача етадиган пулим бор эди. Шу ерда нимани танлаш кераклиги ҳақида ўйлаб қолдим: пиццами ёки суҳбатга борсаммикан? Ичимда очман ва уйсизман, иш берувчилар мени бари бир рад этишади дея ўйладим. Бирданига орзуим ўйлашга ундади: балки бу сафар мени қабул қиласиган мактаб бўлса-чи? Пицца ҳақидағи фикрларимни йигиштириб қўйдимда, метрога тушиб, мактабга бордим. Мактаб мени ўқишига қабул қилди. Нишонга қандайдир сантиметр қолиши мумкинлигини ҳеч қачон билмайсан. Яна бир марта ҳаракат қилиб кў-

*ришинг керак. Бу сафар иш бермаса, яна ури-  
ниб кўр.*

Сиз икки тарафламали оламда яшаяпсиз, шуннинг учун ҳаётингизда парвозлар ҳам, қулашлар ҳам бўлади. Ҳаётингизда шундай кунлар бўладики, у қандай сабаблар бўлишидан қатъи назар, қайгурасан, руҳан тушасан ва ҳар қандай оддий ҳаракат кишига оғир туйилади. Бу худди сизга қадамма-қадам ботқоқда юргандек туйилади. Бундай кунларда балки ўзингизда кучли интилиш топмассиз.

Эҳтимол, шундай кунларингиз бўладики, ўзингизни ҳаддан ташқари баҳтли ва гайратли, еттинчи осмондагидек, нимага бўлса ҳам эришишга қодирдек ҳис этасиз. Шундай экан, бу қувончли, хушбаҳт туйғу — одамнинг энг олий ва қудратли туйғусидир. Чунки у билан ўзингизни енгилмас ҳис қиласиз, ҳақиқатда енгилмассиз. Қувончга тўлган пайтингизда интилишга тўласиз, чунки баҳтли одам ҳамма нарсага қодир. Роҳат-фарогатингизни топинг, ўз баҳтингиз кетидан боринг. Орзунингизни амалга ошириш учун керакли ҳамма интилишларга эга бўласиз.



### Учинчи қисм

## САЁҲАТ ЛАБИРИНТ

Лэрд Гамильтон

Саёҳатнинг ўзи ҳеч қачон ўйлаганингдек бўлмайди. Белгиланган жой ҳақида тасавву-

*ринг бор, аммо сен ҳеч қачон аниқ йўналишни билмайсан.*

Одамларнинг кўпчилиги ўз орзуларидан уларга интилиб ҳам ўтирасдан воз кечадилар, чунки ўша турган жойдан уларнинг орзузи томон олиб борадиган йўл кўринмайди. Ҳеч қачон босиб ўтиладиган йўлни кўра олмайсиз, шунинг учун айнан орзунгиз қандай қилиб ҳақиқатга айланишини билолмайсиз. Муваффақият қозонган одамларнинг ҳеч бири буни билишмаган. Улар орзуси рўёбга чиқишини билишган ва бу юз бермагунича чекинишмаган.

### **Мастин Кипп**

*Ҳеч қачон ҳаётим ҳозиргидағиdek кўринишини билмаганман. У шундай бўлиши ҳақидағи ҳиссиётни туйганман, аммо айнан шундай бўлишини билмаганман.*

Орзуларинг томон йўл лабиринтдаги келажакка ўхшайди. Кўраётган ҳамма нарсанг кўз олдингда турган икки метр жой. Янги бурилиш ортида, токи қайрилмагунингизча ўзингизни нима кутаётганини билмайсиз, бурилгач, йўлингизда яна икки метр жойни кўрасиз. Баъзида боши берк кўчалар учраб, ортга қайтишингизга тўгри келади, баъзида тўгри кесмалар дуч келади, улар сеҳрли куч каби йўлингизни тезлаштириб беради. Орзуларингиз томон йўл айнан шундай очилади.

## **Лейн Бичли**

Ҳеч ким бутун йўлни кўролмайди. Оддинга бир қадам ташлашинг ва саёҳатни давом эттиришинг керак.

## **Мастин Кипп**

Орзуни рўёбга чиқариш жараёни буткул саргузаштлардан иборат. Истагинг, у ёгида нима борлигини кўриш. Сизни илҳомлантиридиган, сиз ибрат олаётган бирорта одам кафолатланган натижани кутиб йўлга чиқмаган. Балки уларда умумий тасаввур, ният ёки охирги мақсад бўлгандир, аммо унгача қандай боришни тушунишмаган ҳам.

Лабиринт бўйлаб йўл — бу ўзингиз истаган саргузаштнинг ўзи. Ҳаммасини бирданига кўришни истамагансиз, ўзингизни нима кутаётганини тўла англамагансиз ва орзуларингизни бармоқларингизни шиқиллатиш орқали ҳақиқатта айлантиргагансиз. Бу саёҳатнинг қийинчиликларини истагансиз, чунки ҳар бир киши йўлдаги қийинчиликларни енгиш орқали чин баҳтингизни топасиз ва ўзингизни намоён қилишга эришасиз.

## **Анастасия Соаре**

Шундай нарсалар борки, режалаштирганинг каби бўлмайди, ўз стратегиянгни ўзгартиришга тайёр бўлишинг керак — бошқа йўлдан юр. Бу худди лабиринт. Борасан ва боши берк кўчага кириб қоласан. Майли, орқага қайтарсан... ва кейингисига дуч келасан. Аммо орзуинг амалга

*ошиши учун лабиринт сени Z нүқтасига олиб келади.*

Орзуларингиз йўлидан бораётганингизда олдингизда тўсатдан девор пайдо бўлади. Гўё боши берк кўчага кириб қолгансан-у, ҳаммаси тутагандек кўринади. Аммо лабиринтда ҳамиша танлаш мумкин бўлган бошқа йўналиш ҳам бор. Агар омад лабиринт марказида яширинганини билсангиз, сизни кутилмаган бурилиш ва муюлишлар заррача ҳам қўрқитмайди, чунки кейинги бурчакда ҳаммаси юзага келишини биласиз. Айнан шу тарзда орзулар ҳақиқатга айланади.

### **Жон Пол Дежорна**

Ҳаммаси бирданига бўлиши мумкин эмаслигини англа, аммо ҳақиқатан бирон нарса истасанг, дарров бутун масофани босиб ўтасан, унга қадамма-қадам босиб етасан. Йўлинг кичик қадамлардан унади.

### **Лиз Мюррей**

Одамлар кўплаб тўсиқларга дуч келишини тушунаман. Аммо ҳатто энг сиқилган шароитда ҳам бари бир бирон нарса қила оласан. Теодор Рузвельт айттанидек: “Бажара олган нарсангни ўзингда бори билан ўзинг турган жойда қил”. Битта мақсадни, ҳатто анча вақт керак бўлса ҳам қўзлашинг мумкин ва ўзингни унга багишлиш орқали янги ҳаётингни яратасан. Бу голливудчасига томошабоп ва бир зумда бўлиши шарт эмас.

## ҚАДАММА-ҚАДАМ

Саёҳатингиз даврида сиздан талаб қилинадиган нарса — қадам кетидан қадам босиш кераклигини ўзингизга эслатиб туриш. Қадам кетидан қадам ташлаш, бу умуман олганда қила оладиган нарсангиз. Қандай вазиятда бўлганингиз муҳим эмас, бир қадам босиш учун доим кучингиз етади. Агар ақлингизга сизни олдинда кутаётган барча имкониятлардан фойдаланишга имкон берсангиз, бу ҳайратланарли ҳолат бўлиши мумкин. Орзунгизга йўл ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳеч қачон тасаввур қилганингиздек очилмайди, шундай экан, ўзингизни “қадам ва қадам” боришга мажбур этинг.

Бу сўзлар менга “Сир” фильмини суратга олаётган пайтимиизда жуда ёрдам берган. Назаримда орзуим бориши керак бўлган йўлдан чалкашиб кетгандек туйилганида, яна кейинги қадамни босишга уриндим ва шу тарзда қадамма-қадам орзуим ҳақиқатга айланиб борди.

### Лиз Мюррей

Агарда ҳар бир қадамингни кўра оламан деб ўйласанг, янгишасан. Бу хатони ўзимизга зарур деб ўйлаб қиласиз ёки ҳамма нарсани назорат қила оламиз деб ўйлаймиз. Онам аноним гиёҳвандлар жамиятидаги гуруҳга борарди, у ердаги ҳамма одамлар “Худойим, менга ўзим ўзгартира олмайдиган нарсани қабул этиш учун хотиржамлик, ўзгартира оладиган нарсамга жасурлик ва у билан бошқаси орасидаги

фарқни ажратиш учун донолик ато эт" деган хотиржамлик дуосини ўқишиарди. Мана шунинг ўзида ҳаммаси айтилган эди. Тўгри, онами ни ҳаётга қайтара олмадим. Отамнинг ВИЧ касали ташхисини ўзгартира олмадим. Мұхитни бошқара олмасдим. Мен бажара олмайдиган, назорат қилиб бўлмайдиган ишларнинг алоҳида рўйхатини тузиш мумкин. Агарда унга куч сарфлассанг, бекорчи ҳаракат бўлиб чиқади. Унинг ўрнига: "Мен нима ҳам қила олардим", денг.

### Майлк Эктон Смит

Мен бир қадам кетидан иккинчисини босдим, вақти келганида орқага чекиндим ёки боши берк кўчага кириб қолардим. Аммо хаёлингда ўша катта тасаввуринг бўлса ва агар мақсадгача етиб боришингта ишонсанг, вақти келгач буни қила оласан.

Лабиринтни эсланг, якуний бурчакдан қайриласиз ва қарабсизки, манзилга етиб турибиз. Мана шу ерда орзуингиз ҳақиқатга айланади.

Орзуингизни амалга оширганингизда ўзингиз якунлаган саёҳатингизга қараб ҳар бир девор алтернатив йўл топишингизга мажбур қилганини, у эса фақатгина орзуингизга элтибиғина қолмасдан, имкони бор деб ўйлаганингиздан ҳам яхшироғига олиб боради.

Ҳақиқатда эса ҳеч қандай девор йўқ, фақат зоҳиран кўринади. Ҳеч қандай боши берк кўчалар йўқ, фақат зоҳиран кўринишлари бор. У

ҳам, бошқаси ҳам ажойиб орзулар манзилига олиб борадиган айланма йўллардир.

### Г.М. Рао

Саёҳатимда тўртта ўн йиллик давом этаяпти. Кўпинча натижа биз кутгандек бўлиб чиқмасди. Мен эса иккиланмасдан тўхтардим ва йўналишимни бегараз ўзгартирадим. Шунга ужаш воқеа яқинда халқаро электр гигантининг 50 фоизини 1,2 миллиард долларга сотиб олганимизда юз берди. Бирор нарса бошқа томонга ўзгариб кетганида завқландик, интилишларимиз шерикларимизники билан мос келмаганида, бу вақтинчалик тўхталиш бўлиб кўринишига қарамасдан рози бўлмасдик. Лекин ортга назар ташласак, биз унинг ўрнини тўлдирдик. Агар ниятингиз частотаси бор бўлса, Коинот сизни мукофотлаш усулини топади.

Қаҳрамонлик саёҳатининг исталган онида, қатъиятли ихлосингиз қайтиши туфайли ёки бирон нима ўйлаганингиздан бошқача кеттани учун иккилана бошласангиз, бу лаҳзаларда ўзингизга орзунгиз томон шундай усуlda бораёттанингизни ва бу энг яхши натижа таъминлашини эслатиб туринг.

### Мастин Кипп

Тадбиркорлар орасида бурилиш деган атама бор: бурилиш моҳиятан бирон нарса ўхшамайди, мен буриламан — янги нарса ўйлаб топаман ва ўргангандар санадан фойдаланишни биламан. Ҳақиқатда қаҳрамонлик саёҳати

шундайдыр. Нима ҳосил бўлаётганига назар сол, бирон нима ўхшамаса, яна синаб кўр. Натижада қаерга кетаётган бўлсанг, ўша ерда бўлиб қоласан.

### **Жон Пол Дежориа**

Орзулар ўзгаради. Мен шеригим билан 1980 йилларда John Paul Mitchell Systemsни ишлаб чиқара бошлаганимизда орзуимиз қуидагича эди: “Агарда биз йилига 5 миллион ишлаб топа олсак, ҳар биримиз 200 дан 250 мингга эга бўлардик. Бутун ҳаётимизни таъминлардик”. Компаниямиз катта тезликда ўсиб кетгани учун орзуимиз ўзгарди ва ўсиб борди. Шунинг учун бир орзуни амалга оширганингда кейинги орзуга ўтишингни тушуниш муҳим. Бу тараққий топишдир.

Бир нарса борки, қаҳрамонлик саёҳатингизнинг муюлиш ва бурилишларидан ўз орзингиз ортидан кетаётганингизда унга ишонсангиз бўлади. Орзингиз ҳеч қанақасига ўйлаганингиздан кўра кичкина бўлиб қолмайди. У фақат каттароқ бўлади, даражасини ҳатто тасаввур қила олмайсиз ҳам.

### **ҲАР НАРСАГА ШУБҲА БИЛАН ҚАРОВЧИЛАР ВА ИТТИФОҚЧИЛАР**

#### **Питер Фойо**

Ҳаммамиз барча нарсага шубҳа билан қаровчиларга дуч келамиз. Шундай кўламдаги бизнесни ташкил этиш учун энг катта шубҳа билан қаровчилар билан курашганман.

Питер Фойо ҳар томондан шубҳа билан қаровчиларга — инвесторлар, рақиблар, давлат амалдорлари Питернинг орзусини амалга оширишга халақит беришлари мумкин эди. Унинг йўлида дуч келган скептикларга ва қийинчиликларга қасдма-қасд, бугун Nextel Mexico'da 17000 ходимлар, 4 миллион истеъмолчиларни коммуникацион техниканинг охирги сўзи билан таъминлайдиган хизмат кўрсатишиади. Болалигидан эмигрант ишчи бўлган Питер ўзининг улкан Nextel Mexico орзусини беш йилдан озроқ вақтда, атиги ўттиз саккиз ёшида амалга оширди. Питер билан биргаликда Nextel Mexico кейинги ўн йил ичида тез ўсди ва жуда кўп миллиард бюджетли компанияга айланди.

### **Мастин Кипп**

Скептиклар — бу саёҳатнинг бир қисми. Агар муваффақиятли бўлсанг, улкан бирон нарса қилаётган бўлсанг, баъзи одамлар сени севадилар, бошқалари эса сендан нафратланишади. Мен бунда муваффақият белгисини кўраман.

Ҳар бир одам аввал ҳеч ким ҳеч қачон қилмаган ишини қилганида, унинг орзуси амалга ошмаслигини айтадиган юзлаб скептиклар билан учрашадилар. Эдисон бутун хонани ёритадиган қурилма ўйлаб топганини айтганида одамлар унга нима дейишган деб ўйлайсиз? Александр Грэм Bell бир-биридан минг миля узокда турган одамлар, гаплашиш имконини

берадиган қурилма ўйлаб топганини айтганида одамлар унга нима дейишган? Агар орзуинг катта бўлса-ю, атрофингда кўплаб скептиклар бўлса, бу уни қилишинг мумкинлигига далил эканига имонинг комил бўлсин!

### **Анастасия Соаре**

1995 йилга келиб ишим шу даражада кўп эдики, “Беверли-Хилзда шахсий дўконимни очишим керак” деб ўйлардим. Бино эгасининг ёнига борган эдим, у “Эсингизни едингизми? Қош териб бино ижарасига ҳақ тўлаб бўлмайди-ку!” деди. У менга бинони ижарага беришини истамасди. Бироқ орзумандлигимни кўриб, охири рози бўлиб, беришга қарор қилди. У менга: “Майли, сенга олти ой муҳлат бераман”, деди. Биринчи ҳафтанинг ўзида дўконим ёнида навбат қатори пайдо бўлди, бино эгаси менга қўнгироқ қилиб: “Ҳеч қачон бунақасини кўрмаганман. Айнан қош териш билан шугулланаштанингизга ишончингиз комилми?” деди.

### **Лэрд Гамильтон**

Скептиклар доим бўлган. Таъсиран бўлганинг учун доим бироннинг таъсирига тушасан: нима қилмагин, ўша ишнинг қурбонига айланма, бўлмаса улар ўз мақсадларига эришадилар.

Скептикларнинг таъсири самараси сизга боғлиқ. Сиз фақат уларга қандай муносабат билдиришни биласиз. Агар скептик жонингта тегишига йўл қўйсангиз, унда бошқа скептикларга ҳам имкон берган бўласиз. Шундай экан, улар-

га эътибор берманг. Бу скептиклар ўйлаганинг умуман тескариси, аммо унинг ўрнига сўзларини ушлаб туриш сизга янгиланган қувватни киритади. Бу эса фақат орзуингизга эришишни тезлаштиради.

### **Питер Фойо**

Бу скептика деб номланган гаройиб туйғу бўлиб, уни муваффақиятни тезлаштирувчи омил деб қабул қилишдир. Тезроқ баҳтли ва муваффақиятли бўлишинг учун улар сенинг гайратингни қўзгайди.

### **Лэрд Гамильтон**

Мен кўп скептиклардан “ёнилги” сифатида фойдаланганман. Уларнинг “сен бундай қилолмайсан” деган сўзларини “мен уни қила оламан”га ўзгартирдим. Бу ҳаракатларимни гайратлантириб юборарди. Одамларнинг сўзларини оёгини бошига айлантирадим. Яъни, салбийни ижобийга ўзгартирадим. Менинг оламимда скептиклар кўп, илгарилари ҳам бўлган ва ҳозирда ҳам бор.

Менга неча марта, буни қилиб бўлмайди, дейишган. Бироқ мен охирги томчи қолгунимча ўз қатъиятимдан ўшани амалга оширгунимча фойдаланаман.

### **Говард Шульц,**

**Starbucks раиси ва бош директори**

### **Питер Бурваш**

*Мен танқиддан ташвишланмасдим, аксинча, түгри йўлдан кетаёттанимни ҳис қиласдим.*

Скептиклар ўзи билмаган ҳолда сени бошқа яхшироқ йўлга йўналтириши мумкин. Балки хаёлингизда орзунингиз амалга ошиши образи пайдо бўлади ва бу йўлдан борсангиз, қарор қилишингизга қараб орзунингизни тормозлаши мумкин. Олдинга қараб ҳаракат қилишга имконият бўлмасдан, бошқа йўл қидиришга мажбур бўласан. Сен уни топасан ва скептиклар туфайли у илгарисидан анча афзалроқ. Худо уларни ёрлақасин!

### **Питер Фойо**

*Мен ёмон ниятли одамлар билан учрашганимда, улар менга бормоқчи бўлган жойимга йўлловчи бўлиб хизмат қилишини биламан. Улар мени тўгри йўлимдан тўхтатмайди, аксинча манзил сари бошлайди.*

### **Питер Бурваш**

Канадада ўйнаганимда ўша пайтдаги теннис ассоциацияси президенти менга хат жўнаттан. Унда: “Сен бу ўйинни ташлаб кетишинг керак, чунки жуда ёмон теннисчисан” деб ёзилганди. Аммо бу сўзларни тўсиқ сифатида қабул қиласдим, уларда чорловни кўрдим. Канадага миллий чемпионатда ўйнаш учун қайтаёттанимда ўша хат ёдимга келди, унда ҳеч нарсага ярамаслигим ёзилганди. Ўйлаб қолдим, мен шунчалик ёмон теннисчи эканман, унда бу чемпионатларда нега қатнашашпман ахир.

## **“БЕМАЬНИ ОДАМЛАРГА” ЭЪТИБОРСИЗ БҮЛ**

Саёҳатингиз давомида кўриб чиқишингиз керак бўлган қимматли маслаҳат — орзунгиз ҳақида бошқа одамларга гапириб беришдан аввал ўзингизга қатъий ишончни мустаҳкамланг. Сизда ўз одатий тажрибангиз доирасидан чиқадиган, бирон нарсани амалга ошириш учун аъло гоя пайдо бўлса, у ҳақда бошқаларга гапириб беринг. Улар сизни шубҳаларга тўлдиришиди ва гоянгиз ёки орзунгиз учиб кетди, чунки уни ердан қўзғалишига имкон бермадингиз. Сўнг қабиҳлик қонунига кўра, бирмунча вақт ўтгач, сизнинг ажойиб гоянгизни дунёда кимдир амалга оширганини ва катта муваффақиятга эришганини биласиз.

### **Жон Пол Дежориа**

**“Кўп бўлмаган, энг муҳимиға” эътибор бер.  
“Бемаъни одамларга” эътиборсиз бўл.**

### **Лиз Мюррей**

Сенинг ўрнингга бошқа одамларга бирон нарсани ҳал қилишига йўл қўйма. Одамларнинг ўз фикрлари бор, улар иложи бор ёки йўқлигини айтишни пайсалга солишмайди. Энг ёқимсизи — бу одамлар гапирган нарсага ишончнинг комиллиги. Ҳеч ким иложининг чегараси қандайлигини уни бажармасдан туриб билолмайди.

“Сир” фильмини яратишга қарор қилганимдан бери бирорта одамга ҳам орзуим бутун-

лигича онгимда шакллангунча айтмаганман. Мен ичимда уни тўрт ой давомида ўргандим, ривожлантиридим, токи мени ҳеч ким айни-та олмаслигига ишонч ҳосил қилгунча ҳаракат қилдим. Бошқалар билан уни бўлишганимда минглаб скептиклар орзуим ҳеч қачон амалга ошмаслигини айтишди, аммо бирортаси ҳам менга таъсир кўрсата олмайди.

Ўз орзунг устида ишла. Ўз ишончинг устида ишла ва орзунгни онгингда қиёфаси шаффоф даражада тиник бўлгунича шакллантирилганда шундан кейин уни бошқаларга айтиб бер.

*Сени камситадиган одамлардан узоқроқда юр. Майдага одамлар ҳар доим шундай қилишади, чиндан ҳам буюклар эса сен ҳам буюк бўла олишингни ҳис қилдиришади.*

Марк Твен,  
ёзувчи

### Лейн Бичли

Мен Мэнли-Бичда серфинг билан шугулланиб ўстганимда ўнг томонимдаги икки йигит менга сувдан даф бўлишимни, чап томонидаги икки йигит: “Биз сенда ажойиб чиқяпти деб ҳисоблаймиз, бизга сен билан бирга серфингни ўрганиш жуда ёқимли”, дердилар. Нима деб ўйлайсиз, қайси бирларига қулоқ солишим керак эди? Албатта, чап томонидаги йигитларга-да.

## **Пит Кэрролл**

Ишдан бўшатиш қарори менга аввалгиларига қараганда кучлироқ таъсир қилди ва бу қарорга қарши эдим. Уни шунчаки қабул қилмадим. Улар ҳақ эканликлари ҳақидаги фикрга қарши курашардим ва менда ўзгача ўйлашга сабаб бор эди.

Скептиклар ҳақидаги ҳақиқат шундан иборатки, улар кўпинча ақл билан иш кўрмайдиган одамлар бўлади ва ўзлари bemalol яшамайдилар. Агар улар ўз имкониятларини тўлиқ амалга оширганларида эди, ўз тажрибаларига кўра ҳаммаси орзусига эришиши мумкинлигини тушинардилар.

## **Жон Пол Дежориа**

Мен юқори синфда ўқиётганимда бизнес бўйича ўқитувчим бир кун бутун синф олдида дугонам Мишель ва менга биздан ҳеч қачон ҳеч нима чиқмаслигини айтди. Биз унинг ноҳақлигини билардик. Ҳаётда аниқ бирор нарсага эришишимиз зарур эди. Мишель суперюлдузга айланди.

“Сир” фильмини олаётганимда скептиклар билан мулоқот қилишда тажрибам бор эди, аммо бир эпизод ҳаммасидан ҳам ажralиб турди. Мен биринчи қисмнинг тақдимотини телевизион маъмурларнинг катта гуруҳи олдида ўтказаётган эдим. Бунга етиб келгунимча бир йиллик машаққатли меҳнат ва менда бор нарсани қурбон қилган эдим. Фильм якунида маъ-

мурлар бир оғиз ҳам яхши гап гапиришмади. Үнинг ўрнига қаттиқ танқид остига олишди. Тақдимотдан асабий ҳаяжонда кетдим. Учрашув ўтказилган бинодан чиқдим ва күчалар бўйлаб туманда юргандек юрдим. Охирида ўзимни қўлимга олдим ва бир соатлик парвоздан сўнг уйга бориш учун аэропортга бордим. Парвоз пайтида маъмурларнинг чексиз танқидий танбеҳларини ҳамишаем ҳисобга ололмасдим. Бунинг менга кераги ҳам йўқ эди. Ўша пайтта келиб фильмга киритиш мумкин бўлган бир қанча ўзгаришлар илҳомлантирди. Бу кутилмаган гойибона илҳомни фильмга киритдик ва улар ўша таркиб билан фильмга улкан муваффақият келтирди.

### **ИТТИФОҚЧИЛАР**

Қаҳрамонлик саёҳатингизда ҳойнаҳой скептиклар билан учрашасиз, кўплаб иттифоқчиларни учратасиз — майли, озгина фурсатта бўлса ҳам сизни қўллаш ва саёҳатингизда ёрдам бериш учун ҳаётингизда ёрдамчи фаришталар пайдо бўлади.

#### **Мастин Кипп**

Мен мустақил равища шундай муваффақиятта эришганман ёки ўзимни ўзим шу даражага кўтарганман деган гапларга ишонмайман, чунки ҳар бир одамнинг йўлида кимдир ёрдам беради.

### **Лейн Бичли**

Ҳамма муваффақиятли одамлар бошқаларнинг елкаларида туриб нимагадир эришганлар. Қандай муваффақиятга эришсангиз ҳам сизга бу саёҳатингизда ким ёрдам берган бўлса, ёдда тутинг ва уларни қадрланг.

Хеч ким ўз орзусини ёлғиз ўзи амалга ошира олмаган. Сон-саноқсиз одамлар сизни қувватлаб туради ва орзуингиз томон боришингизда бор кучи билан ёрдам берадилар. Қаҳрамонлик саёҳатида биз эришган хавотирлардан энг ажойиби кутилмагандага йўлингизда ёрдам берадиган ва қўллаб-қувватлайдиган яхши таниш бўлган, шунингдек, нотаниш одамларнинг учрашидир.

### **Майл Эктон Смит**

Мени сон-саноқсиз қўллайдиган гурӯҳлар бор. Унинг таркибига ҳамма киради — қўллаб-қувватлаган қариндошларимдан тортиб, ишимизга пул тиккан инвесторларгача. Гояларим ҳали хомаки бўлган пайтда ёнимда туриб ишлашга келган хизматчилар ҳам.

### **Лейн Бичли**

8 ёшингда ўзингта дунё чемпиони бўлишдек улкан вазифани қўйиш, ўз-ўзидан маълумки, жуда қийин иш. Ҳаммасини ташлаб кетгим, қўлларимни кўтариб: “Ҳаммаси жуда қийин” дегим келган лаҳзалар бўлган. Бахтимга, ҳаётимнинг шундай қийин пайтларида ёнимда шундай одамлар бор эдики, елкамдан тутиб:

**“Сен буни қила оласан. Мен бунга ишонаман”,  
дайишарди. Ҳаётингизда сиз ҳурмат қиладиган  
ва қадрлайдиган одам сизга ишонишини айтса,  
бу улкан ишонч беради. Бундай одамларнинг  
ҳаётингизда бўлиши жуда муҳим.**

“Сир” фильмини яратадиган пайтимда ҳаётимизга кирган ва бизга кейинги қадам босишга ёрдам берган жуда кўп одамлар топилди. Қўшимчасига иттифоқчилардан ташқари жамоа ҳам бор эди, улар мен билан бирга фильм суратга олишда ишлашди. Бу одамларнинг садоқати ва мададисиз орзуим ҳеч қачон ҳақиқатта айланмасди.

Шундай онлар бўлганки, жамоамга маош тўлаш учун пулим бўлмаган. Фильмни суратга олиш учун ўз уйимни гаровга қўйдим, ҳамма кредит карточкаларимдаги маблағларимни сарфладим. Шундай қийин кун келдики, одамларга маош тўлашга пулим йўқ эди. Биласизми, улар нима қилишди? Жамоамнинг иккита аъзоси ўзаро гаплашиб олишди, кредит карточкаларидан нақд пул ечиб олиб, маошсиз яшай олмайдиганларга пул тўлашди. Жамоамдаги одамлар менинг энг яхши иттифоқчиларим эди.

## **МУЪЖИЗА ВА СИНОВЛАР ЙУЛИ**

**Анастасия Соаре**

Ҳаёт — бу синов. Агар ҳаёт силлиқ ва идеал бўлади деб ўйласанг, сен ноҳақсан ёки хом хаёллар асирасига айлангансан.

## **Питер Бурваш**

Ҳар куннинг ўз тўсиқлари бўлади. Эрталаблари жисмоний, руҳий ва маънавий муаммоларсиз уйгонадиган бирорта одам бўлмаса керак. Тўсиқлардан халос бўла ололмаслик ҳақиқатини қабул эт. Улар ҳаммада бўлади. Одамлар “Нега мен? Нима учун сен эмассан?” деган гапни гапирадилар.

Сенинг мақсадинг йўли ҳар доим ҳам силлиқ бўлмайди. Тўсиқларга учрайсан, муаммолар пайдо бўлади, аммо доим нимага интилаётганингни ёдда тутишинг керак... Охирги натижа ҳақида унутма, майда омадсизликлар ва кичик англашилмовчиликлар сени тўхтатиб қўйишига йўл қўйма.

**Дерек Жетер,  
америкалик бейсболчи**

## **ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ВА ТЎСИҚЛАР**

Қаҳрамонлик саёҳатида дуч келадиган ҳар бир тўсиқ ва қийинчиликлар сизни чиниқтиради, иродангиз мустаҳкамланиб боради. Бу билан сизга кейинги тўсиқ ва қийинчиликларни енгиш учун керак бўладиган қобилият ва хусусиятларни ўзлаштирасиз. Бу хусусият ва қобилиятларнинг пайдо бўлиши сиздан ўз орзунгиз томон келадиган одамни шакллантиради. Шу сабабли қийинчилик ва тўсиқлар — қаҳрамонлик саёҳатингизда узоқча бора олишингиз учун ажойиб кўрсаткичлардир. Сиз дуч кела-

диган қийинчилик ва тўсиқлар ҳақиқатан салмоқли бўлса, муваффақиятингиз каттароқ бўлади. Бу эса мақсадга янада яқинлаштиради.

### **Мастин Кипп**

*Қийинчиликлар натижасида одамлар эга бўладигани — булар қандайдир бу моддий натижалар эмас, асосийси уларнинг ким бўлишлари. Сен қийинчиликлар билан дуч келганингда ва уни енгтанингда, ўзингга, ўз қобилиятларингта ишонч ҳосил қиласан, илоҳиётга катта ишонч билан ёндашасан ва сен қандайдир улканроқ нарса қилишга қодирсан. Тўсиқларни енгиш балки буюк неъматдир, бироқ сенинг фаолиятинг моддий натижасидан анча улкан. Негаки, буни сендан ҳеч ким ҳеч қачон олиб қўя олмайди.*

### **Питер Бурваш**

*Сен хафагарчилик, синовлар, қулашлар, вайроналар давридан ўтаётганингда ўзингта бўлган юксак ишонч туфайли улардан яхши ҳолатда чиқиб кетасан.*

Агар ҳаётингизда ҳал қилиб бўлмайдиган шундай қийинчиликка дуч келсангиз, ўзингизда куч топиб, уни енга оласиз. Бундай вазиятлар феъл-авторингизни чиниқтиради ва сизни илгаригидан кўра буюк одамга айлантиради. Бу ҳолат барча фарзанд кўрган аёлларга таниш. Оналар болаларни тарбиялаб, гамхўрлик қилишлари учун кучли бўлишлари зарур. Уларга сабр, масъулият, қатъият ва

жисмоний чидамлилик керак бўлади. Ҳомиладорлик тажрибаси, тўлгоқ ва тугуруқнинг ўзи уларнинг руҳини мустаҳкамлайди ва оналикка тайёрлайди. Айнан оналик кучи туфайли бундай аёллар қийин вазиятларда ўзларини намоён қиласидар, кўпчилик ўз онасини қаҳрамон она деб ҳисоблайди.

### **Мастин Кипп**

Агар жасорат билан қадам ташлаб, бу қийинчиликни енганингда кўнглинг: “Худойим, мен буни қила олдим!” деб хурсанд бўласан. Шунчаки ўтириб: “Мен ўзимни севаман”, дейиш мумкин эмас. Ўзига баҳо беришни ишлаб топиш керак.

### **Лейн Бичли**

Қийинчиликлар ва тўсиқлар бизнинг ҳаммамизга ўсиш, мукаммаллашиш ва ўрганиш, шинамлик ҳудудидан четга чиқиш ва ҳаёт бизга чиндан таклиф қила оладиган имкониятни беради.

Қаҳрамонлик саёҳатимиздаги қийинчиликлар ва тўсиқларнинг мақсади — у ҳақиқатга айланганида орзуимизни қўллашга керак бўладиган хусусият ва қобилиятларни бериш, бизни тайёрлашдир. Агар сизда муваффақиятни уddyalай олиш имконини берадиган кўникмалар бўлмаса, орзуингиз унинг ёнига келганингизда бўғилиб қолади ва тутун оқимига айланади. Шундай экан, қийинчилик ва тўсиқлар

бизнинг муваффақиятга бўлган тайёргарлиги-миздир.

### **Г.М. Рао**

Бизнесдаги йўлим дарё оқимига ўжашаш, унда ҳар бир тўсиқ, вақтида манзилга етиб олиш учун йўналишни ўзгаришишга мажбур қила-ди. Бутун ҳаётим қийинчиликлардан иборат эди. Ҳар бир қийинчилик яна катта имкониятга йўл очар эди.

### **Жон Пол Дежория**

Қийинчилик ва тўсиқларда тўлиқ таълим оламиз, бу эса муваффақиятимизнинг бир қисми. Ҳаётимизда воқеалар биз истаганимиздан кўра бошқачасига айланиб кетган пайтлар неча мартараб бўлган. Агар мен улардан ўта олмаганимда ҳозир бундай баҳтли ва омадли бўлмаслигимни англадим. Ҳаётда ҳамма нарсаларни мураккаблаштириб юборадиган нарсалар бўлади. Аммо бу сабоқлардир ва улар сени олий мукофотингга олиб келади.

Ўйлаб қаралса, орзуим йўлидаги тўсиқлар унинг кетидан боришига қарор қилган кунларим билан солиштирганда ҳеч нарса эмас. Сенда мақсад борлиги ва унга қараб қетаётганингдаги тўсиқлар бемақсад юрганингдаги тўсиқлардан унчалик оғир кўринмайди. Орзусиз қийинчиликлар бемаъни кўриниади, худди улар шунчаки омадсизликдек.

Бироқ уларнинг ҳаммаси мақсаднинг ўзи — бу сенинг равнақинг ва ҳатто ҳаётдан яшири-

ниб олгинг жосса ҳам бари бир қийинчилик ва түсиқларга дуч келаверасан.

### **Питер Бурваш**

*Менинг асосий фалсафам шундай: нимадир яхши нарса юз берса, буни қадрлайман. Агарда ёмон нарса юз берса, буни таълим олиш жараёни деб ййлайман.*

Қийинчилик ва түсиқлар ҳаммамизга нисбатан, уларга қарши бўлганимизда қаҳрли бўлади, уларни енгиш йўли ва ечимини топмагу нингча қаҳрли бўлиб тураверишади. Сенга ҳеч қачон ўзинг енгишга қодир бўлмаган түсиқ бе рилмайди. Ҳеч қачон.

### **Питер Фойо**

*Тўсиқлар хаёлий йўл-йўрик ёрдамида барта раф қилинади. Менинг хаёлий дастурим — бу ўзимни баҳтли ва миннатдор сезишм. Доим шундай бўлган. Мен худди шу туйгуни молия вий маънода ҳам одамлар билан бўлишаман, уни қанча кўп бўлишилса, киши йўлида тўсиқ лар шунча кам учрайди.*

Питер Фойо ўз муваффақиятига эришишда диний интилиш туфайли бўлган бир неча тамо йилларидан ўз орзусига етишишда фойдалан ган. Қархисидаги биронта тўсиқ уни чўчит майди. У ижобий ва баҳтли хаёлий дастурини доимий миннатдорлик амалиётида қўллайди. Питер имкони борича одамларга ёрдам бера ди. Қаҳрамонлар бирор-бир қийинчиликка дуч

келса, ўзларининг буюк қобилиятлари бўлган визуализациядан фойдаланади.

### **Питер Фойо**

*Рақиблар, коррупция ва ҳокимият томонидан тўсиқлар бўлган, лекин мен уларни ҳис қилмайман, фақат натижани ҳис қиласман, қаерга кетаёттанимни ҳис қиласман. Тўсиқлар — бу айланма йўл. Визуализация бутунлай бошқа нарса.*

Исталган натижани визуаллаштиринг (кўз олдингизга келтиринг), муаммонинг ечими ёки қийинчиликни енгишнинг энг яхши йўлини топасиз. Аммо сизга берилаётган фикрни эшитиш учун ақлингиз хавотирли хаёллардан озод бўлиши керак. Тасаввур қилинг, адашиб қолгансиз ва қандайдир одамдан йўлни сўраяпсиз, токи ўша одам оғир аҳволдан қутулишингиз учун ёрдам беришга шайланиб йўл кўрсатмагунича, қандай қилиб адашиб қолганингизни ва бу катта муаммога айланмасайди деб ўзингизга уқтирасиз. Сиз йўлни излагансиз ва уни энди ҳеч қачон топа олмайман деб қўрқасиз. Шундай қилиб кўрсатмаларни эшитмадингиз, уларни сизга беришди. Коинотдан юборилган фикрни эшита олмайман деб тафаккурингиз хавотирга тушади ёки азобли хаёллар билан банд бўлади.

### **Лиз Мюррей**

*Дўстларимдан бириникида тунаб қолганим да эрталаб полда уйгонардим. Машгулотлар*

эрта бошланарди, эрта туриб ўқишига боришга ўзимни мажбур қилишим керак эди. Шунинг учун хаёлан ўзимни югурувчи одам деб ҳисоблайман. Хаёлан бу югурувчи мен бўлишим керак эди, аммо сиймосини орқадан кўрдим. У бир ўзи чопиш йўлакчасидан югуриб кетмоқда эди. Унинг олдида тўсиқларни кўрдим, хаёлимдаги сиймо уларнинг устидан сакраб ўтарди. Ётган кўйи туриш ва юриш учун кучимни тўплаб, ўзимга бу чопқир кишини тасвирлардим. “Майли, чарчадинг ва бу тўсиқ. Вазифангни кечка кечқурун бажардинг. Тўсиқдан сакраб ўтдинг. Сен поездга ўтириб, бўридек оч бўлсанг ҳам нонуштасиз борасан. Тўсиқ, тўсиқ, тўсиқ”. Мен у тўсиқлардан сакраёттанини, қуёшдан терлаб кетган мушакли танасини кўрдим. Ҳар сафар йўлимни нимадир тўсганида, у тўсиқдан бошқа нима ҳам бўлиши мумкин, дейман. Чунки тўсиқни югуриш йўлакчасидан ажратиб бўлмайди, тўсиқ — бу йўлакчанинг бўлаги ва у йўлдан адашишимнинг белгиси бўла олмайди. Менга йўlda нимадир учраса, бу шунчаки йўлнинг бўлаги дейман ва вақт ўтиши билан, агар етарли даражада тўсиқлардан ошиб ўтган бўлсам, марра чизигимга етиб келибман.

### Майл Эктон Смит

Билмадим, буни қандай эплардим, аммо энг умидсиз дамларда ҳам ҳаммаси яхши бўлади, дердим. Нега деганда, ўз маҳсолотимга астойдил ишонардим. Агарда ортга чекинмасанг ва Коинотдан сўрасанг, у сўраганингни беради.

## **Жон Пол Дежориа**

Муваффақиятга интилаёттан одамга рўйихуш беришмаса, сенга берилган синов бўлади. Муваффақиятга эришища кўпинча, сени рад этишларига тайёр туришинг, ўзингни ундан таъсирланишга йўл қўймаслигинг керак. Кўпчилик одамлар бирон лойиҳа бошлаганларида унга тайёр бўлмайдилар ва ўзларини омадсиз деган хulosага келиб чекинадилар. Агар мени кўп марталаб инкор қилишмаганида эди, мен John Paul Mitchell Systemни йўлга қўймасдим.

## **ОМАДСИЗЛИКЛАР ВА ХАТОЛАР**

Биз хато қиласиз. Аммо уларсиз роҳатлана олмасдик. Агар гольф ўйнашга бориб, биринчи уринища ўн саккизта тешикка тушсан, гольф ўйнашни узоқ давом эттирмасдим. Ўйин қизиқарли бўлиши учун қийин бўлиши керак. Аммо ҳамиша эмас.

**Уоррен Баффет,  
бизнес-магнат ва инвестор**

## **Лейн Бичли**

Агарда хато ва омадсизликларингиз ёки чекиниш ва умидсизликларингиз ҳақида ўйлаб кўришга вақтингизни аямсангиз, улар бизнинг саёҳатимизнинг асосий таркибий қисми эканини англайсиз.

## **Пол Орфала**

*Кичкинтойлар кўпинча йиқилиб тушишади ва яна ўрнидан туради? Бунинг учун озмунча*

жасорат керакми?! Ўзимнинг энг асосий сабоқларимни муваффақиятлардан эмас, омадсизликлардан олганман. Бу бизни орзуларимиз томон яқинлаштирадиган нарса.

### **Лэрд Гамильтон**

Ҳамиша омадсизликка учрашинг мумкинлигига ҳам тайёр туришинг керак. Энг керакли сабоқларимни муваффақиятлардан эмас, омадсизликдан олганман. Чунки айнан шундай сабоқлар орзу сари етаклади.

Агар ўз орзунинг рўёбга чиқариш учун соғлом фикрлаш ва зийракликнинг зарурый хусусиятларини ўзлаштирумagan бўлсанг, хато ва омадсизликлар уларни ривожлантиришингга ғамхўрлик қилишади. Сен бирон нарсага тўла ишонч ҳосил қилганинг учун муваффақиятсизликка учрагансан. Ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўрмасдан қарор чиқаргансан ва катта хато қилганингни кўриб қолгансан. Бироқ ортингдаги бу омадсизлик ва хатога қараб, қизил байроқчалар ва огоҳлантирувчи белгилар борлигини кўрасан. Сен уларга бу ерда нимадир бошқача десалар ҳам эътибор бермайсан. Бошқача айтганда, ўз ички сезгингни менсимагансан.

### **Лейн Бичли**

Ҳақиқий хатолар — бу сабоқлардир. Чин хато биринчи уринища ўрганишинг керак бўлган дарсdir. Коинотнинг гаройиб хусусия-

*ти шундаки, то ўзлаштириб олмагуниңгча ўша сабоқни бераверади.*

Бироннинг гапларига кўр-кўронадан, шахсий изланишлар ўтказиш ва ундан хулоса чиқариш кераклигини ўрганинг. Ке-йинги сафар, жиддий ҳаракат қилишдан аввал батафсил ўйлаб, сўнг хулоса қилинг.

*Бошқа муваффақиятли ресторандардан ўрнак олдим, лекин инқирозга дуч келган бир ресторан мисолида кўп нарсани ўргандим.*

**Волфранг Пак,  
бизнесмен**

**Г.М. Рао**

Биз муваффақиятсизликлардан қувонишимиз керак, чунки улар ҳаракатларимиз натижаси ҳисобланади, шундан келиб чиқадики, бу ўрганиб олиш учун асос бўлади. Биз, хатолар тақрорланмаслиги учун шу сабоққа фикримизни жамлашимиз керак. Янги ёндашув, тажрибаларни ва инновацион гояларни мукофотлаш, шунингдек, хатоларни башорат қилмаслик керак.

Ўз хато ва омадсизликларинг учун бошқаларни айбламасдан, жавобгарликни ўз бўйнингга олсанг ва уларга яширинган сабоқларни изласанг, топсанг, қаҳрамонлик саёҳатида олга силжишингда қудратли восита бўлади. Хато ва омадсизликлардан қочиб бўлмайди: улардан

сабоқ олиб, ижобий хулоса чиқариш ўзингизга боғлиқ!

### **Лэрд Гамильтон**

Қандайдир бир хиллик жараёни мавжуд. Олдин бу мумкинлигига ишонишинг керак. Сўнг омадсизликка тайёр туришинг керак: “Қоқилдингми, ўрнингдан туриб, яна давом эт” деб ўзингни ишонтири. Бир оз вақт ўтиб: “Вой, ишим юришди!”, сўнг: “Менда анча яхши чиқади”, сўнг: “Менда яхши чиқяпти” дейишни бошлисан. Яқин орада чўққида пайдо бўласан, шундагина гап чўққига чиқища эмас, жараёнда эканини англайсан.

### **МУЪЖИЗА**

#### **Питер Бурваш**

Мен юз берган лаҳзалар учун жуда ҳам миннатдорман, унчалик ҳам мустақил эмаслигимизни англадим. Биз фақат кислородга эмас, омад, вақтни тўғри тақсимлаш ва бошқа одамларга ҳам боғлиқмиз.

Қаҳрамонлик саёҳати синовларга тўлиқ бўлса-да, аммо йўлингизда юз берадиган мўъжи-заларни ҳам кўрасиз. Тўгрисини айтганда, бу мўъжизалар синовлардан анча юқори туради. Шахсий тажрибамга кўра, қаҳрамонлик саёҳати сеҳгарлик ва мўъжизалар орзуимнинг амалга ошишидан кўра анча ҳаяжонли бўлган. Коинот сиз тушадиган вазиятни инсон ақли етмайдиган тарзда қурап экан, ваъда бераман, нафасингизни ростлаб оласиз, Сиз қайта-қай-

та “Бу қандай юз берди экан?” деган саволни берасиз.

### Лиз Мюррей

Мен күчаларда тунардим ва дўконлардан ўтирик қиласдим. Гарчанд бу дунёдаги энг ёмон одат бўлса ҳам, аммо қайси йўл билан бўлса-да, овқатланишим керак эди. Мен Barnes & Noble дўконларига кириб, ўз-ўзига ёрдам беришга мўлжалланган китобларни ўтирилардим. Уларни кўп қаватли уйларнинг зина-пояларида ўқирдим. Шулардан таъсирланиб ёзган ҳикоям машҳур бўлиб кеттанида менга Стивен Кови компаниясидан қўнгироқ қилиб, маъруза билан чиқишига таклиф қилишди. Стивенга рўпара келганимда, унинг китобини ҳам пул тўламасдан ўтирилаб кеттаним ёдимга тушди. Мен унга: “Биласизми, бир куни дўкондан сизнинг китобингизни ҳам ўтирилаганман”, – дедим. У менга, “Бу корхона ҳисобидан бўла-қолсин”, деди.

Стивен Кови Лиз Мюррейдан саҳнага у билан бирга чиқиб ўз ҳикоясини сўзлаб беришини сўраганида ҳали 18 ёшда эди. Бу кун Лиз учун ажойиб бўлган эди. Чунки оммавий чиқишиларида бошидан ўтган воқеаларни айтиб бериши одамларни илҳомлантирган ва уларнинг кўнглига йўл очиб берган.

Кейинчалик Лиз ўзининг бестселлер китобини ёзган ва Михаил Горбачёв, Далай-лама ва Тони Блэрлар билан бирга чиқишилар қилган.

## **Питер Бурваш**

1968 йил охирида теннис турнирида қатнашашётган пайтимда умуман пулим қолмаганди. Мен *Four Seasons Hotels* тармоги ташкилотчи-си Исси Шарп билан ўйнаётганимда, “Энди нима қилмоқчисан?” деб сўради. Мен, “Билмайман, балки дарс беришга қайтарман”, дедим. У “Турнирда қолишинг учун сенга нима керак?” деди. Мен: “Йўлкира бир томонга 1800 доллар, 3600 доллар менинг қолишимга имкон беради”, дедим. Эртаси кун унинг кабинетига кирдим, у эса менга 3600 доллар бериб: “Омад!” деди. Бу ҳаётимни ағдар-тўнтар қилиб юборди. Мен учун турнирда қолиш имконияти жуда, жуда ва жуда муҳим эди, чунки менга дунёда яхши рейтинг олиш имконини берарди. Ундан кейинги воқеалар шунчаки тафсилот.

## **Мастин Кипп**

Мен серфинг бўйича мураббий эдим, бассейн ёнидаги кичкина уйда, дугонамнинг отонасиникида яшардим. *The Daily Love* менинг қизиқишим эди, аммо у билан тўлиқ иш кунида шугулланишга қарор қилдим. “Твиттер” ва электрон почтадаги ёзишмадан сўнг ҳеч ким танимайдиган Ким Кардашьян 2 миллионли “Твиттер”дан фойдаланувчиларига менинг фолловерим бўлишни маслаҳат берган. Мен ҳеч қачон бу лаҳзани унутмайман. Бир кечада бизнинг обуначиларимиз сони 1000 дан 10000 га етди. Йўлимда давом этишимни қувватлайдиган Худонинг борлигини ҳис қиласман.

Лейн Бичлининг катта орзуси дунёда энг яхши аёл серфингчи бўлиш эди, бунинг учун дунё рекордини ўрнатиши — тўртта дунё унвонини кетма-кет олиши лозим эди. Лейн йилнинг нуфузли мусобақаларида ўзининг тўртинчи чемпионлик финалида қатнашди. Йил давомида бир неча мусобақаларда юқори рейтинг очко йиққанда, спортчилар дунё унвонига эга бўладилар. Йилнинг охирги мусобақаси олдидан Лейн очко бўйича етакчилик қиласади ва тўртинчи унвонга етишига бир қадам қолган эди.

### **Лейн Бичли**

*2001 йил эди, ўша йилнинг охирги мусобақаси. Мен ярим финалдан ўтдим ва ўзимнинг охирги тўлқинимда йиқилиб тушдим, бу эса мени ютқизишмга олиб келиб, тўртинчи чемпионлик унвонидан маҳрум қилиши мумкин эди. Мен худди олам қулаб тушаётганини сезардим. Умуман бўшашиб кетдим, чунки олий мақсадим — рекордни яна такрорлаш ва тўртта жаҳон миқёсидағи унвонга эга бўлиш эди.*

Лейнга мўъжиза зарур бўлди. Унинг рақиби агар бугун ютсалар, кўпроқ очко йигиб, Лейндан ўтиб кетарди.

### **Лейн Бичли**

*1993 йилги дунё чемпиони Полин Менцер ёнимдан ўтиб кетаётганида: “Хавотир олма, ҳаммаси қўлга олинган”, деди. У менинг чемпионлик унвонини олишимни кўрмоқчи экан. Бу нуфузли унвонини менга беришлари учун*

имконият яратиш учун роса ҳаракат қилди. Мусобақаларни у олиб борди ва жараёнда менга йилнинг тўртинчи нуфузли унвонини берди. Унинг кўриш қобилияти паст бўлиб, жарроҳлик амалиётини ўтказиши учун маблаги йўқ эди. Шунинг учун унга операция пулини миннатдорчилик тариқасида тўлаб бердим.

Лейн Бичли фаолиятини давом эттирди ва етти марта нуфузли мукофот олишга муваффақ бўлди.

### Лиз Мюррей

Ўзим ҳақимдаги ҳикоямни *New York Times* нашр этганида, қаҳрамон бўлиш нима эканини билдим. Мактабимга қўшни бўлиб яшайдиган одамлар келишди ва ҳаммалари менга ёрдам беришга тайёр эканликларини билдиридилар. Уларнинг ҳеч бирини танимас эдим. Кўлларида кекс, кийимлар, ўқув қуролларини ушлаб туришарди. Ҳаммаси ёнимда фаришталардек саф тортишганди. Мен бошпанасиз эдим, улар менга ижара ҳақини тўлаб бердилар. Каравот ҳам ясад беришди. Чироқ ўрнатишди. Музлаткичимни тўлдиришди. Ҳар бири ўзича ажойиб олам эди, аммо бир ҳаммасидан аёл ажралиб турар эди. У аёл биринчи келганидан кейин уч ҳафта ўтиб келди. Бутун мактаб олдида қўлимни сиқиб ўзини таништириди ва мендан узр сўради. Ундан нима учун кечирим сўраганини сўрасам, жавобан: “Мен *New York Times* газетасида сен ҳақингда ўқидим, мақолани кесиб олиб, музлаткичга ёпиштириб қўйдим

ҳамда ҳар куни ўзимга “Сенга ёрдам бераман”, деб айтадим. Аммо кейин: “Вой, ҳозир вақтим йўқ, пулим ҳам йўқ, мен буни қилолмайман”, деб ўйлардим. Мана жонгинам, бугун эрталаб кир юваётган пайтимда миямга: “Балки Лизнинг ювиладиган кийимлари бордир?” деган фикр келди. Шунда мен унинг мини-вэн олдида турганини англадим. У кўзларимга қараб: “Балки сенинг ювиладиган нарсанг бордир?” деб сўради. Биз бориб кийимларимни йигиб келдик ва шундан кейин унга ҳар ҳафта кирларни олиб бордим. У менга: “Мен унча кўп нарса қилолмайман, аммо бунисини қила оламан”, деди. Бу сабоқни сайёрамиздаги ҳар бир одам ўзлаштириб олса бўларди: кўп нарса қила олмайман, аммо баъзи нарсалар қўлимдан келади.

Мен ундан бошқа одамларга оз-оздан, ҳозирнинг ўзида ёрдам бериш мумкинлигини ва шу сониянинг ўзида меҳнатимиз билан осонгина бажара олишимни билиб олдим. Агар ҳаммамиз шундай яшасак, сайёрамиз ўзгариб кетарди.

## ОЛИЙ СИНОВ

Анастасия Соаре

Агар ҳар куни битта қайишни тортмоқчи бўлсанг, курашчи бўлишинг керак. Агар улувор бўлгинг келаётган бўлса, ҳарбий бўлишинг керак. Менинг улувор бўлгим келарди. Ҳаётимни ўзгартирадиган ва одамларнинг ҳам ҳаётини ўзгартира оладиган ишни қилгим келарди. Оддий бўлишни хоҳламасдим.

## **Майкл Эктон Смит**

Бу жуда оғир зди. Бизнесим ростакамига юришиб кетиши учун ойлаб вақт керак бўлди. Унчалик кўп пул ишлаб топмасдик. 1998 йилда деярли ҳеч ким интернет ҳақида билмас зди, шунинг учун маҳсулотларимизни деярли ҳеч ким сотиб олмасди. Танишларимдан бири, шунчаки биз ишимизни ташлаб кетмаслигимиз ва жиндек умид бериш, қувватлаш учун ҳар ойда ўйлаб чиқилган исмлар билан бизга буюртма берарди. Чекинишимизга оз қолган зди.

Қаҳрамонлик саёҳатида мукофотланишдан илгари дуч келадиган якуний синов ўлчови бор. У сизнинг орзунгиз билан ўлчанади. Бу охирги қийинчилик Олий синов дейилади. У орзунг ўлимидек туйилади, аммо сен қайта тириласан ва орзунг кўз очади.

## **Майкл Эктон Смит**

Қаҳрамонлик саёҳатининг моҳияти шундай. Боши берк хилват кўчага кирасан. Бутун умидинг деярли йўқолган бўлади. Аммо кейин вазиятни ўзгартириб юборасан. Агар бизларда дарров “шоҳ асарлар” пайдо бўлганида зди, ҳаётимиз роса зерикарли бўларди. Курашмасдик ва ҳаракат ҳам қилмас здик.

## **Лейн Бичли**

Дарҳақиқат, биз юқорига чиқишимиз учун энг чуқур жойга думалаб тушишимиз, деярли ҳамма синовлардан ўтишимиз керак.

Сиз Олий синовни кинофильмларда кўрасиз. У ерда қаҳрамонлар ўз сайёҳатларида маликани қутқариш учун ёки Илоҳий Граални топиш учун тўсиқ кетидан тўсиққа дуч кела-дилар. У олий мукофотни қўлга киритиш учун голиб бўлиши лозим. Охириги олий мукофотга сазовор бўлиш учун енгиши керак.

### **Мастин Кипп**

Деярли ҳар бир қаҳрамон ўлади ёки қайта тугилади. Руҳий, жисмоний жиҳатдан ўлим ҳақидаги фикр одамларни даҳшатта солади. Аммо бу тақдири азал, бундай оғир синовни ҳам қулични кенг очиб кутиб олишимиз керак.

Агар мен бошқа нарсада чиндан ҳам муваффақиятга эришганимда менга чиндан ҳам таалуқли бўлган соҳада илгор бўлишга қатъиятим етишмасди. Эркин бўлиб қолдим. Чунки менинг энг улкан қўрқувим амалга ошди — мен аввалгидек тирикман, севимли қизим, эски ёзув машинкам ва катта гоям бор. Энг чуқур жарлик мен учун мустаҳкам пойдеворга айланди. Унинг устига ўз ҳаётимни қура олдим.

**Ж.К. Роулинг,  
“Гарри Поттер” китобининг  
муаллифи**

### **Жон Пол Дежориа**

Мен битта компанияда ишлардим. Тўлиқ бандлиқда иккита лавозимни эгаллаганман.

Унинг ишлари юксалаётган бўлса-да, мени бошқа менежерлардан фарқ қилишимни айтиб, ишдан бўшатишиди. Бошқа компанияяда ишлай бошладим. Бир йил ўтгач, дам олиш куни улар билан бирга бўлмаганим учун бўшатишиди. Кейинги компанияяning хўжайини ажойиб кунларнинг бирида: “Узр сўрайман, аммо биз сизнинг ишингизни яrim нархига бажарадиган одам топдик”, деди. Шундан сўнг мен *John Paul Mitchell Systems*га асос солдим. Уч йил ўтгач, бир нарсани англадим. Агарда, мен ишлаган учта компания ишдан бўшатишмаганида, *John Paul Mitchell Systems*га асос солмасдим. Чунки ҳар бир компаниядан бирор нима ўргангандан. Мени ишдан бўшатишган бўлса-да, бу худди Коинотнинг ўзи мени йўлда турли нарсаларга ўргатиб, олдинга йўналтирган каби юз берди. Буни эса вақтида тушунмаганман.

Жон Пол Дежориа ва унинг ҳамкори Пол Митчелл соч парвариши бўйича ўз маҳсулотларини ишлаб чиқармоқчи бўлиб туришганида, уларнинг бизнесини пул билан таъминлайдиган инвестор тўсатдан молиялаштиришни тўхтатиб қўйди. Жон Пол ва унинг ҳамкори бир талай мажбурият ва тўловларни тўлаш учун имкониятсиз қолишиди. Уларга кейинги 45 кун давомида, мижозлари ўз тўловларини тўлагучиша ишни давом эттиришларига ҳеч қандай умид йўқ эди. Бошлиған иши ҳалокатга маҳкумдек туйиларди. Аммо кейин Жон Полда ажойиб гоя пайдо бўлди. Маҳсулот етказиб берилганида чегирмалар таклиф қилинди. Ҳар

бир мижоз бу таклифдан фойдаланди ва бу-  
нинг эвазига компания қутқариб қолинди.

### **Лейн Бичли**

1995 йилда мен жаҳон кўрсаткичидаги ик-  
кинчи эдим ва биринчи совринни ютиб олиш  
учун мусобақалашардим. Голиб чиқишим учун  
ўзимни аямасдан аёвсиз машқ қиласадим ва  
1996 йилда сурункали чарчоқ туфайли йиқил-  
дим. Жисмоний жиҳатдан бирор нима бўлгани  
сезилмайди. Аммо руҳий жиҳатдан энг чуқурга  
қуладим. Чуқурликка шундай урилдимки, ҳат-  
то ўзимни ўлдириш истаги пайдо бўлди. Мен  
каби ҳаётни севадиган одамни бу нарса издан  
чиқариб юборди. Яшашимга сабаб кўп эди.  
Мен эса кетмоқчи бўлдим. Аммо серфингта  
бўлган муҳаббатимни афзал кўрдим. Севим-  
ли ишимни бажаришим учун жисмоний кучим  
қолмаган эдим. Аммо қайтишга тайёрланиш  
учун руҳий кучлар топилди. Буни бажариш-  
га кучим йўқлигини билсам-да, ўзимга Гавайи  
мусобақасида иштирок этиш мажбуриятини  
қўйдим. Мен: “Шунчаки у ерга бориб роҳатла-  
наман”, деб ўйладим. Ўша йили Гавайида ҳам-  
ма мусобақаларни ютдим. Бу менинг биринчи  
бор жаҳон чемпиони деган унвонни олишим-  
дан олдин эди. Сурункали чарчоқ тажрибаси  
мен учун сабоқ бўлди. Чекинмаганимдан жуда  
хурсандман.

### **Пит Кэрролл**

Мени мураббийлик вазифамдан бир неча  
марта озод қилишган. Бизнинг бизнесимизда

ищдан бўшаттаганимизда бу ҳақида бутун олам билади, газеталарда ёзишади, янгиликларда гапиришади. Бу жиддий воқеа. Бу шунчаки ишдан бўшатилганингда уйга бориб хотинингга тушунтириш эмас, балки ҳаммага тушунтиришинг керак бўлади. Бу жуда катта синов. Майли, бўлар иш бўлди. Бу кейинги йўлимда кучлироқ бўлишимга ёрдам беради. Шунда бирдан эсимга келди, шунча кўп ишлайман, чинакамига мен учун муҳим бўлган нарса билан алоқа боғлаш учун етарли даражада изланганман. Мен кейинги дастуримда уни намоён қила олардим. Шу қадар бурчакка тиқилибманки, яна имкониятим бўлишини билмасдим. Аммо у пайдо бўлиб қолармикин деб тайёр туардим. Шунда Жанубий Калифорния институтига бориш имконияти туғилди ва биз ишга илгаригидан кўра яхшироқ томондан ёндашамиз, деб йўриқнома бердик.

### Мастин Кипп

Бирор нима бошқача кетаёттанида, худди оёгинг остида ер йўқолиб кетгандек бўлганида, ҳаёт сенга қарши ва қаттиққўл бўлса, нима қилиш керак? Агар бу лаҳзалар илоҳий бўрон бўлса-чи? Буларнинг ҳаммаси бизни жазолаш учун эмас, улкан имконият ва маънавий йўлимизни йўқотиш учун эмас, балки фойдамизга бўлаёттган бўлса-чи? Агар энг ёмон ҳафта ёки энг ёмон кун аслида юқоридан сенга юборилган энг буюк кунинг бўлса-чи?

Анастасия Соаре қош парвариши учун ўзининг маҳсулотларини чиқаришга тайёр бўлганида, унинг асосий инвестори лойихадан чиқди. Анастасияга ўзининг бутун бошли омборидаги маҳсулотларини реклама қилиш, сотиш ва тарқатиш учун 2 миллион доллар керак эди. Бу пулларни топиш учун 8 кун керак. У орзусидан воз кечишига тўгри келаётганди. Анастасиянинг қатъиятлилиги ва тадбиркорлиги туфайли унинг маҳсулотлари омбордан тарқаб, АҚШнинг ҳамма штатларида, сўнг бутун дунёда тезда сотилди.

### **Майл Эктон Смит**

Мен *Mind Candy* ўйин ишлаб чиқариш компаниясини 2004 йилда йўлга қўйдим. Биз ўйлаб топган биринчи ўйин жуда оддий эди. Аммо бу лойиха инқирозга учради. *Moshi Monsters* муваффақиятли ўйин яратиш учун охирги имкониятимиз бўлди. Уни ишлаб чиқариш учун бор пулимизни сарфладик. 2008 йилга келиб биз деярли пулсиз қолдик. Ички ҳиссиётим бу маҳсулотда мўъжизавий хусусият борлигини сезарди. Аммо бирорта инвестор топа олмадик. Бу энг ақлсиз ва тўсиққа эга давр бўлди. Нега деганда, инқироз ҳақида эълон қилиш зарурлигига оз вақт қолган эди. Мен бутун жамоага иш ҳақи тўлашим ва дўйонни ёпишим зарур. Бу қийин муаммоларни қандай ҳал қилишни ўйлаш учун эрталаблари соат 4 да турар эдим. Қоронги тунлар жуда узундек туйиларди. Бахтимга айнан Янги йилдан олдин бир фаришта сифат инвесторни топдим. У маълум суммада

*маблаг киритди ва хизматчиларимга иш ҳақи тұлашимға етарли бўлди. Кейинги ойга обуна сервиси қўйишимға ва даромад олишимға етди.*

### **Пол Орфала**

*Хитойликларда “Инқироз — бу имконият” деган нақл бор. Бу сийқаси чиққан гап. Аммо ҳар бир инқироз ўзида янги имкониятлар ургини сақладыйди.*

Мен “Сир” фильмі бутун дунё экранлари-га чиқишини орзу қиласадым. Буни қилишнинг ягона йўли — кўплаб телевизион тармоқлар орқали фильмни 24 соат давомида экранга чиқариб юборишга эришиш эди. “Сир” гояси пайдо бўлганида бу лойиҳага ҳамма қизиқиш билдириди. Бироқ фильм якунланганида хатони кўриб чиқмасдан олдин ҳамма ҳалқаро тармоқлар кетма-кет ҳамкорликдан бош тортишди. Фильмни охиригача олиб бўлганда, 3 миллион доллар қарзимни тўлайман ва бу фильмни дунёга олиб чиқаман деган умидим йўқ эди. Сўнг интернетдан янги технология бўйича реклама қиласидиган компания ҳақида билиб олдик. Бизда фильмни узатишга янги имконият пайдо бўлди. Фильмни ярим метражли қилиб кўрсатиш учун янги технологик имкониятини кенгайтириб, “Сир” фильмни интернет орқали видео-эфирга биргаликда узатиш талаби билан чиқарилди. У шундай усул билан намойиш қилинганди биринчи фильм эди. Бу технология фильмни айнан мен орзу қилганимдек бутун дунёга кўрсатиш имкониятини берди.

*Чекинишдан кўра ўлгунча оч қолиб таваккал қилган яхши. Орзуларингдан қайтиб, умидсизликка дучор бўлсанг, унда нима қолади?*

**Жим Кэрри,  
актёр**

Ҳақиқат шундаки, олий синов ҳақидағи тасаввуринг қўрқинчли. Сен унга дуч келганингда у худди шундай эканлигини ҳаттоқи англамайсан ҳам. Охирги синовга яқин келганингда, сен унга яхши тайёрланган бўласан. Сен шунчалик узоққа борганингда, қудратли ички имкониятларингни амалга ошириш зарурлигини билса. Энди сенда Олий синов билан учрашиш ва унда голиб бўлишга барча керакли имконият бор.

### **Тўртинчи қисм**

## **ГАЛАБА МУКОФОТ**

Сиз ҳойнаҳой чемпионатда голиб бўлган, олтин медалларга эга бўлган ва дунё рекордларини янгилаган спортчиларнинг баҳтини ифодаловчи юз ифодаларини кўргандирсиз. Уларнинг қуввати шунчалик қудратлики, у сизни тўлиқ эгаллайди. Сиз илҳомланиб, ҳаттоқи кўз ёш тўкасиз. Уларга қараётганингиздаги шахсий ҳиссиётларингиз спорчининг ғалабаси олдидаги ҳиссиётларига қараганда ҳеч нарса эмас. Ўз сайёҳатингда ҳар бир қадамингни босиб, қийинчиликларни енгишда қатъиятингизни

күрсатасиз. Муваффақият онларида олий мұкофотни олиш сизни масрурлікка чулгайды.

### **Пит Кэрролл**

2005 йил Оклахомадаги үйиндан олдинги кеңа. Үз жамоамга бирор нарса айтишим керак зди. Биз бу мавсумда бирорта маглубиятта учрамаган жамоага қарши үйнамоқда здик. Бу университет футбол тарихидаги эңг катта үйин зди. Кечқурунги үйин олдидан кийим алмаштириш хонасига кириб, айтилиши керак бўлган сўзлар қандай бўлиши керак? Биз ният қилган нарсамизни яратдик. Буни қачонлардир, үйинларда кетма-кет ютганимиздан яхшироқ бажаришимиз керак. Энди үйнаш мумкин бўлган эңг катта үйинни үйнамоқчимиз. Бизни маглуб этишга имконият қолдирмаслик учун иш олиб бордик. Аммо сабоқ бунда эмас. Биз учун сабоқ истаган нарсамизни яратиб, йўналиш олишдан иборат. Майдонга чиқдик ва устунлик билан голиб бўлдик.

### **Питер Бурваш**

Мен чиндан ҳам ажойиб ҳаёт кечирдим. Биз бу соҳада иш бошлаган ўн етти компания ичida бутун фаолиятини давом эттираётган ягона компаниямиз. Орзу қилганимиздек, тенисни 134 та мамлакатда оммалаштиридик.

### **Майл Эктон Смит**

2009 йил биз сервис маҳсулотларимизга обуна йўлга қўйганимизда, фаолиятимиздаги эңг ажойиб лаҳзалар бошланди. Биз томонимиз-

дан ишлаб чиқарилган бепул маҳсулотта энди ота-оналардан 5 фунтдан түлашни сўрардик. Бизнинг кичик жамоамиз компьютерни ўраб олганди. Ўтирганимизча мониторда бўлаётган манзарани томоша қиласадик. 5 дақиқа ҳам ўтмасдан биринчи буюртмани қабул қилиб, илк 5 фунтни ишлаб топдик. Биз бир-бири мизни қучоқлаб, хона бўйлаб сакрардик. Сўнг ўзимизни қўлга олишга улгурмасдан иккинчи, учинчи, тўртинчи буюртма келди. Бутун меҳримиз, қувватимизни сарфлаган маҳсулотимизга пул тўлашга тайёр харидорлар борлигидан қувончга тўлган эдик. Бу ажойиб туйгу!

### **Лиз Мюррей**

Бу ажойиб онлар Гарвардга ўқишга кирганимда, стипендия беришганида ва аудитория олдида чиқиши қилганимда юз берган. Мен дўстларимга “Ўзимни кино ҳаҳрамонидек ёки китобга тушиб қолганидек ҳис қиляпман”, дердим. Кейин чиндан ҳам ҳаётим ҳақида кино олинди, сўнг китоб ёздим. Бу эса менга дунёимида сеҳрли куч мавжудлигини қўшимча равишда тасдиқлади.

### **Лейн Бичли**

Ўзингнинг ўтган ишинг ҳақида фикр юритганда: “Шуни қила олдимми? Ўзим қилганимга ишона олмаяпман”, дея олсанг бу гаройиб мукофот. Баъзида ўзимни жаҳон миқёсидағи унвонларни олган одам билан тенглаштира олмайман. Аммо: ўз орзуларим ортидан бориб,

бошқа одамлар ҳаётини ўзгартириш имкониятига эга бўлганимдан гоятда миннатдорман.

### Лэрд Гамильтон

Шундай катта орзудан бошлаб, уни ҳаётимда намоён қилиш юрагимга қувонч олиб келади. Бу худди сеҳрли эртакка ўхшайди. Ҳамма қийинчиликлар, омадсизлик ва қулашилар, шикаст ва хафагарчиликлар унинг кичик бўлагига ҳам арзимайди. Агар менга ҳаётимда нимандир ўзгартириш имконияти берилса, унинг бир онини ҳам ўзгартирмасдим.

### Г.М. Рао

Ҳаёт менга қачонлардир орзу қилганимдан анча кўпини совга қилган. Агар орзуим кетидан бормаганимда, эҳтимол, ҳозир оддий ҳаёт кечираётган бўлармидим.

### Анастасия Соаре

Мен кинолардагидек яхши ҳаёт кечирганман. Ўзим севган иш билан шугулландим. Ўзинг яхши кўрган ишни қилиш юксак неъмат. Бу умр саёҳатидан ва ҳар бир янги кундан аввалгидек лаззатланаман. Ҳаётинг якунида ҳеч нарсадан афсусланмаслик — бу энг яхши туйгу.

Орзунинг рўёбга чиқиши кўринишидаги олий мукофот — бу шунчаки саёҳатнинг якуни эмас, балки бошқасининг бошланишидир. Молиявий мукофот ва чексиз имкониятларингни кенгайтириш орзунингни тўсатдан юксалтириб, ҳаё-

тингга қуиилиб келади. Пуллар, имкониятлар ва омад ўзи билан эркинликнинг ажойиб туйгусини келтиради, аммо уни йўқ жойдан бирон нарса қилгандаги мамнунлик ва қувонч билан солиштириб бўлмайди.

### **Пол Орфала**

*Хар тонгда ўзимдан бугун нима иш қилишим кераклигини сўрайман. Мана шунинг ўзи эркинлик.*

### **Мастин Кипп**

Менда саёҳат қилиш ва ҳаётимни ўзим истагандек қуриш эркинлиги бор. Яшаш жойимга боғланиб қолмаганман, ўз бизнесимни Балида, Мауи, Ҳиндистон, Жанубий Африка, Нью-Йоркда олиб боришим мумкин. Бундай эркинлик жуда яхши. Саёҳат қилаётган пайтимда бари бир пул ишлаб топаман, бизнес билан шугулланаман. Бу гоятда зўр. Энг зўри истаган пайтимда уйғонишим мумкин. Қачонлардир мактабга бориш учун эрта туришни ёмон кўрардим, бу ҳаммасидан ҳам ёмони эди.

### **Анастасия Соаре**

*Орзунинг қанча катта бўлса, пулинг шунча кўп бўлади. Ҳар қандай орзу молиявий мукофот билан тақдирланиши зарур.*

Муваффақият келганида, кўпинча бутун ҳаётинг давомида биринчи марта истаган нарсангни олиш, истаган жойингга саёҳатга бориш ва истаган машғулотинг билан шугулла-

нишинг мумкин бўлган ҳолатда бўлиб қоласан. Шунинг билан бирга ўз муваффақиятингни қариндошлар ва дўстларинг билан уларнинг ҳаёти яхшиланиши учун бўлишасан.

### **Мастин Кипп**

*Икки буюк мукофот бор — сенга борини берган одамларга миннатдорлик билдириш имконияти ва муҳтоҷ бўлган одамларга ёрдам бериш имконияти. Ниҳоят, мен ҳам ўзим истаганимдек совға қилишга қодирман.*

### **Лиз Мюррей**

*Бошпанасиз бўлган пайтларимда мен билан бирга қийинчиликлар кўрган одамларни ҳанузгача оиласи аъзоси деб ҳисоблайман. Улар билан ўн олти, ўн етти йилдан бери танишман. Менда озгина пул пайдо бўлганида улар кўрсаттан гамхўрликларидан миннатдор бўлганим учун уларга улашаман. Биз тирикчилик учун зарур бўлган нарсалардан бошладик: ҳаммамиз тиш шифокори ёнига кетдик. Иккита дўстимга уй ижарасига пул керак эди, уларга буни бера олдим. Бошқа дўстимнинг отаси саратонга йўлиққан бўлиб, операциясига пул керак эди, уни тўлай олдим. Ўзимга бошпана сотиб олдим. Ўзим яхши кўрган одамлар ҳақида гамхўрлик қилиш ва уларнинг ҳаётини яхшилаш учун бирон нарса қилиш менга чексиз қувонч келтирди. Бу менинг ҳаётимдаги энг арзирли ҳаяжонлардан бири эди.*

Мен ўртаҳол оиласа түгилғанман. Пулимиз күп бўлмаса-да, бир-биримиз учун бор эдик. Ҳимояланган шароит ва хавфсизлиқда, муҳаббат билан вояга етганим учун омадим чопган эди.

Ота-онам бутун умр астойдил меҳнат қилиши, аммо ҳеч қачон бадавлат бўлишмади. Отам вафот этганида онам ҳаётга бўлган муҳаббатини йўқотиш билан бирга умуман даромадсиз ва пулсиз қолганди. У “Сир” фильмни тантана қилиши олдидан вафот этди, шунинг учун орзум рўёбга чиққанини кўра олмаган. Аммо онам кўрди. У бутун умрини ойликдан ойликкача зўрга етказиб ҳаёт кечирган. Мана, “Сир” фильмидан сўнг ҳаммаси бошқача бўлди.

Эсимда, бир кун ойим йиглаб менга қўнгироқ қилдилар. У дўконга бориб, бир неча кийим-бош олган. Йиглаганининг сабаби ҳаётида биринчи бор нархини суриштирмасдан ўзига кийимлар ололган.

Агар равнақ топишинг ва фаровонлигинг учун бутун умрларини бахшида этган ота-онанг ёнингда бўлса, ўша куни нима ҳис қилганимни биласан. Онамга совға қилишим мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммаси у менинг ҳаётимга берган нарсалар олдида арзимасдир.

### Питер Фойо

Баъзилар “Сен нима учун ҳалигача ишлайсан”, деб ҳайрон бўлишади. Мен “Нимага деганида муҳим иш билан бандман. Шу ердалигимда шу ишни давом эттиromoқчиман”, деб жавоб бераман.

## **ИШДАН РОҲАТ ОЛИШ УЧУН ИШЛАШ**

Ўз орзунгни топсанг ва у билан яшасанг, дунёда бундан яхшироқ ҳиссиёт йўқ. Ишнинг қувончи учун ишлаш, душанба кунлари ил-ҳомланиб уйғонсанг ва ўзинг яхши кўрган иш билан шугуллансанг, сен учун узоқ вақт дам олиш ҳақидаги хаёл зерикарли бўлиб кўрина-ди — мана бу ҳаёт!

### **Питер Бурваш**

1970-йиллар охири ва 1980-йиллар бошида мен Гавайида яшардим. Эрталаб соат 6.00 да лифтда бўлар эдим, 6.30 да тенис машгулоти бошланар эди. Бошқа одамларга қараб, “Бу бечоралар шундай вақтли ишга боришлари ке-рак” деб ўйлардим. Ўзимни ҳеч қачон ишга келган ёки ишляпман деб ҳис қилмасдим.

### **Жон Пол Дежориа**

Мен ўзим машғул бўлган ишимни яхши кўраман. Офисга бориш вақтимни сабрсизлик билан кутаман. Ўзим билан ишлайдиган одамлар билан учрашишни сабрсизлик билан кутаман. Шу ҳаёт тарзини танладим — бу нақадар яхши.

### **Питт Кэрролл**

Шугуланаётган ишимга пул тўлашадими ёки йўқми, муҳим эмас, бажонидил шугуллана-ман. Қизиги шундаки, кўп ўйинчиларимиз худди шундай фикрдалар. Ишимизни вижданан бажараёттанимиз жуда ажойиб, бизга яхши

ҳақ тұлашади, аммо бу иш билан ҳар қандай ҳолатда ҳам шугулланардик.

### **Майл Эктоң Смит**

Күпчилик “Агар бизнесда муваффақият қозониб, катта пул қилолганимда 30 ёшимда нафақага чиқардим”, деб айтади. Бу жуда кам бўлади, чунки кишини лол қолдирадиган бундай катта орзу ва кўра олиш қобилияти бор одамлар оёгини узатиб, дам олишни ёқтирадиганлар тоифасиданмаслар.

Менга “Сир” фильмини сотишга бир талай пул таклиф қилишди, ўша пайтда жуда катта қарзларим бўлиб, фильмни дунёга кўрсатишга ҳеч қандай аниқ имконият йўқ эди. Аммо орзумни сотиш мен учун ақлга сигмас иш эди. Бу ўзимнинг буюк қувончим ва ҳаётим мазмунини сотиш билан баробар бўлиб, буни сотиш учун дунёда керакли микдорда пул йўқ эди.

### **Майл Эктоң Смит**

Бизнесимни сотишим учун катта маблаг — юзлаб миллион доллар таклиф қилишди, аммо менда кун ботаёттана сузиш ва яхтада коктейль ичиш истаги йўқ эди. Қилаётган ишимни яхши кўрардим. Қуриш ва яратишни, буюк одамлар билан ишлашни ёқтирадим. Бу мени эрталаблари ўрнимдан турғазадиган кучдир.

Орзуларингни амалга оширишдан мукофот олиш ажойиб ва ўз орзусини амалга оширган ҳар қандай одам мукофотланишга лойиқ.

Афтидан, сиз ҳам ҳайрат ва ғайратга, муваффақиятингизни ошириб, орзунгизни яна-да буюк қилиш учун тўлиб-тошасиз, энди кўз олдингизга келтирган ҳамма нарсага эришиш учун ўзингизда имконият ва қобилият борлигини биласиз. Бу ҳали ҳикоянинг якуни эмас. Бу саёҳатинг ҳам якуни эмас. Бу қаҳрамонлик саёҳатини тутгатиш учун босиш керак бўлган яна бир қадам. Айнан шу охирги қадам одамни қаҳрамонга айлантиради.

## ЯШАШГА АРЗИГУЛИК ҲАЁТ

Питер Бурваш

Тана қониқиши учун маълум чегаралар бор. Бир мартада чекланган миқдорда овқат еймиз. Бир мартада чекланган миқдорда ичимлик ичамиз. Аммо бошқаларга хизмат қилиш чекланмаган. Дунёдаги энг баҳтли одамлар бирор учун нимадир қилаётган одамлардир.

Қаҳрамонлик саёҳатингда нимадир улкан нарса юз беради. Сен бир жараёндан иккинчи-сига ўтишга чидайсан, бу саёҳатда яна бир қадам ташлашга ички туртки оласан. Бу охирги қадам. Уни босиб, чин қаҳрамонга айланасан ва қаҳрамонлик саёҳати якунланади. Орзунг — иштиёқинг алангаси ачиниш алангасига айланади ва қачонлардир ўзинг ҳам камбагал бўлгани одамларга ёрдам бериш учун уйга қайтасан. Уларнинг азобини англайсан. Сенга уларнинг умидсизлик туйгуси таниш, чунки уни бошингдан ўтказгансан. Энг қудратли ҷириқни эшитасан, ўз саёҳатингда олган ҳамма

воситалардан фойдаланиб, одамларга кўпроқ ёрдам беришни истайсан.

### **Мастин Кипп**

Қаҳрамонлар узоқ қолиб кетиши мумкин бўлган икки лаҳза бор. Биринчиси — бу саргузаштга мурожаатни эшитиш ва ҳар бир қаҳрамон каби йўлни босиб ўтиш. Бу ҳақида ҳамма билади. Қаҳрамон ўз мукофотини олиб, фаровонлик ва шодликка чўмилиб кетишини истамайди. Токи сен бу ҳаётнинг мукофотини ватанингта олиб бориб, бошқаларга бўлиб бермагунингча саёҳат тутамайди. Қаҳрамоннинг қаҳрамон бўлишига сабаб, бу худбинлик саёҳати эмаслигиdir. Қаҳрамон — ўзидан каттароқ бўлган нарсага ҳаётини баҳшида эттан одамдир.

Ўзимиз ва шахсий хавфсизлигимиз ҳақида ўйлашдан тўхтасак, онгимизда қаҳрамонликнинг бир ҳолатидан бошқа ҳолатига ўтишини бошдан ўтказамиз.

**Жозеф Кэмпбелл,  
афсонашуниос**

Сен томондан олинган ҳамма муваффақият ва барча мукофотларга қарамай, юрагингни ўзингдан каттароқ ҳиссиёт эгалламагунича ичингда ҳақиқий қаҳрамон пайдо бўлмайди. Ўз саёҳатинг давомида ўрганганд “ҳаётнинг сеҳрли обиҳаёти” деб номланган нарсани ҳаммага бўлиб бериш, иложи борича кўпроқ одамларнинг ҳаётини ўзгартириш учун яратилгансан.

## **Питер Бурваш**

Лоуренс Рокфеллер айтганидек: ҳаётий камолотта етганингни қачонлардир баланд марта-бага эришганингда тушунасан. Бу мартабадаги инсон учун барча қулайликлар яратилган — бу одам, чинакамига муваффақиятли ҳаёт ке-чирмоқда. Асосийси, ҳаммага фойда келтириш ва жуда камтарин бўлиш керак. Бу сенинг то-жингдаги жавоҳирдир. Бу ҳаётдаги якуний ютугинг бўлиб, ҳамма сабоқлар ичида энг му-ҳимиидир.

## **Лиз Мюррей**

Бошқа одамнинг ҳаётини яхшилайдиган бি-рон нарсани амалга ошираётганимда ўзимни тетикроқ ҳис қиласман.

## **Г.М. Рао**

Жамият менга ҳозир бор нарсасининг бар-часини берди. Шу сабаб унга миннатдорлик билан жавоб қайтаришим ва ижтимоий маж-буриятларимни муҳим деб қарашим керак.

Қаҳрамонлик саёҳатингда сенга холис ёрдам берган одамларнинг мададисиз ҳеч қачон ўз орзунингни амалга ошира олмасдинг. Олганла-рингнинг ҳаммаси учун чуқур миннатдорлик билдириб, ҳаёт учун курашаётган одамларнинг қайгуларига шерик бўлмасдан, қарзларингни қайтармасдан ва бошқаларнинг ҳаётларига ижобий таъсир кўрсатмасдан юролмайсан.

## **Питер Бурваш**

Бир четда турмасдан, мен учун аҳамиятли бўлган бирон иш қилишим қанчалик муҳим? Ҳаётимнинг мазмуни шунда. Шунинг учун эрталаблари тураман. Айнан шу нарса кечқурун бошимни ёстиқقا қўйиш ва мамнунлик ҳиссими сезишимга имкон беради.

## **Майл Эктон Смит**

Агар пулинг кўп бўлса ва улар шунчаки банк ҳисобида ҳаракатсиз ётган бўлса, бу имконият беҳуда сарф қилинаётгандек туйлади. Пулларни ишлашга мажбур қилиб, бирон ишга тикиш керак. Одамларга ёрдам бериш, қувватлаб туриш — улар ўз орзуларини амалга оширишлари ва баҳтироқ яшаёттанларини кўриш ҳам ёқимли.

## **Питер Фойо**

Кабинетимда ўтирад эканман, жамоамдаги кимнингдир боласи йўлакда югуриб юрганини кўрсам, бу дақиқаларда бошқа ёқимлироқ нарсани тасаввур эта олмайман. Бу боланинг баҳтили, соғлом экани, мактабга бораёттганини кўриш... Бир кун миянгта келган гоя туфайли бевосита гамхўрлик қилаётган одаминг борлигини билиш яхши.

## **Пол Орфала**

Мен болаларим эртаклардагидек қасрда яшашлари учун тиним билмай ишламайман. Улар етарли нарсаларни олишади. Ҳамма бор

**нарсамни, тоғын үлгунимча мұхтожларга ёрдам бериш учун тарқатаман.**

**Г.М. Рао**

Менга Коинот жамият учун ҳиммат қилиш имконини бергани учун омадим келган. Үзимнинг акцияларимни үзимиз бошқарадиган жамгармамга васият қилганман.

Бу қаҳрамонлик саёҳатидаги охирги қадам шунчаки миннатдорликка чек ёзиб беришдан иборат эмас. Бу вақтинг ва қувватингни юрагингда акс садо бераётган соҳаларга баҳшида этишдир. Бу сен бир пайтлар бўлган оғир аҳвоздаги, сен эришган нарсаларга эришиш учун маблаги етишмайдиган одамларни қидиришдир. Үзинг орттирган барча кўникма ва услублардан бошқа одамларнинг ҳаётини имкони борича яхшилаш учун қарор қабул қиласан ва улар орзулари ортидан бора олишлари учун имконият яратасан.

**Анастасия Соаре**

Мен Жанубий Африкага Опра Уинфри қизлар мактабини очганида борганман. Уни ҳеч қачон бундай баҳтли ва кўтаринки руҳда кўрмаганман. У ақл бовар қилмас қувват билан тўла эди, чунки қизларнинг ҳаётини ўзгартираёттан эди. Жавобан қилинган туҳфа ҳаётда бўладиган энг ёқимли ҳаяжондир. У ҳаммасидан яхши.

Омадли одамлар шунчаки пул бериш ёрдам беришнинг энг яхши усули эмаслигини биладилар. Саёҳатини тутатган одамлар ўз пулларини топширган ташкилотларни, одамларга ўз ҳаётларини ўзгартиришга имкон берадиган маблаг ва иш билан таъминлаганларини яхшилаб назорат қиласидилар.

### **Жон Пол Дежориа**

*Энди менинг энг катта орзуим — бутун мамлакат, экологияга зарар келтирмасдан туриб ривожланиши ва равнақ топиши учун ёрдам беришдир.*

Улар пулларини одамларнинг тоза ичимлик сувиэнг зарурий каби эҳтиёжларини қондириш учун ёки тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун маблагларини берадилар. Эски бир мақолда айтилганидек: балиқни шунчаки тарқатиш эмас, уни овлай олиши учун кўникма ва воситалар бериш керак. Бу пулларни қаерга бериш керак, деган савол тугилганида сени бошқарадиган тамойил.

### **Пит Кэрролл**

*Бутун дунёда миллионлаб хайрия ташкилотлари бор. Уларнинг ҳаммасига ёрдам беришдан хурсандман, аммо A Better LA мен яшаган ва ишлаган жой Лос-Анжелес билан боғлиқ. Биз одамлар билан иш олиб борамиз, уларга ёрдам бермоқчимиз, улар ўзлари учун орзу яратсалар, ўзлари яшаётган оламни бошқариб, назорат қила оладилар. Шукурки, биз бир неча оила-*

ларга, шу жумладан болаларга ёрдам бердик. Шу ишда иштирок эттанимдан фахрланаман. Бошқаларга кўпроқ кўмак беришни истайман. Илҳом, мадад ва умиқ — бу ёрдамчилар, уларни бошқа одамларга ҳар куни беришинг мумкин. Улар кўпинча одам учун сен беришинг мумкин бўлган ҳар қандай миқдордаги пулдан муҳимроқдир.

### **Майл Эктон Смит**

Мен учун энг ёқадиган машгулотлардан бири мактаб ўқувчиларини илҳомлантиришдир. Улар тадбиркорлик нималигини тасаввур қилмасалар ҳам майли, аммо гапларимиздан илҳомлансалар, натижада баъзилари ўз шахсий бизнесини яратсалар, сўнг тўлақонли баҳти ҳаёт кечиришга эришсалар, мақсадимизга етган бўламиз.

The Secret Company ўзининг биринчи даромадини олишидан бошлаб, ҳали яхши фойда кўришидан анча аввал дунёning турли мамлакатларидағи одамларга мадад берувчи, кишилар тўлақонли ҳаёт кечиришларига кўмаклашгувчи нотижорат ташкилотларига катта фоизда пул ажратса бошлади.

### **Питер Бурваш**

Биз аравадаги тенинсчилар дастурини бутун дунё бўйича тарқатдик. Тенинс бўйича ҳар қандай давлатда яшовчи, йигирма саккиз ёшгача бўлган, аравада ўтириб қолган ногирон тенинсчиларга текин дарслар берамиз. Бу спорт

ёрдамида одамларга күплаб қувонч ва баҳт улашчик.

Қаҳрамонлик саёҳатингизнинг қайси босқи-чидалигингиз ва умуман ҳатто қачон бошлиғанингизнинг аҳамияти йўқ, ҳозирнинг ўзида совға қилишингиз мумкин. Ёрдамингиз ким-гадир керак бўлганида у одамга ёрдам бериш учун қўлингиздан келганини қилинг. Бу борада тавсияларга амал қилишингиз мумкин, улар сизга бегоналарнинг муаммоларига қандай ва қачон аралашиш мумкинлигидан хабар беришади.

Одамларни ўзи учун осонлик билан қила оладиган ҳеч нарсада қўлламанг. Агар буни қилсангиз, унга ёрдам бермаётган, шунчаки кучдан қўяётган бўласиз. Кучдан қўйиш ва ёрдам ўртасида нозик чегара бор, шунинг учун одам ўзига-ўзи қила олмайдиган ишда ёрдам беринг. Уни илҳомлантиринг, мақтанг, унга умид багишлиланг, имкониятлар билан таъминланг, унинг ўзи бу вазиятдан чиқа олсин. Шундай йўл тутиб, унга мадад берасиз, биздан ҳеч ким шахсий ҳаётини озгина тўлароқ яшаши учун таъминлашдан кўра буюкроқ иш топа олмайди.

### **Мастин Кипп**

Ҳеч нарсага қарамасдан чексиз тортиқ қилиш имконияти бор. Ҳатто ҳозир ўзинг инқирозда бўлсанг ҳам ўз тортиқларингда сахий бўлсанг, айнан шунда тўкин-сочинлик сенга оқиб келади.

### **Лиз Мюррей**

*Күпчилик одамларни илхомлантириш учун китоб ёзиш керак ёки күп сонли оломон олдида чиқиш қилиш керак, деб ўйлашаади. Аммо одамларга катта мазмунга эга жуда кичик ҳаракатлар қилиб ҳам ёрдам бериш мумкин.*

### **Питер Фойо**

*Одамларга ўз вақтингни ёки нарсаларингни беришиңг мумкин. Биз ўз ҳаётимизни бошқаларга ёрдам берган миқдорда бойита оламиз.*

*Агарда қилаёттан ишиңг фақат бир одамгагина ёрдам берса-да, жуда яхши иш қилаёттан бўласан.*

**Блейк Микоски,  
TOMS Shoes асосчиси**

### **Жон Пол Дежориа**

*Укам билан мен олти ёшлигимизда онам Янги йил таътили пайтида бизни Лос-Анжелес марказига олиб борганди. Ўша ерда биз кўчада қўнгироқча чалиб турган одамни, ёнида эса челакча борлигини кўрдик. Онам бизга ўн цент бериб, уни челакчага ташлашимизни буюрди. Биз буни қилиб бўлганимиздан сўнг онамидан: “Нима учун биз бу одамга ўн цент бердик?” деб сўрадик. Ўша кунларда пулимиз жуда оз эди, ўн центта иккита катта шиша идишда лимонад ва тахминан учта шоколад батончасини олса бўларди. Онамиз: “Бу қутқарув қўшини. Улар бошпанасиз одамларга ёрдам беришаади. Эсингизда бўлсин, болалар, биз ти-*

рик эканмиз, нимамиз бор-йўқлигидан қатъи назар, доимо биздан камроқ нарсаси бор одамлар топилади. Ҳар доим нима биландир ёрдам беришга ҳаракат қилинг” дедилар. Бу мени бошқалар билан ўзимда қанча бўлса ҳам баҳам кўриш руҳида тарбиялади ва бу эзгу йўл бўлса керак деб ўйлайман. Сен баҳам кўрмайдиган муваффақият — бу омадсизлик.

Камми ёки кўпми, ўзингда борини бер, қанчалиги муҳим эмас. Бошқа одамга ёрдам берганинг учун ҳис қилган баҳтинг сени асло тарқ этмайди. Моҳиятан, сен ҳис этган қувонч ва баҳт шу даражада каттаки, бу орзуинг ортидан боришга чорловдир. Сени ўзингдан ҳам катта бу ҳиссиётлар қаҳрамонлик саёҳатининг охирги қадамигача этиб боришингга ундайди.

### Лиз Мюррей

Одамлардан ўз орзулари ҳақида сўрасанг ва энг тубигача суриштирсанг, доимо: “Мен одамларнинг ҳаётини яхшироқ қилмоқчиман?” дейишиганини эшитасан. Ўйлайманки, ичимиздаги шу истак билан туғиламиз ва бизнинг бу ердаглигимиз яшащдан мақсадимизнинг бир бўлаги.

### Лэрд Гамильтон

Бу оламни қандай қилиб янада яхшироқ қилишни билишдан хурсанд бўлардим ва бу йўналишда давом этиб, охир-оқибат яшащдан мақсадим оламни илгаригидан яхшироқ қилишда эканини тўлиқ англаб етайдик.

## ЎЗИНГДАГИ ҚАҲРАМОН

Қаҳрамонлик саёҳатида охирги қадамни босиб, покиза қалбли одамга — ҳақиқий қаҳрамонга айланасан. Идрокинг ва онгинг олдин чекланган бўлган, Ер сайёраси бўйлаб саёҳатингни бошлаганингда, улар бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтган. Аввал ҳаётингнинг маъноси ҳам, мақсади ҳам бўлмаганидек туйилган бўлса, энди ҳаёт аниқ ва тушунарли йўлда.

Атрофдагиларга бўлган ғамхўрлигинг орқали идрокинг ҳаммага тегишли бўлган Коинот билан бир хил бўлади. Ғамхўрлигинг чуқурлашишига қараб, хавотирларинг, ғамларинг ва қўрқувларинг йўқола бошлайди. Уларнинг ўрнига китоб ўқиб, онгингга олимлик дараҷасидан анча юқори бўлган донишмандлик ва билим келади. Ўзлигинг кимлигини англайсан. Ҳаммамиз Ерда бир оила эканимизни қўрасан. Вужудингни мутлақ хотиржамлик ва ҳаёт қувончлари тўлдиради. Бу сенинг йўлинг ва тақдирингдир.

Ичингдаги бор имкониятинг менга маълум. Қаҳрамонлик хусусиятларинг ва қобилиятларинг ҳам маълум. Бу сенинг йўлинг ва фақат сен унда яшай оласан. Бу сенинг қаҳрамонлик саёҳатинг ва фақат сен уни амалга ошира оласан. Энди сенда харита ва компас бор. Йўлнинг ҳар бир қадамида ҳаммамиз сен билан бирга бўламиз.

**Питер Фойо**

Анчайин баҳтили, тўлақонли ҳаёт кечиришинг мумкин. Ҳозир қаерда ёки қандай ша-

роитда бўлганингдан қатъи назар, тўсиқларни енгиб ўтиш учун ҳамма нарсанг бор.

### **Лейн Бичли**

Сенга ишонаман, аммо бу сен ўзингга ишонмайсан деганим эмас. Ўзингта ишон ва бу ҳаётдан истаган нарсангта эришиш учун қила оладиган ҳамма ишни бажар.

### **Пит Кэрролл**

Ҳар бир одамда бу куч бор. Биз бу кучни кўпинча атрофимиздаги одамларга ўтиш имконини берамиз ёки ўзимизнинг келиб чиқишимиз, кўрган-кечиргандаримизга қараб, истаган нарсани яратишга қодир эканимизга етарли даражада ишонмаймиз. Бу мен ҳамма одамларга хабар бермоқчи бўлган энг муҳим маълумотдир.

### **Г.М. Рао**

Орзуларингта ишон ва ҳеч қачон улардан воз кечма. Қатъиятли бўл ва ишонишда давом этсанг, улар амалга ошади. Ҳар бир саёҳат орзудан бошлиданади. Ишонч ва орзуингта бўлган эътиқодинг сенга йўл очади.

### **Жон Пол Декория**

Муваффақиятли одамлар ва омадсизлар орасидаги катта фарқ шундаки, муваффақиятли одамлар ҳеч нарсани кутиб ўтирмайдилар ва ҳеч нарсага орқа қилмайдилар. Ишни бажаришни ўз зиммангта ол ва уни ўзинг ба-

жар. Агарда нимадир ўхшамаёттан бўлса, то муваффақиятга эришмагунингча уриниб кўр. Ҳар бир одамда шундай куч бор, у сенда ҳам бор.

### Лиз Мюррей

Ҳаётимизда қилаёттан ҳамма нарсани ҳар хил тушуниш мумкин. Кимлигимиз ва ниша учун бу ердалигимиз ҳақидаги воқеаларни ўзимиз гапириб берамиз, бўлаёттан воқеаларга ўз муносабатимизни билдирамиз. Яхши янгилик шундан иборатки, ҳар дақиқада бу воқеани яхши томонга ўзгартиришинг мумкин. Чунки сен ўз ҳаёtingнинг ягона муаллифисан.

### Питер Фойо

Менинг қила оладиган ишим ҳаммага эшигадиган қилиб: “Сиз қаҳрамонсиз!” деб бақириш. Ҳамма одамлар беистисно қаҳрамонлардир. Сен ҳам ҳаёtingда қаҳрамон бўла оласан.

Ташлаёттан ҳар бир қадаминг, ҳаёtingда эришмоқчи бўлганинг ҳаммаси, сен амалга оширмоқчи бўлган ҳар бир орзуинг — ўз бахтингни излашингдир. Бахтни ҳар бир тепаликка чиқиб тушиб, токи қаҳрамонлик саёҳатининг якунида сен излаёттан бахт ҳақиқатда ўзлигингни кашф қилишдан иборат эканини англайсан.

Шунинг ўзи Ер сайёрасидаги ҳар бири миз учун қаҳрамонлик саёҳатининг якунидир. Фақат сен шундай буюк саёҳатни кашф қи-

ла оласан. Фақат ўзинг ким эканинг ҳақида-  
ги ҳақиқатни оча оласан. Фақат ўзинг ичинг-  
даги қаҳрамонни топа оласан. Бу соатгача ўз  
хаётингнинг ҳар бир кунида, умринг давомида  
ичингдаги қаҳрамон сени эзгу йўлга даъват қи-  
либ турганини энди тўлалигича англаб етасан.

## ҚАҲРАМОНЛАРИНГИЗ БИЛАН ТАНИШИНГ

Майкл Эктон Смит



Майкл Эктон Смит — фавқулодда қобиляят эгаси, болалар учун онлайн ўйинлари ва Moshi Monsters тайёрлайдиган Mind Candy компанияси-нинг бош директори. Moshi Monsters бу онлайн ўйинлар ва виртуал олам, фақат утина эмас, ўйинчоқлар, коллекцияли карточкалар, журналлар, китоблар ва кинофильмлар чиқаради. Майкл Mind Candyни бошқаради ва ўзининг ажойиб қобиляти ёрдамида “рақамли авлод” учун қизиқарали ўйинлар яратмоқда.

Майкл The Moshi Foundationни бутун дунё ёшларига ёрдам бериш учун грант ажратадиган ташкилот сифатида тузди. Бугунги кунда грантлар алоҳида эҳтиёжга муҳтоҷ ва ногирон болаларнинг молиявий қийинчиликларини бартараф этиш, таълим олиши, соглигини мустаҳкамлаш, фаровон яшashi, руҳан ёрдам бериш учун ўйналтирилган.

Лейн Бичли

Лейн Бичли — тарихда энг муваффақиятли серфер аёл ва етти карра жаҳон чемпиони. Ҳозирги пайтда у Халқаро серфинг ассоциацияси ва Surfing Australia ва Sport Australia Hall of Fam ташкилотларини директорлар кенгашининг аъзоси. Лейн серфинг билан ҳар куни шугуулланади, вақти-вақти билан нуфузли мусобақаларда иштирок этади ва кўргазмали чиқишиларини на-мойиш қилади.

Лейн Layne Beachley Aim for the Stars Foundationни ёш хотин-қизларга молиявий, ахлоқий ва улар ўз орзуларини амалга оширишларига кўмак бериш учун ташкил қилинган. Бу дастур Австралиянинг мақсад сари интилаётган, барча спорт турларига, илм-фанга ёки жамоат ишларига маданиятта ўзини баҳшида этган хотин-қизлар мурожаат қилиши мумкин. Лейннинг мақсади ёш аёлларга юксакликка эришиш йўлларига ёрдам беришдир.



## Питер Бурваш



Питер Бурваш ҳамма даврларда ҳурматта сазовор теннис мураббийи. Питер дунёдаги энг йирик теннис менежменти **Peter Burwash International** компанияси ташкилотчиси ва президенти дунёнинг ўттиз икки мамлакатида ногиронлик дастури ва теннис тренингининг юқори разряди таъминловчиси. Шунингдек, Питер ёзувчи, нотик ва бестселлерлар муаллифи.

Питер дунё бўйича кўп саёҳат қилган ва натижада **Care For**

**Vrindavan** хайрия ташкилотини тузишда иштирок этишига қарор қилган. У АҚШда жойлашган ва Ҳиндистоннинг қашшоқ қишлоқлари — Бриндавана учун маблағ йигади. Ташкилот маҳаллий аҳолини улар келажакка ишонч билан қарашлари учун биринчи зарурий маҳсулотлари билан таъминлади. Шунингдек, бу ташкилот минглаб ҳинд қизлари билим олишлари учун таълимни молиялаштиради.


## Пит Кэрролл

Пит Кэрролл — америкаликлар футболининг мураббийи ва икки миллий чемпионат голиби ҳамда кўпгина унвонлар эгаси. Пит ҳозирги пайтда Seattle Seahawks бош мураббийиси бўлиб ишлайпти ва яқинда МФЛ томонидан "Йил мураббийиси" деб тан олинди.

Пит инсонпарварлик фаолияти, айниқса ўзининг Лос-Анжелес ва Сиэтл шаҳарларида жиноятчиликка қарши кураши билан машҳур. Пит **A Better LA** ва **Better Seattle** ташкилотига асос солган, мақсади — одамларнинг юқори мақсадли қонуний жамиятларини тузишдан иборат. Пит маҳаллий жамоа ташкилотлари билан бирга носоғлом оиласлар ва тарбияси оғир ўсмиirlар билан шугулланади.



## Жон Пол Дежория



Жон Пол Дежория бизнесмен, John Paul Mitchell Systems соч парвариши маҳсулотлари ва гўзаллик мактаби компаниясининг ҳамкорларидан бири. Жон Пол компаниянинг бош директори, бу компаниянинг бир йиллик маҳсулот айланиши 1 миллиард долларга етади. 1989 йил у Patryp Spirits Company ташкилотининг тузувчиларидан бирига айланниб, унинг катта қисмига эгалик қиласди. Пол атроф муҳит муаммолари, халқаро дипломатия ва хайр-эҳсон билан шугулланади.

Болалиқда Жон Пол бир неча йил асранди бўлиб яшаган, вояга етгандан сўнг бир неча муддат уйсиз бўлган. Бу унинг хайрия фаолиятини танлашига сабаб бўлди. Жон Пол JP's Peace, Love & Happiness Foundation ташкилоти учун жиддий маблаг ажратар эди. Бу ташкилот ҳамма муҳтоҷ одамларни фермада иш билан таъминлайди, улар оёқда туриши, ўз оиласарини боқиши ва шахсий бизнесини очиши учун имкон беради.

## Питер Фойо

Питер Фойо — халқаро телекоммуникацияда эксперт ва раҳбар. Питер Лотин Америкасидаги энг яхши бош директор. У директорлар кенгашида бир неча компанияни ва ишчиларнинг 17 минглик армияси бўлган Nextel Communications Мексикони бошқаради.

Компания бош директори сифатида Питер ўзаро ёрдам ва корпоратив ижтимоий жавобгарликни қурди. **Nextel Foundation** жамияти камбагал ва ногиронларга таълим олишга, ўз бизнесини очишга ёрдам беради. Жамгарма талабаларни стипендия билан таъминлайди ҳамда илмий тадқиқотларни молиялаштиради.



## Лэрд Гамильтон



Лэрд Гамильтон — бигвейв-серфер бүйича бутун оламга машхур, шатакка олиб тортадиган серфинг ва гидролайф серфинг бошловчиси. Лэрд ўз вақтини катта тўлқинларда учиш, серфингнинг янги шакларини ўйлаб топиш ва юрагига яқин бўлган жамоат ишлари билан шуғуланишга сарфлайди.

Лэрд ва унинг хотини Габриель Рис яқинда RainCatcher нотижорат ташкилоти директорлар кенгашинг аъзоси этиб тайинланди. Rain-

Catcher глобал сув тансиқдигини енгиллаштириш учун тузилган. RainCatcher бутун дунёдаги 700000 дан ортиқ одамни ёмғир сувини йигишга мўлжалланган тизим билан таъминлади. Унинг мақсади 2015 йилдан бошлаб 10 миллион одамни тоза ёмғир суви билан таъминлашdir.

## Мастин Кипп

Мастин Кипп — тадбиркор, ёзувчи, блогер, у ижтимоий тармоқларни ўзининг илҳомбахш номаларини тарқатади. Mastin The Daily Love — веб-сайтини кундалик хатларни юбориш ва Twitter-аккаунт, The Huffington Post синдикатлаштиради, обуначилар сони кунига 600000 га етади. Mastin Oprah's Lifeclass дастури меҳмони бўлади ва Опра томонидан Super Soul Sundayга келгуси авлоднинг маънавий мутафаккири сифатида таништирилган.

Мастин ўзини ўзгаришига сабаб бўлган лайф-коуч Энтони Роббинс олдида қарздорман деб ҳисоблайди ва Anthony Robbins Foundationга миннатдорлик сифатида ёрдам беради. Бу нотижорат ташкилоти ёшлар, қарилар, бошпанасизлар ва қамоқдан чиққанларнинг ҳаётини енгиллаштириш ва бойитиш дастурларини олиб боради.



## Лиз Мюррей




Лиз Мюррей — ёзувчи, бестселлерлар муаллифи ва дунёнинг талаб қилинадиган нотиқларидан. У ўзининг ажойиб саёҳати орқали бошпана сизлиқдан то Гарвард университетигача бўлган йўлни босиб ўттан. У саҳнада Михаил Горбачёв, Далайлама ва Тони Блэр билан бирга чиқкан, Оқ уй ва Опра Уинфри томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаган иши учун маъқулланган.

Ўсмирларга намуна бўлиб, Лиз **Momentum Teens for Leadership** — мақсади ёшларнинг етакчилик хусусиятларини рагбатлантириш ва қўллаб-қувватлайдиган нотижорат ташкилоти билан ҳамкорлик қилаётганидан фахрланади. Momentum Teens ўсмирларни масъулиятли, ўзига ишонган жамиятнинг фойдали аъзосига айлантиради.

## Пол Орфала

Пол Орфала — Kinkos ташкилотчиси,офислар учун товарлар тармоқлари, бизнес хизматларнинг бошқарувчиси. Kippkosнинг улушкини сотиб, Пол ўз билимларини университет профессори сифатида беради ва кўплаб инсонпарварлик ишларида қатнашади.

Пол раҳбарлиги остидаги **Orfalea Foundation** бошқа одамларга ўзининг кучли томонларини излаб тошишга имкон беради. Жамғармалар томонидан қўллаб-қувватланган дастурлар ўсмирлик ёшидан бошлаб нотиқлик таълимими беради, олий таълимда минглаб стипендиялар ва танланган университет дастурини молиялаштириш, ўрта мактабнинг дастурини рагбатлантириш билан шугулланади. Пол ўз ёрдамини қийналиб қолган ёлгиз оналарни ва мактабларда болаларни овқат билан таъминлади.



## Г.М. Рао



Г.М. Рао — GMR Group Ҳиндистондаги Бангалоре шаҳрида жойлашган энергетика инфраструктурумаси соҳасидаги глобал корпорация ташкилотчиси ва раиси. Ўтқир ақлии етакчи Рао яқинда ўз компаниясини шаҳар қурилиши ва миллий активлар яратишда, тезкор автомагистраллар ва аэропортлар, электростанциялар яратишга йўналтириди.

Рао GMR Varalakshmi Foundationни маҳаллий жойда қашшоқлик

ва коммунал муаммоларини ҳал этишга ёрдам бериш учун тузди. Жамгарма муҳтоjlар учун таълимни сифатли қилишга интилади. Соғлиқни сақлашни таъминлаш учун касалхона, тиббий клиникалар ва "Тез ёрдам" хизматларини жорий қилди. Ўқув муассасалари ва ташаббускор ёшлар учун тадбиркорлик дастури асосида ишга жойлаштириш масаласи ҳал этаётти.

## Анастасия Соаре

Анастасия Соаре "Қошлар малякаси" ва "Гўзаллик индустрияси"нинг санами ҳисобланади. Унинг ҳайратланарли усулидаги қошлар коррекцияси туфайли Анастасиянинг мижозлари Голливудда ном чиқарган, у Беверли-Хиллз ва Брентвудда ўз салонларини очди. Анастасиянинг қош парвариши бўйича студиялари бутун дунёдаги юқори сифатли универсал савдо марказларида ишлайди ва шахсан ўзи қошлар учун эксклюзив ассортимент ишлаб чиқаришини йўлга қўйди.

У тузган Anastasia Brighter Horizon Foundation туфайли меҳрибонлик уйларида катта бўлган ёшлар стипендиya ололади, гўзаллик мактаблари ва касб-хунар ўрганиш курсларида таълим олиши мумкин. Бу уларга гўзаллик ва тери парвариши соҳасида иш бошлаш имконини ва келажаги учун яхши пойдевор қуришига, фаровон ҳаёт кечиришига ёрдам беради.



## КОДА НЕВАЖДАЕТ

ЧОВЕКИХ

СНОВАНИЯ

### МУНДАРИЖА

Миннатдорлик .....	3
Кириш.....	4
Биринчи қисм	
Орзу	
Саргузаштларга чақирув .....	12
Ҳамма қийинчилекларга қарши ўлароқ.....	12
Сенинг истеъодинг .....	19
Истеъоддан воз кечиш.....	27
Сохта ҳимояланган .....	33
Ўз орзунгни қандай топишинг керак? .....	39
Катта ва кичик орзулар.....	46
Бахтиңиз ортидан боринг.....	47
Роҳат-фароғат баҳтиёрикка олиб боради.....	48
Ўзингга садоқатли бўлиш.....	53
Сени у ҳаракатга келтиради .....	58

## **Иккинчи қисм**

<b>Қаҳрамон</b>	
<b>Ишонч</b>	59
<b>Сенинг онг остинг</b>	63
<b>Хиссиёт</b>	69
<b>Қаҳрамоннинг фикр юритиши</b>	76
<b>Мана-мана, нимадир яхшилик бўлади</b>	79
<b>Қаҳрамоннинг юраги</b>	
<b>Жасурлик</b>	85
<b>Таваккал қилиб.</b>	89
<b>Миннатдор қалб.</b>	91
<b>Интуиция</b>	97
<b>Қаҳрамоннинг йўли</b>	
<b>олтин қоида</b>	100
<b>Итоаткорлик</b>	107
<b>Қатъият</b>	108
<b>Қатъиятлик ва коинот</b>	113
<b>Интилиш</b>	115
<b>Ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон чекинма</b>	118

## **Учинчи қисм**

### **Саёҳат**

<b>Лабиринт.....</b>	<b>119</b>
<b>Қадамма-қадам .....</b>	<b>123</b>
<b>Ҳар нарсага шубҳа билан</b> <b>қаровчилар ва иттифоқчилар.....</b>	<b>126</b>
<b>“Бемаъни одамларга”</b> <b>эътиборсиз бўл.....</b>	<b>131</b>

<b>Иттифоқчилар.....</b>	<b>134</b>
<b>Мўъжиза ва синовлар йўли.....</b>	<b>136</b>
<b>Қийинчиликлар ва тўсиқлар .....</b>	<b>137</b>
<b>Омадсизликлар ва хатолар .....</b>	<b>144</b>
<b>Мўъжиза .....</b>	<b>147</b>
<b>Олий синов.....</b>	<b>152</b>

### **Тўртинчи қисм**

### **Ғалаба**

<b>Мукофот .....</b>	<b>160</b>
<b>Ишдан роҳат олиш учун ишлаш .....</b>	<b>167</b>
<b>Яшашга арзигулик ҳаёт .....</b>	<b>169</b>
<b>Ўзингдаги қаҳрамон .....</b>	<b>179</b>
<b>Қаҳрамонларингиз билан</b> <b>танишинг .....</b>	<b>183</b>

Орзу ҳеч қачон ўз изидан бо-  
ришига чорламайди, уни амалга  
оширишинг учун юзлаб ус-  
лубларинг бор. Сенда амалга  
ошмайдиган орзу умуман бў-  
лиши мумкин эмас, аммо орзу-  
инг ҳаётингга кириб келиши  
учун ҳали озгина ҳам ҳаракат  
қилмагансан. Орзуларинг сен  
эришишинг мумкин бўлган ях-  
ши ҳаётга чорлайди, улар  
ичингдан қаҳрамонни топишга  
чақиради.



ISBN 978-9943-4680-9-2

9 789943 468092